

# КЕЛАЖАК

## БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

*«Агар келажак йўлингизни ўринли танлай билсангиз ва унга ўзингизнинг бор салоҳиятингизни, бутун қалбингизни бахш этсангиз, бахтнинг ўзи сизни қидириб топади, онгли ва узоқни кўзлаб қилган қатъий ҳаракатингиз ўзи сизни порлоқ келажакка олиб боради»,* деган эди алломалардан бири. Худди шундай эзгу мақсад ва ҳаракат билан мамлакат раҳбари ўз халқини, ўсиб келаётган ёшларини ишонч билан олға бошласа-чи, шубҳасиз унда бу йўл бир бутун мамлакатни тараққийга, халқини эса фаровонлик ва саодатли ҳаётга олиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тавлаган олий мақсад йўли, айниқса ёшлар тарбияси, таълимдаги ислохотлар йўли, унинг қисқа йиллар давомида бўй кўрсатаётган самара ва муваффақият тимсоли бўлган нишонлари бизга шундай дейиш имконини беради.

Тарбия - буюк иш: тарбия билан инсон, инсонлар қисмати, демакки, давлат ва жамият қисмати ҳал этилади. Шундай экан, бизни бу қадар мамнун этаётган таълим-тарбия жараёнлари ёшларимиз қисмати, ҳаётдан ўзига муносиб ўрин топишларига нечоғлик ёрдам бермоқда?

Бугун мустақил фикрли, аниқ мақсадли, замонавий касб-хунар соҳиб бўлган, ҳаётда эсанкирамай, ўз эгаллаган ихтисосолига бўйича ўзини дадил ишга чоғлаб, айниқса адабиётимизга ўзига хос янгроқ овози билан киниб келаётган бу ёшларга қараб беихтиёр Юртбошимизнинг магистратура ва академик лицей ҳамда касб-хунар коллежларининг илк битирувчиларга йўллаган табриги, таъбир жоиз бўлса оқ фотиҳасидаги қуйидаги сўзлари дилингиздан ўтади: *«Яхши ният билан парвариш қилинган дарахтнинг дастлабки меваси ҳаминиша тотли бўлади. Бугунги ҳаяжонли дамаарда сиздек бахтиёр авлоднинг чехрасига боқиб, ана шундай улуғ мақсадларимизнинг ширин меваси, олижаноб интилишларимизнинг илк нишонасини кўриб турибмиз, десак, асло муболага бўлмайди. Бугун ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз орзу-умидлари ушалган муборак кунда сизларга оқ йўл тилар эканман, олган билим ва тажрибангиз, одоб, ахлоқ, касб-хунар бобидаги камолингиз фақат яхшиликка, бунёдкорликка буюрсин, аввало ўзингизга, бутун эл-юртимизга бахту-саодат келтирсин, дейман.»*

Биз XXI аср илм - фан, юксак техника ва технологиялар тараққий этган, ахборот, сўзнинг қудрати бениҳоя ошган бир даврда яшамоқдамиз. Бу асрга келиб инсон онги, тафаккури шу қадар ривожланиб кетдики, бугун чин маънода билим энг катта хазинага, бойликка, қудратга айланди. Тўғрироғи, бугун энг фаровон, қудратли давлатлар бойлигининг асосини ҳам илм, илм-маърифатли ки-



шилар, ёшлар ташкил этмоқда.

XX асрда аксарият давлатлар ер ости, ер усти бойликлари табиий ресурслари билан қудратли ҳисобланган бўлса, бугун интеллектуал ресурс табиий ресурслардан-да муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Негаки, илм-фан, билим бугунги кунга келиб нафақат тинчлик, фаровонлик асоси, балки барча мушкулларга қалит, қулфатларга қалқон сифатида ҳам муҳим рол ўйнамоқда.

Тарихга назар солсак, нафақат аجدодларимиз, балки дунё олимлари, давлат раҳбарлари халқнинг фаровонлиги, мамлакат равнақининг асосий қалити нима деганда, биринчи навбатда илм-маърифатни назарда тутганлар. Халқини, миллатини истиқболини ўйлаб қайғурган инсонлар ҳаминиша дастлаб уни илмга, яратувчанликка, бунёдкорликка етаклашга интиланлар.

Ўтган йиллар давомида бевосита вояга етиб келаётган ўғил-қизларимизга қанот янглиғ Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университети, Халқаро Вестминстер Университети каби қатор олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, бунёд этилган юзлаб мухташам академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичларини битириб чиққан йигит-қизларимизнинг, "Ниҳол", Зулфия номидаги Давлат мукофотларига сазовор бўлган ёшларимизнинг билими, салоҳияти, касб-хунар бобидаги даражаси чин маънода мамлакатимиз тараққийоти таъминлашга хизмат қила бошлади. "Ҳар бир авлод тарихнинг ўзига тегишли саҳифасини ўзи ёзиши лозим". Президентимизнинг бу сўзлари бугун ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда десак муболага бўлмас. Негаки, Бокс бўйича Осиё ва Жаҳон чемпиони, Осиё ва Олимпия ўйинлари ғолиби Муҳаммадқодир Абдуллаев, шоҳмат бўйича Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати минтақа-

вий мусобақаси голиби, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов, 31 ёшида фан учун муҳим бўлган йўналишда илмий-тадқиқот ишларини амалга оширган ҳамда физика-математика фанлари доктори даражасини олган Ўткир Розиков, 23 ёшида АҚШ, Германия, Франция, Жанубий Корея, Италия каби давлатларда концерт бериб катта муваффақиялар қозongan, АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида бўлиб ўтган кўрик танлов голибларидан бири, пианиночи Фазлиддин Ҳусанов, 16 ёшида Ҳиндистонда бўлиб ўтган “Шанкар” болалар санъати курик-танлови голиби бўлган Ойбек Исломов, каратэ бўйича Осиё ва жаҳон чепионатлари, халқаро турнирлари голиблари 9-11-13 ёшли ака-ука Аъзам, Фаррух, Парвиз Абдумавлонов, 23 ёшида “Дил фасли”, “Умид дарахти” каби шеъррий тўпламлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлган Гулжамол Асқарова, 9 ёшида АҚШнинг Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган “Болалар санъати-2000” халқаро фестивали голиблари сафидан ўрин олган Диёра Ҳасанова, бу рўйхатни ҳали узоқ давом эттиришимиз мумкин.

Гоҳо юксак тараққиётни кўзлаб ислоҳотлар ўтказилаётган даврда бир қарашда унча кўзга ташланмай турган бир нуқта замирида ҳам жуда катта маъно ва ҳулосалар жам бўладики, уни илғаш, билиш учун юксак мақсад йўлида босиб ўтган йилларга, ҳаракатлар моҳиятига назар ташлаш лозим бўлади. Таъбир жоиз бўлса у худди баҳор келаётганидан дарак бериб, қор бағрини ёриб чиққан бойчечак каби сизга жуда катта қувонч бахш этади. Бу ёшлар эришган илк муваффақиятлар ана шундай нишонлар янглиғ биз учун ниҳоятда қадрлидир.

**Эсланг, Юртбошимиз 1990 йилда, ҳали Ўзбекистон собиқ Иттифоқ чангалида турган пайтдаёқ, ёшларни замонавий фан-техниканинг, умуман илм-фаннинг ютуқларидан баҳраманд қилмасдан туриб, уларнинг истеъдодини тарбиялашга, юзага чиқаришга қаратилган аниқ ҳаракатлар механизмини яратмай туриб, республикамизнинг барча тармоқларини, хусусан ҳаётимизни тубдан ўзгартириб бўлмаслигини таъкидлаб, ёшларимиз тарбияси миллий сиёсатини, ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш заруратини айтиб ўтган эдилар. «Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямай-миз!». Шундай қилиб, 1997 йилда Президентимиз томонидан бир неча йил давомида қилинган кучли меҳнат ва салоҳиятнинг меваси янглиғ Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унга мувофиқ Миллий дастур яратилиб амалга оширила бошланди.**

Дастур билан яқиндан танишган, унинг мазмун-моҳияти, ундаги аниқ вазифалар кўлами, жамиятнинг барча бўғинлари билан таълим жараёнининг илмий асосдаги узвий боғлиқлиги ва ҳамкорлиги масалаларини теран идрок этган ҳар қайси инсон бу ҳужжатнинг бутун мамлакат, халқнинг ҳаёт-мамотини белгиловчи муҳим ҳаракат йўли эканлигини англаши табиий.

Ёдингизда бўлса, бундан 7-8 йиллар муқаддам собиқ иттифоқ даврига хос таълим тизимининг росмона асл башараси ва инқирози яққол кўзга ташланиб қолганди. Дастур ва дарсликлардаги мустабид тузум мафқураси билан суғорилган мавзулар юракларга истиқдол руҳи кириши билан ўз қимматини йўқотганди. Иккинчи томондан ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликлари, янги таълим тизими, дастур, давлат таълим стандартларининг ҳали мавжуд эмаслиги, қўйингки ўша пайтда жамиятда таълимга муносабат сусайиб кетганди. Ҳўш, ҳозирчи, кўча-кўйларни тўлдириб ўтаётган озода, кўркам, қатъиятли ёшларни кўрганимизда, оммавий аҳборот воситалари, хусусан телевидение орқали уларнинг ўзини тутиши, маданияти, билими, эркин, далил

фикрлашларига гувоҳ бўлганимизда, ёниқ ва самимий юксак инсоний туйғулар акс этган шеърларини, кўшиқларини тинглаганимизда, энг сўнгги замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарда ишлаётганини, дунёдаги ёшлар илмий - маданий анжуманларида қатнашиб, кўнглимизни тоғдек кўтараётганини дилдан туйганимизда, спортдаги ютуқлари билан жаҳоннинг эътиборини Ўзбекистонга қаратиб, шуҳратига шуҳрат қўшаётганлигининг гувоҳи бўлганимизда, уларнинг илмий ихтиролари, компьютер дастурлари дунё олимларининг эътиборини қаратаётганини сезганимизда бир зум бўлса-да, хўш, ўтган давр мобайнида нима ёшларимизни бунчалар ўзгартириб юборди, дея ўз-ўзимизга савол бериб кўрдикми?

Нега ПТУ - билим юрти деган таълим муассасаларида ўқимайман, деб у ерга боришни ўзига ор деб билган фарзандларимиз бугун академик лицей ва касб-хунар коллежларида фахрланиб ўқишяпти? Нима ўзгарди, онгимизда, тафаккуримизда, таълимга бўлган муносабатимизда пайдо бўлган ўзгаришларни ўзимиз илғай оляпмизми? Бу ўзгаришлар, бир сўз билан айтганда, одамларнинг, ёшларнинг жамиятга, таълимга бўлган фаоллигининг ошиши асосида нималар ётибди? Буларнинг ҳаммасига битта жавоб бор: Ўзбекистон Республикаси Президенти яратган Кадрлар тайёрлаш Миллий модели ва унга мувофиқ ишлаб чиқилган миллий дастурнинг амалга оширилиши!

Бугун Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг нафақат жамиятимизда, балки бутун дунёда катта эътибор ва нуфузга эга бўлиб бормоқда. Унга бўлган қизиқиш тобора ортмоқда. У гўё жамиятни адаштирмай саводат қасрига олиб чиқадиган йўлга ўхшайди. Манзил -





мақсад сари юрганимиз сари биз бу йўлнинг қанчалик тўғри танланганлигига амин бўлиб бораемиз.

Чин инсон, оиласининг маънавий шавкати, хурматини ўйлаган, ўздан кейин хонадони чироғи ўчмаслигини ўйлаган одам энг аввало фарзандларини яхши тарбиялайди, ўқитади, ақлга таяниб яхши билан ёмонни, дўст билан душманни фарқлашга ўргатади, яъни онги, тафаккурини ўстиради, ҳаётда қоқилмасин, ризқи бут бўлсин, дея унга касб-хунар ўргатади, иродаси мустаҳкам, ҳамиша саломат бўлсин деб уни жисмонан чиниқтиришга, спорт билан бир умрлик ошино қилишга ҳаракат қилади.

**Бу ота-онанинг орзу-ўйи! Жамият-чи, давлат-чи, давлат раҳбари-чи, агар у чиндан ҳам халқи, миллати фаровонлигини ўйласса, у бутун халққа унинг фарзандларига ундан-да юсакроқ муносабатда бўлади. У ҳам хонадон шарафи, бахти, фаровонлигини, тинчлигини ўйлайди. Бу хонадоннинг номи эса - Ватандир. Ислом Каримов ана шу улкан хонадоннинг фаровон ҳаёти, унда яшовчи инсонлар, уларнинг ўсиб келаётган ўғил-қизларининг ҳаётини ўйлайди, изланади, ҳаловатини йўқотади. Унга бу йўлда эртанги кун ҳақидаги ширин тасаввурлар қанот беради. Унинг онгида уйғонган бир фикр уни ҳамиша бу ишни жадал давом эттириб туришга ундайверади: «*Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт*». У ана шундай бўлишга қаттиқ ишонади ва бутун халқини, ана шу эзгу мақсад йўлида интилиб, изланиб, ёниб яшашга, ўғил -қизларини ҳақиқий куч ва қудрат асосини - билим ва тафаккурда деб билишга чорлайди. Фақат билим, маърифат билан миллион-миллион ёшлар жисму жонига аждодларга хос бўлган тафаккур булогининг кўзини очишга интилади.**

Мақсад улуг, ният улуг, ҳали олдимизда яна қанчадан-қанча муҳим-муҳим ишлар бор. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кўзда тутилган вазифаларни тўла рўёбга чиқариш, нафақат давлат, балки ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бу йўлдан четда туриш гуноҳ, бу ишга бош қўшмаслик гуноҳ!

Биз бугун янги минг йилликда яшамоқдамиз. XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли бўлади? Шубҳасиз, фарзандлари интеллектуал жиҳатдан баркамол, билимли, соғлом, ор-номусли, мустақил фикрли, қатъий эзгу мақсад йўлини тутган, иродали, ватанпарвар бўлган давлат қудратли ва кучли бўлади.

Бугунги дунё қиёфасига, давр ўзгаришларига, юзага чиқаётган муаммо ва содир бўлаётган фожеалар замирига назар ташлар эканмиз, шубҳасиз Юртбошимизнинг «XXI асрда дунёни маданият ва маънавий кутқаради» деган сўзлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун дунё аҳлига қаратилган маърифий даъват эканлигига яна бир қарра иқдор бўлаемиз.

Ҳа, бугунги кунга келиб илм-фан инсоннинг, давлат ва халқларнинг, қолаверса инсониятнинг энг катта бойлигига айланмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсақ, бугун илм - куч-қудрат! Илм-химоя! Илм-жаҳолатга нисбатан қалқон! Илм -фаровонлик, тинчлик асоси сифатида энг буюк неъматга айланмоқда.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон танлаган йўл - илм, маърифат, комил инсонларни тарбиялаш йўли -энг тўғри йўлдир. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон энг қийин вазиятларда ҳам илм-фан, таълим ривожини таъминлаб берадиган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини бажаришга ажратилиши лозим бўлган маблағларни топа билмоқда.

Ўн икки йил давомида гоят мураккаб синовлардан ўтдик. Мамлакатимиз, унинг келажаги бўлган ёшларни не-не ёвуз гоёлар, кучлар таъсиридан, жаҳолатдан

фақат ана шу билим ва маърифат орқали асраб қолди. Бугун Ўзбекистоннинг барча туман ва шаҳарларида, қишлоқларида, қад кўтарган, кўркамлиги, моддий-техника базаси, замонавийлиги билан бир-биридан қолишмайдиган, фарзандларимизга, билим, касбу кор бераётган соғлом ва комил инсонлар қилиб тарбиялай бошлаган академик лицей ва касб-хунар коллежларини чин маънодаги маърифат кўрғонлари, дея атагингиз келади.

Бу Ўзбекистон бунёд этган зиё масканлари, унга шунчаки кириб-чиқиб бўлмайди, унда шунчаки ўқиб бўлмайди. Унда олий ва эзгу мақсадларни кўнгилга жо қилиб, чин маънода илм ва маърифатни, замонавий касбу корни ўзингизга бир умрлик ҳамроҳ қилиш ниятида ўқимоқ лозим. Шу маънода бугун шундай катта имкониятларга эга бўлиб турган ёшларга қараб беихтиёр шундай дегингиз келади:

**- Эй, ўзбекнинг навқирон авлоди!**

Ватан —онангиз! Ватан- отангиз! Уни сизлардан кутаётган орзу-ҳаваслари кўп. У топган бойликларини, неъматларини сизнинг бахтингиз, иқболингиз учун, мана шундай маърифат қасрларини бунёд этишга сарфламоқда. Сизнинг нафақат бахтли бўлишга ҳаққингиз, сизни бахтиёр бўлишга ҳуқуқингиз, имконингиз бор. Ана шу ҳақ-ҳуқуқни сизга Ватанингиз, Президентингиз, халқингиз олиб берди. Сизни биздан-да юсакларга, буюк аждодларимиз этган маърифат чўққиларига кўтарилисин, дея қанотларингизга мадор берди.

Дейдиларки, «Қалдирғоч болаларини қанотидан тишлаб учирмайди». Шундай экан, қаршингизда йўллар кўп, сизга Ватанингиз энг муҳим нарсани билим ва маърифатни, баркамоллик асосларини бермоқди. Қаршингизда, мингта йўл бўлиши мумкин. Қанчадан-қанча кишилар сизга йўлдош бўлмоқчи, дўст, душман, турли мафкура ва гоёларга дуч келишингиз мумкин. Шунда ҳам ўзингизни йўқотманг, қалбингизга қулоқ солинг, илмингиз, тафаккурингиз тарозисидан ўлчанг, яхши билан ёмон, эзгулик ва қабоҳат, жаҳолат ва маърифат! Сиз уларни фақат онгингиз, тафаккурингиз билан ажрата оласиз.

Бугун Ватанингиз, халқингиз сиз учун, сиз каби ёшларнинг бахти-саодати, келажаги учун замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар қураёпти, янги-янги илмий марказлар, илмий муассасалар бунёд этияпти. Биз учун муҳими шу! Негаки, аждодларимиз мактабни дунё иморатларининг энг қўхна ва қадрлиси деб билганлар. Бугун буюк аждодларимиз орзуси амалга ошмоқда.

Сиздан эса бугун энг катта ўтинч ва талаб шу: ўқинг, изланинг, ўрганинг, ҳамиша олдинга интилинг! Ҳаётни кураш деб билинг, ҳаёт синовларига ҳамиша тайёр, элингизга фидойи ва мард бўлинг, ҳар қандай қийинчилик ва машаққатларни енгиб ўтишга қодир, эзгу мақсад йўлида қатъиятли, собитқадам бўлинг! Зеро, бу баркамол инсоннинг фазилатларидир. Унутманг, сизнинг тожингиз билим! Билим ва маърифат- Ўзбекистон бошидаги тож! Бу боболар тожи, бугун у сизга муносиб, олинг уни, сиз ана шу тожга муносиб бўлинг!

**Сано айтиб келган гиёҳлар,  
Эй, топталиб чўккан тоғларим.  
Инди қадни тиклангиз дейман,  
Гуллаш пайти келди, боғларим!**

**Минҳожиддин МИРЗО,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар  
билан ишлаш бўйича ўринбосари**

Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ

# XXI АСРДАГИ АДАШИМГА ХАТ

АСАРДАН ПАРЧА

## ТАРЖИМОНДАН

Ўйлаб қарасам, кейинги 15-20 йил мобайнида қозоқ ва рус тилларидан анча-мунча асарларни ўзбекчага ўгирибман. 4-5 йил аввал “Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган қозоқ адиблари Мухтор Мағавиннинг “Тириклик кўшиғи” ва Абиш Кекилбоевнинг “Пойга тўриқ” қиссалари, 1988 йилда “Ёшлик” журналида босилган Эрон адиби Муҳаммад Али Жамолзоданинг “Шўробод” асари шулар жумласидандир. Лекин қорақалпоқ адабиётидан қилган таржималарим... буларнинг барчасидан кўпроқ ўзим учун қадрлироқдир. Айниқса, Тўлепберген Қаипбергенонинг кейинги ўн беш-йигирма йил мобайнида яратган тўрт йирик асари - “Қорақалпоқнома” роман-эссеси, “Бобомга хатлар” бадиҳаси, “Сахро булбули” ва “Минг тиллолик бош” драмалари ўзим учун катта бир ижодий мактаб бўлибгина қолмай, ўзбек китобхонлари улкан қизиқиш билан кутиб олган бу асарлар каминани, Тўлепберген оға ҳазиломуз лутф қилганларидек, у кишининг “шахсий таржимони” даражасига кўтарди. Худди “Одил Ёқубовнинг шахсий мунаққиди (танқидчиси, синчиси, синовчиси)” ва “Абдулла Ориповнинг шахсий котиби (мирзоси, сармуншийи, “писари”)” мартабалари каби, “Тўлепберген Қаипбергенонинг «шахсий таржимони» рутбаси ҳам чинакам шогирднинг кўнглида ўксиниш эмас, аксинча, фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиши табиийдир.

Қўлингиздаги асар атоқли қорақалпоқ адиби Тўлепберген Қаипбергенонинг камина ўзбек тилига таржима қилган бешинчи йирик асари. У етмиш беш ёш бўсағасида турган том маънодаги нуроний ёзувчимизнинг кўнгли нечоғли ёш ва ёшлар кўнглига пайвандлигини, қолаверса, ҳамиша рўй-рост, самимий, жонли ва ҳикматли фикрлашга мойил муаллифнинг улкан ҳаётий тажрибага эга донишмандлигини аён кўрсатиб турибди, деб ўйлайман.

«Тагин нима дей? «Садагинг кетай»ми? «Кўп яшанг»ми? «Оши ҳало-ол!»ми?.. Назаримда энг маъқули ололта-олқишдек: бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, етмиш беш ёшингиз кутлуг бўлсин, азиз Тўлепберген оға, кўнглингиз ҳамиша ёш, фикрингиз яна-да тиниқ, қаламингиз тагин ҳам равонроқ бўлсин, олинг-у олдирманг...

**“Шахсий таржимонингиз”- Отаули.**

*Ўзгаларнинг янгича фикрларини тўғри тушуна олган одам - энг ақлли инсон.*

*Француз математиги, ёзувчиси.  
Блез Паскаль (1623-1662)*

Ассалому алайкум, XXI аср остонасини балоғат ёшига тўлиб ҳатлаган навқирон Адашим.

Билиб қўйки, сенинг олдинда беҳисоб мушкулотлар, паст-баланд доволар ва фақатгина ўз қўлларинг билан тортиб, ўз пешонанг билан итариб очишинг керак бўлган кўпгина ёпиқ эшиклар кутиб турибди. Улар, албатта, сендан кўп билим, ғайрат-шижоат, шахду шиддат талаб қилади.

Шундай бўлса-да, балоғат ёшига етганингдан кейин бу ёруғ оламда кўрган-боққанларинг, тушунган-билганларинг ичингга сиғмай қийналганингда ёши улуг отахонларнинг панд-насихатлари тугул, ўз тушунчаларинг ҳам ўзингга ёқмай қоладиган пайтлар бўлиб туриши менга беш қўлдек маълум. Буларни мен ўз ҳаёт йўлимга қайта назар ташлаб, баҳо бера оладиган ёшга етгачгина тушундим. Энди ўйлаб қарасам, ўз вақтида не бир бебаҳо панд-насихатларга ҳам нописанд қараган эканман... Сен ҳеч қачон ҳеч кимга нописанд бўлмагансан. Энди кўнглимга шу ҳол таскин-тасалли бағишлайдики, XXI аср фарзанди бўлган сен билан руҳан яқинликни ҳис қилгандек бўламан. Шу боис кўнглимдан кечаётган дил сўзларимни рўй-рост изҳор этиб сенга хат ёзишни ҳар жиҳатдан маъқул кўрдим. Вақти келиб бу хатим балки матбуотда эълон қилинар, китоб бўлиб босилар. Айниқса, ҳозир мен учун афсусланарли ва, айни чоқда, алоҳида қадрдон ҳол шундаки, ҳаётимнинг кўпи кетиб ози қолганида ақлу ҳушимни мудом банд этиб, шоядки ёза олсам дея ўзимча ният қилиб юрганым кўпдан-кўп романларимнинг фақатгина диалогларию монолоғлари йиғиндиси биргина хат бўлиб қоғозга тушди. Шунисига ҳам шукур!

\* \* \*

Эртанги куним зўр бўлади, деб умид қилсанг майли, лекин хомхаёл бўлма! Тангри таолодан бошқа ҳеч ким эртага нима бўлишини билолмайди.

\* \* \*

Халқингнинг оз бўлганига ўкинма, нолинма. Шунини билгинки, ҳар бир халқнинг бу жаҳон айвонидаги ўрни уни ташкил этувчи инсонларнинг оз-кўплиги билан эмас, умумий савияси, ўзаро аҳиллиги, бағрикенглиги, яшовчанлиги, меҳнатқашлиги, дунёни қай даражада тушунишига бевосита боғлиқдир. Кенга-кенг, торга-тор дунё бу! Ҳар бир инсон учун ҳам, халқ учун ҳам!

\* \* \*

Ҳар бир инсоннинг қалби-худонинг қудратини аён кўрсатувчи мўъжизавий кўзгу, бебаҳо ҳазина, беқийс



тилсим! Бу тилсимларни ечишга қодир тилла калитчалар жамиси инсонларга Ҳақ таоло томонидан тенг тақсим қилиб берилган. Бировнинг қалб хазинасини очувчи калитни бошқа бировдан эмас, ўзингдан қидир. Бу жаҳон айвонида неча тил билсанг, демакки, ўшанча халқнинг дил қулфини очувчи сеҳрли калитларга эга бўласан. Кўлингдан келса, ҳар қанча шарҳи дилу арзи ҳол қилсанг майли, лекин аризачи - шикоятбоз бўлишдан сақлан, яъники, ёзувчи бўлсанг бўл, лекин зинҳор ёзувчи бўлма! Ўзинг ёқтирмаган одам устидан шикоятбозлик қилиш - бахтсизликнинг ҳам, ёвузликнинг ҳам, жаҳолатнинг ҳам энг даҳшатлиси.

\* \* \*

Одам билан табиат ёруғлик, нур, зиё манбаидир. Бу зиё инсоннинг меҳр-муҳаббати, меҳр-саховати, ақл-заковати, фаҳм-фаросати... хуллас, жамики одамийлик фазилатлари инсон қалбида ҳам кун билан тун ўзаро ўрин таллашиб ётибди. Демакки, ҳеч қачон кунги - қизганчиқ, хасис, зикна, ичи тор, бахил, ўзгаларни кўролмайдиган бўлма! Кундуз бўлолмасанг, ақалли кундузни кушандаси - кеча, яъни, кунчи бўлма! Нақл қилмишларича, кунчи ота-оналардан бир жинсдаги фарзандлар туғилаверар экан. Бу гапга ишониш-ишонмасликнинг ихтиёри ўзингда, албатта. Ҳар қалай, ўзгаларни куткилаб, тагини ковлаб, пойини қирқиб, сиғдирмай, қаҳратонда қорни ҳам қизганиб, феъли - тор, юракни-қора қилиб яшаш-кунчилик кундошликдан беш баттар фожеа экани айна ҳақиқатдир. Илоё сенга бу фожеанинг юзи тескари бўлсин, ўзимнинг аёвли-ардоқли Адашим!

\* \* \*

Шуни билиб қўйки, энг буюк Одил - Тангри таолонинг Ўзидир. У оламдаги ҳеч бир инсонни ва ё миллатни бошқа инсонлар ва ё миллатлардан камроқ ёхуд ортиқроқ қилиб яратмаган. Мени дунёнинг кўзига тушиш, зўрдан зўр чиқиш, кўпкаридаги не бир ўзагонлардан ўзиб ўтиш, ҳар бир инсон ва у мансуб халқнинг ғайрат шижоати, Мардлик-матонати, ақл-заковати, қобилиятига боғлиқ.

Илонфеъл одамларга яхшилик қилишдан аввал илонга раҳминг келиб берган сутинг заҳарга айланишини ўйлаб кўр.

\* \* \*

Аёл ўзининг аёллигини билгани учун сир сақлагувчидир. Ичидан пишган писмиқлик балки аёл учун фазилат, лекин эркак учун фазилат бўлолмайди. Ўзлигидан тонган хотин ё эркакдай хунуқроқ ким бор? Эркакми-сан, эркакча қилиқ қил.

\* \* \*

Таниш-билишларининг фақат ўзига ёқмайдиган феъл-атвори, ошиб-тошиб ётган мол-дунёси ҳақида ўринсиз гап, яъни гийбат, фисқу-фужур ҳам баайни бир юқумли касаллик. Билиб қўйки, атрофиндагилар сенга одам деб ишонч кўзи билан қарайди. Ногаҳонда ўша юқумли касалликка чалингудек бўлсанг, гийбату фисқу-фужур эмас, ана ўша ишонч жонингга оро кириб, дардингга даво бўлади.

\* \* \*

Эрамизнинг 46-127-йилларида яшаб ўтган қадимги юнон ёзувчиси Плутарх Юнонларда “ақллилар гапирарди, нодонлар ишлайди”, деган экан. Гоҳида ўз замонангнинг Плутарх замонасидан фарқли жиҳатлари хусусида ўйлаб қўй.

\* \* \*

“Дўстларим кўп, душманларим оз” дея мақтаниш ёхуд “Дўстларим оз, душманларим кўп” дея нолишдан

аввал яхшироқ ўйлаб қарасанг, дўстларинг ва душманларингнинг оз-кўплиги фақат ақлинг эмас, бир бойлигиндан қандай фойдаланишингга боғлиқ эканини тушуниб оласан.

\* \* \*

Кишини тез қаритадиган ва касалга чалинтирадиган бош сабаб камбағаллик эмас, ҳаттоки, мол-дунёнг ошиб-тошиб ётган бўлса-да, ўз замонанг ҳақидаги ўз шахсий фикрларингни ошқора айта олмасликдир. Айрим ножўя қилмишларинг учун қамоққа тушсанг, мавжуд қонуларни эмас, қонунга хилоф иш қилган ўзингни айбла. Тинч ўтаётган умринг учун ҳар куни шукрона келтир.

\* \* \*

Бойлигингга ишониб “Қариганимда ўзимча олтин билан кумушдан ҳасса ишлатиб оламан” дея мақтанма. Ҳар қандай шароитда ҳам энг ишончли суянчиқ - фарзандларинг, дўстларинг, кўни-қўшнилари, ҳамкасбларинг, халқинг.

\* \* \*

Адашиш, янглишиш ҳаммага хос хусусият, лекин олимлар билан бошлиқларнинг янглишуви қимматга тушади.

\* \* \*

Буюк немис мутафаккири Иоганн Гёте ўз тажрибасига суяниб айтганидек, “Одам ёлғиз ишлаган пайтларида фақат ўзи билан ўзи қолса қийин”. Қалбинг гоҳида фақатгина ўзингга тааллуқли қувонч ва ё қайғуга тўлиб кетса, уларни айтиб сирлашулик чин дўст топмасанг, жимгина “Кундалик дафтар” тут-да, юрагингни шу дафтарга тўкиб солишни одат қил. Енгил тортасан. Руҳи енгил одам кўп касал бўлмайди. Соғлом одамда соғлом фикр бўлади, яъни, соғлом фикр соғлом одамда бўлади. Соғлом фикр яхшиликка етаклайди.

\* \* \*

Ардоқли Адашим! Менинг бу насиҳатларим XXI асрдан ҳар томонлама ақли, билимдон, дунёқараши кенг бўлиб балогатга етган тўлақонли шахсни, албатта, қаноатлантирмайди...

Ҳаётимдаги худди шу насиҳатлардаги каби, ўзим йўл қўйган юзакиликлар, камчиликлар ёдимга тушгани сайин: “Ҳой, қариб қуюлмаган Тўлепберген Қайпбергенов, ўзинг ҳам, ақлинг ҳам юз эмас, 99 фоиз, минг эмас, 999 фоиз бўлиб қолган одамсан-да!” дея ўз-ўзим ёзғира бошлайман... Начора, борига барака деб қалбим буюрганини ёздим. Ахир, ҳар бир хом сут эмган банда Худонинг, демакким, ўз қалбининг қули эмасми?

Худонинг қудрати, қолаверса, табиатнинг саховатли баракалилигини шундан ҳам билса бўладики, қийгос гуллаган дарахтнинг юз гулидан одатда атиги ўнта-часи ҳосил тугади, шундан битта-иккитасигина ширин-шарбат мева беради... Сен учун керакли ширин-шарбат мева мазкур насиҳатларимнинг ичида, ҳар қалай, бор бўлса керак деб ўйлайман.

Айланайин Адашим, кимлардир сенга қўшилиб менинг устимдан масҳараомуз кулсалар ҳам майли, бироқ шу ёзганларимни ўқишга сен ё ўшалар қимматли вақтларни аямасалар, ҳар бирига “Раҳмат! Барака топинг! Яшаб турган асрингиз сизни ҳам, халқингизни ҳам бахтга ёр қилсин! Худо Сиз билан! Худо ҳофиз!...” дейишдан ўзга тилагим йўқ. Модомики ёзганларим васият эмас, насиҳат экан, алвидо эмас, “хайр-хўш! Соғомон бўл! Дийдор кўришгунча”, деб қоламан.

**Қорақалпоқ тилидан  
Отаули таржимаси.**

Камбар ОТА

# ҶУМРИМТА ҲАВОЛАР ИСТАЙМАН

Поёнсиз дунёда  
кичик бир нуқтаман.  
Ўзимни-ўзим кўп  
ахтариб доғдаман.  
Шу она тупроқдан,  
Интиқиб юракдан.  
Насибам излайман.  
Бутун ризқ истайман,  
Боз яна кўнгилини қистайман;  
Тўйгани ҳаволар, зиёлар,  
Қонгани дарёлар истайман.  
Қалбимга шифолар, сафолар,  
Умримга наволар истайман.  
ойибдан келгувчи,  
Толега тўлгувчи  
Бир тенгсиз раволар истайман.  
Мўъжиза-танҳолар истайман.  
Ҳайратли маънолар истайман.  
Истайман!  
Истайман!

## ИЧИМТА ҚИРТАН ДУҲЁ

Жаҳон тенгсиз гўзал эди, соф эди,  
Ҳаётимга йўлбошчи инсоф эди.  
Вужудимда файз, барака уфуриб,  
Борар эдим мен бу дунёга кириб.

Боқиб, тўймай кўзларим яшнара эди.  
Узоқларга ҳавасим бошлар эди.  
Жамолига шайдои ташна эдим.  
Қиёматлик дўст эдим, ошна эдим.

Ёшлигимнинг завқи айнаи авжида,  
Лаззат тўла эди олам мавжида.  
Инсу жинслар, раҳна солиб кучимга,  
Нетай, дунё кириб кетди ичимга.

Кўнглим бўлиб молу мулкни адоси,  
Ёпирилди зебу зийнат подаси.  
Чанг тўзонлар қоплаб тоза тонгимни,  
Топтаб ўтди, булғаб кетди онгимни.

Юрагимни мисли кузгун айлади,  
Дўст-ёронни дилдан қувғин айлади.  
Енгил ҳаёл ишрат айлаб жонимда,  
Турфа шайтон рақсга тушди қонимда.

Энди чексиз ҳирс ўтида ёнардим.  
Эсиз, бошқа дунёлардан тонардим.  
Зумда кетдим эзгу ҳисдан узоқлаб,  
Сабабини беролмайман изоҳлаб.

Зарра нурдан нишона йўқ, зимзиё,  
Кемиради ичимдаги бу дунё.  
Семиради ичимдаги бу дунё,

Энди мени емиради бу дунё...  
**СЕВГИ БОҒИМ СЕВГИКИ**

Дураб

Йигит: - Менга тегсанг эй, ой қиз,  
Армонларинг ушалар.  
Ҳатто кўкдаги юлдуз  
Пойгинангга тўшалар.  
Ишқим баланд тоғ мисол,  
Чўққисида қола қол.  
Дилим гўзал боғ мисол,  
Севги боғим ола қол.

Қиз: - Мақсадингизга етинг,  
Айтганларингиз келсин.  
Барча ошиқдан ўтинг,  
Бахтингиз порлаб кулсин.  
Давру давронлар суринг,  
Ургулай сиздай бойдан.  
Севгимга қаср қуринг,  
Қурбингиз келса ойдан.

Йигит: - Омон бўлсак, кўрасан,  
Яйраб жинжақли тоғда,  
Шакар қоқиб юрасан  
Янтоқли деган боғда.  
Яйрайсан-о, яйрайсан.  
Ёшсан, ёниб қайнайсан.  
Шўхликларинг қўймайсан,  
Нега мени қийнайсан.

Қиз: - Қишлоқдами, шаҳарда  
Яшасакда, ишқ бўлсин.  
Ёзу куз, қиш, баҳорда  
Чин муҳаббат кўшк бўлсин.  
Тўлсин хонадонимиз  
Ҳаётбахш соф ҳавога.  
Очсин онахонимиз  
Кўлларини дуога.

## КЕЛИНЛАР, БЕТОЙИМЛАР

Келинлар, бегойимлар,  
Сўзлари мулойимлар.  
Офтоб юзли ойимлар,  
Қоматлари қойимлар.

Кумушлар - пошшойилар.  
Тиллалар - сафойилар,  
Меҳрингизга қодирлар,  
Аҳдингизни қадрлар.

Ферузақўз узуклар,  
Нафис билагузуклар.  
Сизга садага бўлсин,  
Ишқда филога бўлсин.

Бойвучалар, ой қизлар,



Бунча ёқимли сизлар.  
Малоҳатингиз инжу.  
Муҳаббатингиз инжу.

Зеб-зийнат тақинчоқлар,  
Ҳуснингизни ардоқлар.  
Ёмон кўздан бу чоғлар,  
Асрасин кўзмунчоқлар.

## ШҶРМЛИКЛАР

Қир-тепадан баланд жойни кўрмаган,  
Тоғлар чўққисига чиқиб юрмаган,  
Айтинг, қайдан билсин юксаклик қадрин  
Кўёшдай нур тараш гаштин сурмаган.

\*\*\*

Осмон иссиқ-совуқ ҳавонгни қилма.  
Турли димоқ-фироқ охангни қилма.  
Ойнинг қолган ярмин этмасдан ёруғ,  
Буюклик-баландлик даъвонгни қилма.

\*\*\*

Бу кимсанинг қорни бағоят тўқ.  
Овқатга иштиёқ-иштаҳаси йўқ.  
Аммо ўзга бахтин ғажимоққа ўч,  
Вужуди ўлардай доим қақшар оч...

\*\*\*

Саломга беписанд, айтинг, ким бўлди?  
Оламга беписанд айтинг, ким бўлди?  
Энг баланд чўққиман, тоғман деганлар,  
Давр тегирмонида қора кум бўлди.

\*\*\*

Аввал садо қилдинг сууб қолдим деб,  
Сўнг жар солдинг ишқдан тўйиб  
қолдим деб.  
Энди нега бунча нола қиласан,  
Эсиз, муҳаббатда куйиб қолдим деб.

\*\*\*

Гавҳари ифбат бошқаю, орсиз  
эшилган бошқадир,  
Ҳирс тўла иллат бошқаю, ёрга  
шошилган бошқадир.  
Ишқ, қадр-қиммат бошқаю, кўзи  
тешилган бошқадир,  
Йўлдан қўшилган бошқаю, дилдан  
қўшилган бошқадир.



Муҳаммад ИСМОИЛ



# ЮЛДУЗЛАРИ КҲҲҲҲҲҲ ТУН

Қисса

Онаси Турғунга Муҳайё яшайдиган манзил ёзиглик қозони тутгач, “бор таниш, сени шу қизга унаштирмоқчимиз, уйига, ота-онасиникига бориб келдик, иш фақат сенда қолган” — деганида, Турғун нима қилишини билмай гарангсиб қолди. Беш йил институтда ўқиди. Ўқиш мобайнида бировга кўнгил қўймади. Кўз остига олганлари унга тегишга рози бўладими, йўқми буни ҳам билмасди. Фурсат ўтиб борарди. Онаси қисталанг қилавергач, бир кун, кунни қоронғилатиб йўлга тушди. Айтадиган гапи аниқ эди. “Синглим, мен сизни танитайман, Сизни менга унаштирмоқчи эканлар, яхшиси, бу никоҳга рози бўлманг. Мен ҳам рози эмасман”.

Ўшанда, Муҳайё дарвоза эшигидан бери келмади. Эшикни қия очиб: — Нега келдингиз? — деди. Турғун нима дейишини билмай қолди. Муҳайё рўмол ўраб олган, юзи ҳам яхши кўринмасди. Унинг ортидан бир эмас, учта укаси, худди душманга ҳамла қилишга шайдай, ғазаб ва нафрат билан қараб турарди.

— Бизни, унаштиришмоқчи экан, шундан хабарингиз борми?

— Йўқ, бу гапни энди сиздан эшитишим. Турғун яна довдиради. “Ҳа, хабарим бор” — деган жавобни кутган эди. Агар Муҳайё шундай деса, бояги кўнглига тугиб қўйган гапни айтмоқчи эди. Кейин, орқага тисарилди-да:

— Агар унаштиришса, нима дейсиз? — деди каловла-ниб.

— Кетинг, сизни кўришга кўзим йўқ!

Тўғрироғи Муҳайёнинг гапидан баттар довдиради. Қаттиқроқ гапиришга шайланди-ю, бу ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ экан, гап уқтириб бўладими, — деб ўйлаб турганида қарсиллаб ёпилган эшик ортида қолаверди.

Аламдан, ҳовли шиферларига данғиллатиб тош отди... Сўнгра, чарчаб ҳолдан тойгунча қочди.

Бир ой ҳам ўтмай Муҳайё билан тўйлари бўлди. Тўй куни Турғуннинг кайфияти кўтарилиб кетди. Базм тонггача чўзилишини истади. Ёру-дўстлари билан даврада тинмай ўйнар, кулар, дунёда ундан-да бахтиёр одам йўқдай эди.

\*\*\*

Улар икки-уч йил тинч-тотув яшашди. Агар зебигардон машмашаси аралашмаганда бу тотувлик яна чўзили-

ши мумкин эди. Бир куни Муҳайё унинг қитиқ патига тегиб, шундай деб қолди:

— Ҳа, кейинги пайтларда жуда хотиржам юрибсиз? Турғун бироз эсканкираб, қилган айбларини яширмоқчи кимсадай, зўрма-зўраки илжайди:

— Ҳа, кўряпсан-ку, ишлар кўпайиб кетди. Уни устига совуқни айтмайсанми?

Муҳайёнинг маккорлиги тутди:

— Совуққа ўзимни олдириб қўяман деб қўрқяпсизми? Ё орамизга совуқчилик тушдимми?

— Йўқ, йўқ нега ундай дейсан?

— Тирикчилик бор, рўзғор бор, келди-кетди бор, мен йўқман холос.

— Сен борсанки, шу оила, шу турмуш бор.

— Битта зебигардон олиб беринг деб, минг ёлвордим. Ҳамма дугоналарим олди, фақат мен қолдим. Ну-кул сабр қил дейсиз, сабр қил дейсиз.

— Энди хотиним бўлганингдан кейин, кам-кўстимизга кўникишинг керак-да.

— Сиз фақат сабр, сабр деявермай...

Муҳайё юзини тескари бурди-да, бироз дадиллашиб, оҳиста ва қатъий сўзини тугатди: — Мени ҳам яхши кўришингиз керак.

— Кўй, унақа гапларингни!

— Булар шунчаки гап эмас. Ҳатто бизларни унаштиришган кезлар ҳам яхши эдингиз. Мени одам деб қарардингиз. Фикримни сўрардингиз. Баъзан ҳайқардингиз. Айниб қоладими деб қўрқардингиз. Кейин... Мен сизга бутунлай тобе бўлганимдан сўнг эса худди ўзингизнинг шахсий мулкингиздай, мени бир четга ташлаб қўйиб, бутунлай унутдингиз.

— Ҳаёт ўзи шунақа. Жигаринг оғримаса, уни бада-нингни қаеридалигини билмайсан. Ким қичимаган жойини қашийди?

— Мени жуда қаттиқ унутиб юборманг дейман-да.

— Мени бунчалик гўл деб ўйлама. Агар жуда норози бўлсанг, марҳамат, кетишинг мумкин.

— Кетолмаслигимни билганингиз учун шу гапларни айтяпсиз.

— Йўқ, мендан ортиқ эрни тополмаслигингни билганим учун айтяпман.

— Ўзингизга бу қадар бино қўйманг. Мен сиздан ор-

тиқ эрни излаётганим йўқ. Мен, сиздан ўзимга озроқ эътибор сўраяпман холос. Менга сал кўпроқ эътибор берадиган одам эса ҳали топилади.

— Мен ҳам шуни айтяпман. Бор, сенга эътибор берадиганларни топиб ол.

— Менга бировлар эътибор берса уялмайсизми?

— Битта зебигардон учун ичингда шунча алам ётган экан, кет.

— Зебигардон учун эмас, сиз учун кетаман. Зоримни айтсам, кучоғини очадиган одам топилади.

— Армонинг қолмасин. Модомики, кўнглингни тўлдирадиган одамни излаётган экансан, бу дардни ўлдириб бўлмайди.

— Бундай дейишга қандай тилинғиз борди, уятсиз.

Муҳайё кўзида ёш билан ётоқхонага кириб кетди.

\*\*\*

Бир кун Турғун ишдан кеч қайтди... Ўша кун унинг кеч қолишини Муҳайё ҳам биларди. Турғун Муҳайёнинг нима иш билан бандлигини, Собиржон нима қилаётганлигини билиш учун юрагида уюшиб келаётган қандайдир соғинч ҳарорати билан уйига телефон қила бошлади.

— Алё...

— Алё, ким бу? — телефон гўшагини қандайдир эркак киши кўтарди.

— Мен уйимга телефон қиляпман, — деди Турғун таажубланиб.

— Нима?

— Мен уйимга...

— Трубкини қўйиб қўй...

Турғун нима қилишини билмай, трубкини қўяркан, телефондаги рақам кўрсаткичга қаради. Кўрсаткичда ўз уйининг рақамлари ёзиқлик турарди. Бироз каловланиб турди-да: "Наҳот шу рост бўлса, ўз уйимда-я"... деб ўйлай бошлади. Жони халқумига келди. Муҳайёга нима керак ўзи? Наҳотки мени бир умр юрса ҳам кетмас иснодга қолдирмоқчи? Энди қандай бош кўтариб юраман. Балого қолдим, балого. Ё ажралиб кутуламан, ё ўлдириб...

Турғун стол устидаги қоғозларни апил-тапил йиғиштириб, уйга ошиқди.

Йўл бўйи шубҳа ва гумонлар алангасида гап англамайдиган баттолга айланди.

Уйга етиб борганида, подъезд қоп-қоронғу эди. Ҳали бир қадам ҳам босмасидан ўз уйининг эшиги очилиб ёпилганлигини кўрди. У югуриб зинадан қадам ташларкан, ҳаёлида спорт кийимидаги бўйи баланг йигит гавдаланди. Кимлардандир, Муҳайё мактабда ўқиб юрган пайтлари шундай бир бола билан "юрган" лигини эшитганди. Кейин синфдошлар учрашуви туширилган видео-тасмада ҳам бир бола билан гаплашгани, бирга ўйнашганини кўрди. Авваллари бу нарсага унча аҳамият бермаганди. Демак, буёғи рост бўлиб чиқяпти. Муҳайё бу бола билан учрашувни ҳали ҳам давом эттиряпти. Шундай учрашувларнинг бири, ўз уйида. Авваллари уйга кетдим деб учрашиб юрган. Собиржонни онасига қолдириб чиқиб кетган. Ҳозир Собиржонни кимга қолдиришни билмай уни уйга таклиф қилган...

Турғун шиддат билан зинадан кўтарилар экан, тепадан шовуллаб бир йигитнинг тушаётганини кўрди. Йигит баланг бўйли, спорт кийимда эди.

Турғун қоронғуда йигитнинг юзини кўролмади. Ҳали эс-ҳушини йиғиб олишга улгурмай, ҳатто йигитнинг олдини тўсишга даъват этувчи фикр ҳаёлида туғилиб улгурмай, йигит шув этиб олдидан ўтиб кетди. Турғун бир лаҳза тўхтади-да, "Кимсан?" демоқчи бўлди. Кейин "кучим етармикан?" — деган ҳаёл миясининг қайси бир четида липпиллаб ўтди-да, "Ҳозир ўлдираман" деган журъат билан, тўхтаб, унинг ортидан туша бошлади. Йигит, унинг уйдан чиққанига шубҳаси йўқ эди... Бунга аниқ иқдор билан, зинапоядан яна пастга отилиб тушди. Аммо йигит бир лаҳзада кўздан ғойиб бўлганди. Турғун катта кўчани,

уй-атрофларни зир қақшаб излай бошлади. Бироқ йигитдан бирор дарак топмади.

Турғун зинадан яна қайта кўтарилар экан, уйи эшиги қаттиқ танбаланганини кўриб, баттар тутақди: "Бошқалар учун очиқ, мен учун ёпиқ"...

\*\*\*

Муҳайё, пишган овқатни кимга сузишни билмай, бироз ўйланиб турди-да, газни ўчириб, бир юмушдан кутулгандай, енгил тортди. Овқатни бир ўзи ейишга иштаҳаси ҳам, хоҳиши ҳам йўқ эди.

Ётоқхонага кириб, диванга чўзиларкан, қўлига тушган китобни олиб ўқий бошлади:

*Мен сени эркалаб, суйиб тўймасам,  
Кўзимдан бир зумга нари қўймасам.  
Аммо айт, не сабаб, бугун бўлмаса,  
Эрта мени ташлаб, кетасан жоним...*

*Термулиб хуснингга маҳлиёман мен,  
Тарки дунёман-у, меҳри дарё мен -  
Сузук кўзларингга айни даво мен,  
Кимларни ахтариб, куласан жоним.*

Муҳайё зинадан эшитилган дупурга қулоқ тутиб, "йўлакнинг чироғини кимдир синдириб кетибди, эшикни очсам, зина ёришади", — деб ўйлади ва эшикни очди. Бироқ дупур тепадан келаётганини билиб, эшикни ёпди. Бироз ўтиб, шовқин тинди. Муҳайё эшикни тамбалади.

Бир сония ўтмай уй кўнғироғи дам-бадам жаранглайверди. Муҳайё чўчиб, эшикка отилди. Эшикда Турғун ранги оқариб, важоҳат билан турарди:

— Ҳозир уйдан ким чиқиб кетди?

— Ҳеч ким!

— Тўғриси айт. Уйда ким бор эди?

— Мен...

— Телефон трубкасини ким кўтарди.

— Ҳеч ким, жиринглагани ҳам йўқ.

— Сен ҳали ҳам, ўша мактабдаги "ўйнаш"инг билан учрашиб турибсанми?

— Бунақа гапларни қаердан олдингиз?

— Сенга нима керак ўзи? Умримни заҳар-зуккумга тўлдирмоқчимисан?!

— Сизга нима бўлди? Ишонмас экансиз ўйланиб нима қилардингиз.

— Мен сендай балого қаердан йўлиқдим ўзи?!

— Мени ҳақорат қилманг. Мен умримни сизга бағишлаганман. Лекин кет десангиз, кўчада қолиб кетмайман. Сизнинг ҳақоратлашларингизга ташлаб қўйишмайди.

— Ким у, ўшани?

— Онам ҳали тирик, тоғам ҳали тирик...

— Энди онанг ҳам, тоғанг ҳам — мен.

— Шусиз ҳам чўридан фарқим қолмади.

— Агар ёқмаса, кет бу ердан. Фақат мени иснодга қолдирмай кет. Кейин нима қилсанг, ўзинг биласан.

— Мен, ўз қадримни яхши биламан. Кўчада биров билан ўйнашиб юргандан, ўлганим яхши. Мени билмас экансиз, энди кўзингиз кўр бўлади.

Ўша куни улар илк бора тўшақлари бўлак-бўлак ётдилар.

Муҳайё, эртаси куни Собиржонни кийинтирди-да, керакли нарсаларни йиғиштириб, индамай уйдан чиқиб кетди. Турғун уни излаб бормади. Турғун ўғли учун Муҳайёга шаҳардан икки хоҳали уй олиб берди. Муҳайё кўч-кўронини ўша ёққа қўйиб қўйди. Ўзи эса уйда ёлғиз яшаб, гап-сўзлар кўпаймасин деб, онасиникида юрди.

Кейин унинг ҳаётида Эркин пайдо бўлди. Байрам кунларининг бирида, худди унинг ичини билгандай, Эркин унга, у истаб юрган, олишни кўнглига қаттиқ туккан зе-





бигардонни совға қилди. Бу совға уларнинг муносабатларини янада қалинлаштириб юборди.

\*\*\*

Турғун уйида ёлғиз қолди дегунча, турли-туман ўйлар, хумдан чиққан девдай қаршисида пайдо бўларди: “Нега Мухайё кўз олдимдан кетмайди. Нега уни эслайверман. Нега? Нега Мухайё билан мени боғлаб турадиган нарсалар бу қадар кўплигини, бу қадар чамбарчас боғланиб кетганлигини билмагандим. Нега уни эсласам, жонимни суғуриб олишаётгандай ўртаниб кетаман. У ҳаёт-мамотим бўлиб қолишга қачон улгурди. Нега дилбандим Собиржоннинг бир марта жилмайиши, мен уйланадиган ўнта қизнинг мингта нозу-ишвасидан кўра суйимлироқ? Мени кечир, Мухайё, мени кечир! Мен сени кечиришга тайёрман.

Турғун, ғаму-ҳасратга тўла кўзларини бир нуқтага тикиб, худди кўл-оёқлари қотиб қолгандай ўтирарди: “Балки шубҳа-гумонларим ноўриндир?”

Турғун титроқ кўллари билан беихтиёр телефон рақамларини тера бошлади:

— Салом, Мухайё, бу мен... Бугун вақтинг борми, кўришсак дегандим.

— Нега?...

— Ўзим шунчаки.

— Ахир, шунчаки учрашадиган ёшда эмасмиз.

— Балки, суҳбат давомида бир хулосага келармиз.

— Йўқ, учрашолмайман. Энди у кунларни унутинг. Ҳаммаси туш каби ўтиб кетди. Сиз мени танимасиз, мен сизни. Ажралишганимизга ҳам бир йилдан ошиб кетди. Демак, бизни боғлаб турадиган ҳеч нарса йўқ. Бўлганида, мен буни сезардим.

— Мухайё, дастлаб мен ҳам орамизда ҳеч нарса йўқ деб ўйлагандим. Кейин билсам, сени қаттиқ яхши кўрар эканман.

— Кўйинг. Бу гаплар ёлғон. Агар актёр бўлганингизда, ҳозирги ҳолатингизни кўриб, одамлар ижирганишарди.

— Балки, шундайдир. Ҳозир биргина устун томонинг бор: мен сени яхши кўраман.

— Турғун ака, қиёфангизни яққол тасаввур қилиб турибман. Сиз айёр одамсиз. Сиз мени севмайсиз. Ҳозир сиз билан қачонлардир эрим бўлганингиз учунгина гаплашиб ўтирибман. Сизнинг ҳам биргина устун томонингиз: “Қачонлардир эрим эдингиз”.

— Мен ҳозир севишингга лойиқ инсонман.

— Сизсиз шунча яшай олдим, демак, сизни унутишга ҳам кучим етади.

— Майли, ўйлаб кўр. Бу дунёда Турғун битта. Иккинчисини ҳеч қачон тополмайсан.

— Менга биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам керак эмас.

— Агар менчалик сени севадиган одам борлигига кўзим етсайди, сен билан гаплашиб ўтирмаган бўлардим.

— Биз гаплашмадик деб ҳисоблайверинг.

— Хайр, бўлмаса.

— Хайр!

Турғун трубкани кўяркан, аёл киши нақадар катта куч эканлигини англаб етди. Мухайёнинг биргина инжиқлиги унинг бутун ҳаётини остин-устун қилиб юборди. Мухайё унинг уйида хокисоргина, унинг буйруқларига муте, “гаҳ” деса кўлига кўниб юрганида ҳеч нарса билинмаётганди. Ҳамма жой осойишта эди. Дарё ўз ўрнида эди. Мухайё кетди-ю, уйи хувиллаб қолди. Дарё унинг ўзанини ташлаб, бошқа йўлдан юриб кетди. Энди унинг на ўзида, на ишида, на уйида ҳаловат бор.

Мухайё кетганда ҳам жимгина кетмади. Телевизордан туриб унга қарата кўшиқ айта бошлади. Кўшиқдаги ҳар битта сўз айнан Турғунга аталганди. Турғун бир нарсага хайрон қоларди. Балки вақт ҳакам деганлари унга бўлса керак. Мухайё уйдан кетаётганда, Турғуннинг шу нисбатан ғазаб ва нафрати тийиксиз эди. Уни кўришга

кўзи, отишга ўқи йўқ эди. Бора-бора бу нафрат ўз-ўзидан йўқола борди ва ўтган воқеалар шунчаки хаёлга, “энди турмушда бўлиб туради-да” дея хулоса чиқариладиган хаёлга айланиб қолди.

Мухайёнинг сўзларини эшитиб, Турғун ўз ҳаётида нақадар катта “душман” пайдо бўлганини англади. Бу “душман” уни муҳаббат азобларига ташлаб, тобора узоқлашаётган Мухайё эди...

\*\*\*

Студия. Мухайё хиргойи қияпти. Ҳамроҳлари сўзга мос оҳанг, куй басталашаяпти.

*Оомонўпар исёнларим эди ғолиб,  
Куй орзуси узоқларга кетди олиб.  
Хароб қилган саробимдан тониб, тониб,  
Топинганим сен бўлдинг-ку, эй болажон!*

*Минг турланиб, товланган нур-мен қурган умр,  
Ҳар шайтонга шукур айтиб, кўрдим ҳузур.  
Ўрним билмай, куфрларда юрдим-узр,  
Савоб ёғим, сен бўлдинг-ку, эй болажон.*

*Адашганман, уммондаги бир хасдайман,  
Сўзим қайтган, ўзим сўнгги нафасдайман.  
Ўзга не сўз десам ҳамки, алдагайман,  
Соғинганим сен бўлдинг-ку, эй болажон.*

\*\*\*

Турғун “Сайилгоҳ”ни айланиб юрганди, кафедра ўтирган Мухайё, Собиржон ва яна бир нотаниш йигит учаласи ўтирганини кўриб қолди. Собиржон столда ўтиролмади, йинқароқлиги тутиб, ирғишлар, йигит эса унга меҳрибончилик қилмоқчи бўлар, унинг болага хушомадидан Мухайё завқланиб куларди. Турғун одамларни пана қилиб, уларга қараб турди. Бир хаёли, “Э, менга нима?” деб ўтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин, кетолмади. Собиржон йиғлаганда худди биров ўргатгандай доимо “дада” деб йиғларди. Чақалоқлигида шундай эди. Унинг “дада” деб йиғлашидан юраги эриб кетарди. Мухайёдан кўра у кўпроқ куюнар, югуриб борарди. Дастлаб Турғун чақалоқни кўтаришни билмасди. Қандайдир эриш туюларди. Кейинчалик, бора-бора ишхонадан туриб ҳам телефон қиладиган бўлиб қолди.

Турғун узоқдан Мухайёнинг Собиржонга ниманидир уқтираётганини кўрди. Балки “амаки”ни мақтаб, “даданг шу” деяётгандир. Кейин Собиржон “амаки”га осилиб олди: “Дада”.

“Амаки” Турғунга тескари ўтиргани учун, унинг юзини Турғун кўролмади. Балки “амаки”нинг “ўғил”га қараб афти бужмайгандир. Балки, қувониб кетиб, оғзи қулоғида иршайгандир. Ҳар икки хил муносабат ҳам, барибир Турғуннинг юрак юрагини тилиб юборди.

Рашк ва аламдан ўзини туютолмай қолди. Тез-тез қадам ташлаб, улар ўтирган жойга қандай бориб қолганини сезмади.

— Ким бу, Мухайё...

Собиржон — “Дада”, — дея унинг оёғига ёпишди.

Мухайё аччиқроқ жавоб қайтармоқчи эди, Турғуннинг авзойини кўриб, вазиятни юмшатармоқчи бўлди:

— Турғун ака, кетинг бу ердан.

— Сенга, ким деяпман...

— Мен Эркин бўламан, бола. — Эркин ўрнидан турди: — Гапинг бормиди...

— Бу мени хотиним бўлади.

— Хотининг бўлса, сен қаерда юрибсан?

— Мени ҳаётимни бузган, сенмисан?

— Ҳаётингни сен ўзинг бузгансан, хотинингни ҳам мен бузганим йўқ.

— Йўқол бу ердан. Унинг атрофида ўралашганингни кўрмай.

— Ихтиёр менда. Хотинингни ҳам ихтиёри менда.

Турғун Эркиннинг оғзига мушт туширди. Эркин ҳам унга ташланди. Ур-йикитга бир пасда одамлар тўпланди. Ажратувчилар ўртага тушди. Муҳайё Собиржонни кучоқлаб, йилгаркан, кўркув ва исноддан, кўзига дув-дув ёш келарди:

— Турғун ака, кетинг бу ердан, кетинг. Биз шунчаки гаплашиб ўтирибмиз, Эркин ака, сиз ҳам кетинг. Кетинглар бу ердан, кетинглар.

Муҳайё Собиржонни кучоқлаганча, югуриб кетди.

\*\*\*

Турғун хонада асабий кезинаркан, Муҳайё билан кечирган бахтли дамлари хаёлини тарк этмай қийналарди. Улар турмуш қурганларининг илк йилларида жуда саодатли умр кечиришганди. Кейин майда-чуйда гидибидилар, келишмовчиликлар бошланди. Бора-бора бир-бирларини ёмон ҳам кўриб қолишди. Лекин, ҳозир ҳарчанд эслашга уринса ҳам, Муҳайёни ёмонлашга арзигулик бирор баҳона хотирасига келмаётганди. Уни қаттиқ соғинган, уни кўришдан бошқа ҳеч нарса юрагига синамасди. Гарчанд мол-мулкка тўла уйи бор, гарчанд ота-онаси, ёру-биродарлари бор, аммо у бутун дунёсини йўқотган гадодек, гариб ва ташландиқ сезарди ўзини.

Муҳайё кетди, ўғли кетди. Уй ҳам, унинг юраги ҳам хувиллаб қолди. Ҳозир у Муҳайёнинг барча таънаю маломатларига, хархашаларига, жанжалу-тўполонларига рози. Рози бўлганда ҳам бош устига рози.

\*\*\*

Бир кун онаси чақириб қолди.

— Раҳимбойнинг қизига оғиз солган эдик. Аввал-бошда ўзинг рози бўлиб, қисталанг қилган эдинг. Нега энди жимсан?

— Озгина шошмай турайлик.

— Нега?

— Оиламни ўйлаб қолдим. Хотин топилар, лекин ўғлим кимнинг қўлида қолади. Кейин, Муҳайёни ҳам бировларга бергим йўқ. Ҳозир ўнта келиндан кўра, шулар кўзимга азизроқ кўриниб турибди. Эртага у келин қандай чиқади-ю, яна шундай ўғилни Худо менга берадими?

— У энди кўшиқчи бўлиб, кўчага чиқиб кетганмиш-ку?

— Агар рўзгоримиз бузилмаганда бундай бўлмасди! Жимгина юрганди. Энди у кўшиқчи бўлди-ю, мени бошим балога қолди. Қаерга борсам, “шу сени хотинингми?” — дейдиганлар кўпайди. Уларнинг қайси бири билан ёқалашаман.

\*\*\*

Студия. Муҳайё кўшиқ ёзаяпти:

*Умримни бағишлай деб  
Чоғлангандим неча бор.  
Сен изн берганингда  
Бўлармидим бахтиёр.*

*Букун неки омадим  
Юришмасе сезгайман.  
Кулфат сари адашиб  
Умрим борар энкайган.*

\*\*\*

Эркин шифохонада ётибди. Боши докага ўралган. Қон излари силқиб турибди. Муҳайё унинг ёнида ўтирибди:

— Кейин нима бўлди?

— Фақат бу ҳақда ҳеч кимга айтма. Улар қўйган муддат ўтиб кетди. Бу уларнинг биринчи оғоҳлантиришлари. Яна уч кундан сўнг улар қўйган янги муддат ҳам тугайди. Кейин... нима бўлишини билмадим.

— Ҳозир фоизлари билан қанчага кўпайди?

— Уч мингдан ошди.

— Мени икки хонали уйим бор. Уларга айтинг, бугуноқ номларига расмийлаштириб бераман.

— Керакмас, мен ўзим амаллайман.

— Йўқ, деманг. Уй ҳозир бўш турибди. Бошимиз омон бўлса, мол-дунё топилади.

— Йўқ, керак эмас. Ўзим омадимни яна бир синаб кўраман. Мен ютқизганим учун товон тўлаб, шаънимни оқламоқчи эмасман, голиб бўлиб Эркин номимни, йигит бошимни баланд кўтариб, юришим керак. Ҳаёт бу — ўйин. Ундаги ҳар битта ўйинда голиб чиқмасанг, сени четга суриб қўядилар. Мен ҳеч қачон, ҳеч кимдан қарз олмаганман. Дунёда энг қаттиқ севиб, ардоқлаган одамимнинг олдида эса ҳеч қачон қарздор бўлиб қолишни истамайман. Сен менинг севгилимсан, илтимос, сен мени камситма. Бир лаҳзага бўлсин тилимни қисик қилма.

— Эркин ака, ҳозир бу вазиятдан чиқиб олишимиз учун айтяпман. Ҳозир ўрнингиздан туролмайсиз.

— Ҳали уч кун бор. Мен ўлганим йўқ. Ҳали мен тирикман.

Эркиннинг юрагидаги олов энди унинг кўзларида ёна-рди.

\*\*\*

Тўй. Базму-жамшид авжида. Мусиқа садоси, одамлар бақир-чақирини босиб кетган. Муҳайё ўртада кўшиқ айтяпти. Турғун ҳам ўртоқлари билан ўтирибди. Муҳайё уни кўриб қолиб, тўйнинг нариги бурчига юра бошлайди. Иккита одам ўзаро гаплашяпти:

Биринчи одам: — Турғуннинг хотиними? Ўзи ҳам шу ерда ўтирувди-ку!

Иккинчи одам: — Ҳа, ўзи шу ерда. Лекин у буни аллақачон қўйворган.

Биринчи одам: — Тўғри қипти. Хотин-ку, хотин, шундай итим бўлса қўйворардим.

Иккинчи одам: — (Ҳи-ҳилаб кулади) — Тўғри-ку, лекин бевани кўпайтиравермай, тарбиялаб, тўғри йўлга солволса бўларди. Шундақа ландовур эрларнинг касридан дунёда бева кўпайиб кетди.

Биринчи одам: — Бева эмас, кўшиқчи кўпайиб кетдиде, юраги куйган кўпайиб кетди, (Ҳи-ҳилаб кулади).

Кимдир Муҳайёнинг олдида муқом қилиб, ўйнай бошлайди, уни қўлларидан тортиб, рақсга чорлайди. Биров уни кулоғига эри шу ерда ўтирибди, қабилда гапириб кетади ва Турғун ўтирган тарафга ишора қилиб қўяди. Турғуннинг назари бундай аламли ишорани илғамай қолмайди.

Ўртоқларидан бири унга гап отади:

— Жа-а, очилиб кетибдию.

Иккинчи оғайниси аския қила бошлайди: — Бу шўрлик нима қилсин энди, қайтадан никоҳига олсинми, очилган жойларини ёпиш учун.

Учинчиси: — Овозни ёпиб юрган экан-да, овозни.

Тўртинчиси: — Энди ёпиғлик қозон ёпилмайди, ҳамма ўзининг шўрвасини сузиб ичаверади.

Биринчиси: — Энди, бу қатга борса, Турғунбойнинг номлари ҳам қўшиб чайналадиган бўлди-да.


Иккинчиси: — Бизни номимиз-чи, хў, фалончини ўртоғи бор-ку, Турғун деган, бу ўшанинг хотини-да, қўйворган хотини дейишади.

Учинчиси: — Энди, ўртоқни қўйвориб бўлмасе, нима қилардик, чидаймиз-да. (Гурр-кулги, масхарабозлик).

Турғун ўрнидан туриб кетмоқчи бўлади. Аммо эл оғзига элак тутиб бўлмаслигини билиб, ўзини босади. Худди Муҳайёни қўйвориб тўғри иш қилгандай, қоматини ғоз тутайди. Лекин, юрагида алам: — Нега битта хотинни бошқариб ололмадим. Қаерда хато қилдим. Хотинимни бундай юриши, мен учун иснод-ку. Ўғлим ҳам шуни қўлида тарбия оладими? Муҳайёни бу ҳолга ташлаб қўймаслик керак. У шу кетишда ҳалок бўлади. У шу кетишда бузилиб кетади.

Турғун сигарет чекиб келиш учун ўрнидан тура бошлайди. Йўлда уни тўхтатиб, ўйинга тортишади.

Биринчи одам: — Хотини ашула айтсин, эри ўйнасин-да.



Иккинчи одам: — Хотинни ногорасига фақат бизми, сиз ҳам бир ўйнанг!

Учинчи одам, биринчи одамнинг қулоғига шивирлайди: — Қўйвор, улар ажрашган, хабаринг йўқми?

Биринчи одам: — Йўғ-е, унда узр, билмабман.

Турғунни қўйворишади. Турғуннинг қораси қайта кўринмайди. Тўй давом этади.

\*\*\*

Бир кун тунда у Эркин билан алламаҳалгача қолиб кетди. Соат чамаси иккилар эди. У ҳам, Эркин ҳам жуда хурсанд. Кайфиятлари аъло, димоғлари чоғ, бахту саодатдан бошлари гир-гир айланарди. Лекин, кўчага чиққанларида, Эркиннинг машинасида кимдир ўтирганини, машина ойналари синганини, у одам зўр бериб, моторни олдиришга уринаётганлигини кўриб, тўхтаб қолишди.

Машинада ўғри бор эди. Эркин фурсатни бой бермай, машинага қараб югурди. Лекин ўғри қочишга уринмади. У гирт маст эди. Эркин ўғрини ушлаб, биқинига урганда ҳам ўғри қочишга уринмади.

— Нима қиляпсан, аблах?

— Магнитофон қўймоқчи эдим.

— Нега ойналарни синдирдинг?

— Мен синдирганим йўқ.

— Буни пулини тўлайсан. Ҳозир милиция чақираман, каззоб.

— Тўлайман? Мен қилганим йўқ. Машинанг ҳам керак эмас.

— Магнитофон қани?

— Опкетишди.

— Ким?

— Билмайман.

— Ҳозир, милиция чақираман. Ойналари қанча туришини биласанми?

— Қўйвор, билмайман.

Ўғри қочишга уринди.

Кўчадаги бақир-чақир, шовқин-суронни эшитиб бирпасда турли тарафдан одамлар тўплана бошлади. Эркин ўғрини қаттиқроқ урган пайтда кимдир милицияга қўнғирок қилган шекилли, дарҳол бир гуруҳ милиция ҳар тарафни ўраб олди. Биттаси ўғрини сўроққа тутди. Биттаси машинага тушган бармоқ изларини текшира бошлади. Биттаси Эркинни, яна бири Муҳайёни гапга солди.

Ҳамма иш тескари кетди. Милиционернинг саволларига Эркин ҳам, Муҳайё ҳам тўғри жавоб беролмас эди.

— Бу ерга кимниқига келдиларинг? Ярим кечаси нега машинани йўл ёқасига қолдирдингиз? Бу аёл сизга ким бўлади? Қаерда ишлайсиз? Сизлар билан яна ким бор эди?

Ҳозир эрингизни чақирсак бўладими? Яна кимлар бу ўғрилиқ ҳодисасига гувоҳлик қилади.

Эркин гапни у ёқдан бу ёққа олиб қоча бошлади. Гўёки бу машина уникамас, Муҳайёни ҳам кўчада тасодифан кўриб қолди ва умуман уни танимайди. Ва умуман бу ўғри эмас, ўзининг яқин ўртоғи ва умуман бунинг ҳаммаси қандайдир англашилмовчилик, умуман уни ҳозир уйда интизорлик билан кутишяпти ва умуман у тезда кетиши керак. Ва умуман Муҳайёни ҳам, ўғрини ҳам ўзи уй-уйига олиб бориб қўяди ва умуман, милиционерларни уринтириб қўйишгани учун хизмат ҳақини ҳам ўз ёнидан тўлашга тайёр...

Муҳайё ҳам, дастлаб онасига телефон қила бошлади. Милиционернинг кўполлиги учун, Турғуннинг номини айтиб дағдага қила бошлади. "Ўғри қолиб, мена сўроққа тутаётганларинг учун, пагонларингни юлиб оламан" деб бақирди. Бироқ бу ердан силжиб қолиш пайти келган, одамлар тўпланишаётган, уни орасида битта-яримта танишлари келиб қоладиган бўлса, бутун шаҳарга овоза тарқалиши хавфи туғилаётганди. Агар шундай овоза тарқалса, кейин ўнта шундай машинанинг пулига ҳам бу овозани ёпди-ёпди қилиб бўлмасди.

Муҳайёга бу алфозда, яъни яширин ошиқ-маъшуқлик ҳолатида ўз шаънини ҳимоя қилолмаслиги жуда алам қилди.

Аччиғини босиб, узр сўради. Эркин ҳам ўз даъвосидан кечди. Ҳартугул, милиционерлар ҳам инсофга келиб, ўғрини қўйиб юборди.

Эркин тонгга яқин, Муҳайёни кўча бошида қолдирди.

Муҳайё жўнаб кетаётган енгил машина томонга қайрилиб қўл силқиркан, ноумид туйғу билан жилмайиб қўйди. Юрагига ўрнашиб қолган мажхул кайфият тарқалмади.

Машинадан уйига етмай, юз қадам бериди тушиб қоларкан, ҳали Эркин билан хайрлашганларига бир соғина ўтмай, ёлғизлиги яна аччиқ ичкиш ҳиссини зоҳир эта бошлади.

Муҳайё ёшгина Собиржонни кўтариб, уйига қайтиб келди. Унга муҳаббат керак эди. Мана муҳаббатга ҳам етишди. Муҳаббат уни енгил машинада — эҳтирослар оғушида олиб, юриб-юриб кўча бошига тақлаб кетди.

Албатта, у Эркин билан яна қачон учрашишларини билади. Лекин Эркин унга турмуш қуриш ҳақида ҳали ҳеч нарса дегани йўқ. Аёл киши учун эса, оиласиз ҳаёт, ҳаётми?

Муҳайё қўшнилардан истиҳола қилиб, уйдан анча бериди тушиб қолганига энди афсуслана бошлади.

Хаёлида негадир собиқ эри Турғун гавдаланди. Турғуннинг уйдан чиқиб кетар олди, ҳаётининг у билан кечирган энг сўнгги оқшомида, қоронғу тушишини узоқ пойлаганди. Очиқчасига кетишга, кўни-кўшнилардан уялди. Эри катта кўчагача лом-мим демай эргашиб келди. Ҳамма гаплар айтиб бўлинганди. Яна нимадир айтиш мумкин эди. Лекин нафсониятнинг ҳам, айтиш мумкин бўлган гапларнинг ҳам чеки-чегараси бор экан. Турғун ҳам, Муҳайё ҳам ўзликларидан кечиб, бу чегарани хатлаб ўтолмади.

Муъюлишга етгач, Турғун эгилиб ўғлининг юз-кўзидан ўпди. Муҳайёга, Турғун уни ҳам ўпмоқчидай бўлиб туюлди. Мабодо ўпганда ҳам, у барибир ортага қайтмаган бўларди.

Лекин, ҳозир негадир эрини кўмсади. Оиласини кўмсади. Тинчгина турмушини: масъуд кунларини эслади. "Менинг ёшимда, севги деган ёлғон-яшиққа бало бормиди?" деб ўйлади. "Севиб ҳам нима бўлдим, гўр бўлдимми, битта эр топилиб қолармикан деб, жоним ҳалак, минг оғизни пойлайман, бир кишидан садо йўқ!" Ҳатто ўғрининг олдида тилимиз қисик. Қачонгача яшириниб яшайман?

У, хаёлига Эркин ҳақида бир фикр урилганиданми, ундан имдод илинжидадир, ортингга, ҳозиргина ўзи тушиб қолган машина томонга ўтирилиб қаради. Қарадию, қоп-қора бўшлиқда, итмикан, нимадир сандирақлаб келаётгани кўзига кўриниб кетди.

Муҳайё кўрқиб қадамни тезлатди. Файрихтиёрий равишда оёқлари қалтиради. Шу орада яна тисарилиб қараркан, кўзига кўринган қора махлуқ сиртлоний эпчиллик билан оралиқни қисқартираётганидан, аъзойи баданига титроқ югурди. Ўрталикда гўё икки-уч қадам қолганди. Муҳайёнинг нафаси ичига тушиб кетди.

Махлуқнинг кўзлари совуқ йилтирар, тахликали, тажовузкор эди. "Ҳозир тишласа керак?" деб ўйлади Муҳайё. Сўнг ўзини қўлга олишга, ҳамлага шай туришга уринди.

Лекин бу уриниш, журъат шу қадар ночор эди-ки, оғзибурнига учуқларнинг тошиб чиқаётганлигини яққол сезарди. Лабларини қаттиқроқ босса, учуқларнинг пўртанадай потирлаб чиққан суви иягига шилт-шилт томиб тушарди. "Бевани кўрса ит ҳам ҳурармиш деганлари, наҳотки рост бўлса, наҳотки азалий ҳикмат шундай бўлса?"

Муҳайё ўз саволига жавоб топишга улгурмай, оёқларига нимадир келиб суйкала бошлагандай, жон алпозда

бақриб юборди. “Тур, кет!” дея, ердан тошми, таёқми ахтаргандай бўлди. Узини йўқотиб қўйганидан, ортига тисарилиб, қоп-қора бўшлиққа бир зум, қаттиқ ўқрайиб қараркан, ҳамла қилиш учун беихтиёр қадам ташламоқчи ҳам бўлди. Аммо кейинчалик ўзини айтган таъбири бўйича туролмас бўлиб йиқилишига бир баҳя қолди.

Махлуқ ноумид бўлгандай, тисарила-тисарила орқага чекинди-да, тўхтаб кута бошлади.

Муҳайё ўз хонасига кирганда, ҳамма ухлаётганди. Қўшни хонадан: “Ким у?” маъносидаги уйқусираган товуш келди. Онаси қоронғуда рўмолини ахтарди шекилли, тимирскиланиб чиқа бошлади. Лекин Муҳайё онаси билан кўришишга руйхўшлик бермай, ичкаридан туриб, “Менман, ойи, ётаверинг, яхши етиб келдим”, деб қўйди. Онаси, у айтган ёлғонга ишонди шекилли, кароват ғичирлаб, унинг қайта ётганини билдирди.

Ойисининг ёнида ухлаб қолган ўғилчасини олиб келиш Муҳайёнинг кўнглига сиғмади. Онаси ҳозир келиб, “Ярим кечаси қайси гўрда санқиланиб юрибсан”, дея уришишини истади. Бироқ онаси келмади. “Ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин”, деб ўйлади, шекилли.

Муҳайё чироқни ёқиб тошойна ёнига келди. У ойнада ранги оппоқ оқариб кетган ўзини кўрди. Сочи, қоши, ҳатто киприклари ҳам оқариб кетгандай эди. Лаблари гезариб турарди. У афти ангоридаги синиқликка бардош беролмай ўзини ўриндиққа юзтубан ташлади.

Яримта бўлиб қолган умрининг изланишлари, йўқлашлари, дийдор истовчи илҳақликлари уни тун бўйи саросимага солиб чиқди. “Нега оилам бузилиб кетди?” — деган савол, боши узра калхатдай айланаверди, айланаверди. Унинг жавоб берай деса, тили айланмас, жўяли бир жавоб топиш ўрнига нуқул кулармиш. Кейин тушининг давомида орадан қанча вақт ўтди, билмайди, осмонни тўлдириб учаётган қалхатлар, кўздан ғойиб бўлиб, Эркин ҳада қилган зебигардон шодалари, бир ипга тизилиб, унинг боши узра айланаверди.

Зебигардоннинг ҳар бир шодасида Муҳайёнинг кулиб турган аси кўринарди. Кейин боши айланиб, қуваи ҳофизасида ҳеч нарса тасвирланмай қолди.

Туннинг аламахалида иситмаси чиқди. Алаҳсираб уйғонди. Тошойна ёнида илиғлиқ турган зебигардонни — тушига кириб қийнаётган, бўйнини бўғаётган, қизиб томоғини жиз-жиз куйдираётган зебигардонни олиб, деразадан кўчага улоқтирди. Чап тарафига уч марта туфтуфлади-да ўнг томонга қайрилиб ётди.

У ўз ҳаётининг ўнглиниб кетишини истарди. Ҳаётдан қаноатланишни истарди. Ҳаёт юрагининг барча истакларини қаноатлантиришини истарди.

Муҳайё кўзини қаттиқроқ юмар экан, лаблари ўз-ўзидан пичирлайверди: “Ҳаётнинг жаъмийки завқи шавқи, лаззату фароғатлари юрагимда доимо тўлиб-тошиб турмас экан, бўлди бас, қаноатландим демайман, менга шунчаси ҳам етарли демайман, дунё гўзалликларига тўйдим демайман. Ҳали дунёдан умидларим кўп, орзуларим кўп, армонларим кўп. Ахир нега ҳам бориға шукур қилишим керак, нега-нега?”

Муҳайё яна алаҳсираб ухлаб қолди.

Тонгга яқин туш кўрди. Итнинг қаттиқ-қаттиқ вовуллаши бироз сергаклантирди. Шунинг учунми, кўрган туши аниқ-тиниқ эсида қолди. Тушида бир саёқ ит, у ярим тунда деразадан улоқтириб юборган зебигардонни бўйнига тақиб олиб, ҳадеб дарвоза тагига тумшуғини тиқиб увиллармиш...

\*\*\*

Муҳайё тошойна ёнида соч тараб ўтирганда хонага ўғли кириб келди.

— Ойи, бу сизникими? — Унинг кўлида Муҳайё кўчага улоқтирган зебигардон турарди.

— Буни қаердан олдинг?

— Итимизнинг катагидан.

— У ерга қандай бориб қопти?

— Бошқа итлар олиб келгандир-да, қаранг ғажиб ташланган.

— Кутурган итлар теккандир. Бор, ташлаб юбор.

— Ювсангиз тоза бўлади. Жуда мақтаб юрардингиз-ку.

— Шуни таққим йўқ. Бу касофатнинг дастидан қанча балога йўлиқдим. Бунга кутурган ит тегмаган, бунга ит тегса кутуради.

— Ойи, нима деяпсиз. Ахир бу аёллар жон деб тақадиган чиройли бўйинчоқ-ку.

— Жон ўғлим, буни кўзимдан йўқот.

— Майли, уйга қўйиб қўй, сўраганингизда берарман.

— Яхшиси ташлаб юбор. Муҳайё Собиржонга қарадио, юраги гупуриб кетди. Собиржон Турғуннинг қўйиб қўйгандай ўзи эди. — Сен, даданга жуда ўхшайсан. Худди Ҳасан-Ҳусандай. Биз, даданг билан шу зебигардон туфайли ажрашдик. Тақдир шу зебигардонни сабаб қилиб кўрсатди. Шунинг учун буни ташлаб юбор. Лекин... даданг кетган бўлса ҳам, унинг қиёфасида сен қолдинг. Демакки, сенинг қиёфанг даданг ҳам биз билан...

Мен ундан ҳеч қачон ажралолмас эканман. Буни кеч тушундим. Агар бу зебигардонни бўйнимга тақиб юрадиган бўлсам, ўз тавқилаънатимни осиб юрган бўламан.

— Жон болам, уни ташлаб юбор. Ахир дадангни ўғлисан-ку! Ўрнинг даданг бўлганда, бизнинг йўлларимизни айириб юборган бу зебигардонни аллақачон йўқ қилиб юборарди.

— Майли ойи, ташлаб юбораман. Кейин дадамнинг олдиға борамиз-ми?

— Йўқ, ўғлим... Энди дадангнинг болаларига бошқа ойи оналик қилади. Энди биз бегонамиз.

— Ойижон, дадамга борайлик.

— Бўлди, бас қил. Сенинг кўзларинг, қош-қовоқларинг, қилиқларинг, ҳар бир ҳаракатинг шу қадар дадангникига ўхшайдики, ҳатто сен учун мингта... — (Эркин бўлса ҳам, демоқчи эди-ю, кўксидаги фарёд қанчалик кучли бўлмасин, тилини тийди ва) ...си бўлса ҳам дадангдан ажрашмаган бўлардим. Мен адашдим. Лекин даданг ҳам оппоқ эмас. Энди бўлар иш бўлди, бўёғи кўчди.

— Ойи!

— Қўй, ўғлим қийнама. Кел, бу зебигардонни яшириб қўй.

Муҳайё зебигардонни олиб тақинчоқлари орасига қўшиб қўйди.

\*\*\*

Муҳайё Шаҳзода уйга кириб келганда бир қўшиқни ҳирғойи қилаётганди. Шеърга мос оҳанг излар, чет эл мусиқаларидан ҳар бир сўзнинг маъносига мос, сўз ва оҳанг муштараклиги топилмай жиғибийрони чиқарди.

— Эшитдингми, Турғун уйланаётганмиш...

— Қачон?!

— Билмадим, кимгадир унаштиришибди...

— Шунчаки, гапдир.

— Э, сенга нима, энди олдингдан йигит дегани қалашиб чиқаверади.

— Ундай эмас, Шаҳзода...

— Ўзинг кетгандинг...

— Қанийди қайтиб боролсам.

— Нима?!

— Ҳозир менинг олдимда иккита йўл турибди. Ё қўшиқчи бўлиш, ё оилага қайтиш... Турғун уйланди деган сўз менинг оиламнинг тугашидир. Қўшиқчилик эса ҳавойи нарса... Балки эрмақдир. Балки ундан ўч олишим учун, уни ўзимга қайтаришим учун восита эди. Мен куйласам унинг учунгина куйлардим. Энди кимга...

— Муҳайё... Ахир қўшиқчи бўлмасингдан олдин ажрашгандинглар... У сени қўшиқчи бўлганинг учун ташлаб кетгани йўқ-ку.

— Қўшиқни ташласанг ҳам бари бир қайтиб келмайди демоқчимисан?



— Унинг умуман қайтиб келишини истамайман.  
— Мен унинг қайтиб келиши учун ҳамма нарсадан воз кечишга тайёрман.

— Муҳайё... ортингга йўл йўқ.  
— Мен олдинда ҳам ҳеч қандай йўлни кўрмайман.  
— Мана кўрасан, ҳаммаси яхши бўлади. Ҳали ёш ва чиройли йигитлар...

Уялмайсанми, Шаҳзода.

— Ахир у сени ташлаб кетди. Эркин билан муносабатингдан сўнг, мана уйланыпти. Сен ҳам энди ўз аравангни торт.

— Оила кўзни чирт юмиб, юз ўгириб кетаверади диган матоҳ эмас. Сен худди туйғуларингни игна билан бир-бир ўлдириб чиққан қизга ўхшайсан. Қиз болани аслида мана шу туйғулари учун ардоқлашади. Эр нималигини билсайдинг.

— Хўш, сени қайси айбинг учун уйдан ҳайдади?

— Беайб одам бўлмайди. Мен уни эр ўрнида кўрмадим. Унинг имконидан кўра каттароқ нарсаларни талаб қилдим. Нафсониятига тегдим. Агар сабр қилсам, ҳаммаси аста-секинлик билан бўларди. Энди эса иш тескари-сига кетди.

— Қўй, ҳали ҳаммаси олдинда. Истайсанми, у уйланаётган қиз билан учраштираман.

— Йўқ, Фойдаси йўқ. У қизга ўз хатоларим ҳақида айтиб беришим мумкин. Лекин, бундан менга нима фойда. Қолаверса, Турғун менга уйланаётганда мени билмасди. Уйлайманки, ҳозирги уйланаётган қизини ҳам яхши билмайди. Фақат Турғуннинг кимлигини энди биллаётгандайман. Бўлгуси келинга шу ҳақда гапирсам, балки бахтли бўлиб кетишлари учун озроқ ёрдам бўларди.

— Сенда бор-йўғи биргина чора қолган: Раъно билан учрашиш.

\*\*\*

Муҳайё соат ўнларга яқин бутун аъзойи-бадани уюшиб уйғонаркан, ўрнидан туриб уч-тўрт қадам ташлади-да, танидаги оғир юк худди ўзиники эмасдек, гандираклар тани бўйи зада қилиб юборган ўриндиққа яна ўзини отди. Кун қизиби, тиккага келганда юрагини ўртаб юборган қандайдир шижоатдан руҳланиб, жуссасини кўтарди.

Унинг биринчи қилган иши телефон рақамларини териш бўлди:

— Шаҳзода, бир келиб кет.

Кейин қоғоз-қалам топиб, столга чўккалади.

“Азизим Эркин ака!

Мен ушбу хатни ўзимда қолган сўнги имконият деб биланман. Балки, менинг (Муҳайё шу ерга келганда “ўз муҳаббатимга” деб ёзмакчи эди-ю, иккиланиб қолди ва ўз ҳис-туйғуларини бироз яширмакчи бўлиб, дудмалроқ ёзишни афзал кўрди) икром бўлишим, сизга бироз эриш туюлар, лекин мен ҳам инсонман.

Муҳаббат ҳар қанча юксак ва илоҳий бўлмасин ва мен сиздан кўрган меҳру-муҳаббатни ҳеч қачон, ҳеч кимдан кўрмаган бўлсам-да, сиз билан ўтган саодатли лаҳзалар, мен инсон бўлиб ҳаётимда кўрган энг гўзал ва энг бахтиёр лаҳзалар бўлса-да, мен бугун сизга сўнги сўзини айтишга мажбурман. Агар ростдан ҳам севсангиз, менга уйланинг. Ва бу масалани бугун, соат 19.00 да бизнинг уйга келиб ҳал қилинг. Бўлмаса... Ундан кейин нима бўлишини, албатта, Сизга айтмайман. У ёғини Сизга дахли йўқ. У ёғида Сизнинг номингиз ҳам, Сизнинг хотирангиз ҳам ҳеч қачон, ҳеч қаерда эсланмайдиган ҳаёт бошланади. Ундан кейин мен учун ҳам балки ҳеч ким, ҳеч қаерда эсламайдиган ҳаёт бошланар. Мен ҳозирча бирор тўхтамга келганим йўқ. Чунки, ҳозир мен Сизнинг соат 19.00да хонадонимизга кириб келишингиз умиди билан яшамоқдаман. Сиз ҳар доимгидек, менинг бутун вужудимни, шууримни, завқу шавққа, ишқу сурурга, меҳру муҳаббатга тўлдириб келасиз деган ўйдаман. Менинг ҳаётимда яна улуг айём бошланади. Мен яна Сизнинг

чўрингиз мисол ҳар бир кўз қарашингиздан барча истакларингизни муҳайё қилишга ҳозир-нозир тураман. Дунёда бирор жуфт бормикан, сизу биз каби бўйи-бўйига, юлдузи-юлдузига, бир каптарнинг икки қаноти каби бир хилда ёзилиб, бир хилда сингиб қовушадиган, ҳаммаёқлари худди ўз танасидай бир-бирига ёқади диган.

Лекин, на иложки, бугун элакни сувдан кўтариш вақти келди. Мен ортиқ кутиб юролмайман. Энди буёғи аввалгидай бўлмайди. Энди мен оила кўрмоқчиман. Худди кийимлар эскириб, уларни ташлаб юбориш муддати келган сингари, бир кун гўзаллик мени тарк этади. Балки, қалбимдаги ёшлик щижоати, романтик ўй-хаёллар, баландпарвоз орзу-умидлар ҳам тарк этар. Билмадим. Мени бугун мутлақо бошқа нарсалар ўйлантирмоқда.

Хуллас, Сизга танлаш учун сўнги имконият қолдирмоқдаман. Бу имконият кечки соат еттида Сизнинг ихтиёрингизда бўлади, йўқса, ушбу хат Сиз билан бизни боғлаб турган сўнги хайрлашув мактубидир. Бизни бошқа ҳеч нарса, ҳеч қачон учраштирамайди, ҳеч қачон боғламайди.

Агар кўришмасак, хайр! Мендан рози бўлинг! Мен сиздан розиман”.

Муҳайё ўрнидан туриб, яна нималардир ёзиши кераклигини, яна нималардир қолиб кетганлигини, яна нималардир дейишга нафрати, яна нималарнидир дейишга меҳру муҳаббати етмаганлигини ҳис қилди. Уйлаб-ўйлаб, яна Эркинга айтадиган гаплари қалбининг тўридан булоқдай отилиб чиқаётганини сезди. Бироқ энди ортиқча ҳис-туйғуга берилмаслик мавриди келганлигини англади. Қолган гапларни кечқурун соат еттига қолдириш ҳам бўлаверишини ўз-ўзига тушунтирди. Ҳали яшаш учун имконият борлигини ихтиёрсиз равишда хўрсиниқ билан эслади.

Онгининг қаеридадир ўжарлик билан қатъий турган мақсад, уни иккинчи қоғозни олишга мажбур қилди.

Иккинчи мактуб Турғунга аталган эди.

“Салом, Турғун ака!

Албатта, сизга мактуб ёзаётганимга хайрон бўлаётгандирсиз. Лекин, ажабланадиган жойи йўқ. Чунки, ҳаётимнинг бирон лаҳзаси йўқки, сиз хаёлимнинг бир четида турмаган бўлсангиз. Ҳаётимда бирон лаҳза йўқки, сиз мутлақо унутилиб кетган бўлсангиз. Бекорга айтишмас экан, икки ёш тўй қилиб, никоҳ айёмига қариндош, ёру биродарларини чорлаганда, самовотда фаришталар ҳам базму жамшид қуришиб, икки ёш бахту саодати учун тантана қиладилар, деб. Никоҳда ана шундай сирли, сеҳрли қудрат ётишининг боиси ҳам шу бўлса керак. Афсуски, буни мен жуда кеч тушундим. Тушунганда ҳам сизнинг юзингизга оёқ қўйиб, уйдан чиқиб кетганимдан сўнг, биз энди мутлақо ажрашиб кетдик, деб ўйлаганимдан сўнг, тушуниб етдим. Ҳаётнинг қизиқлигини қарангки, сизга бўлган нафратим бугун мени мутлақо тарк этди. Бугун юрагимда сизга нисбатан қандайдир мойиллик уйғонган экан, ушбу мактуб ўша мойилликнинг натижасидир. Тўғри, бугун мен сизни кечирганим билан сиз мени кечира оласизми? Лекин энди мен сизга шу қадар улуг муҳаббатни тақлиф этаманки, шу чокқача мендаги бу меҳрнинг ўндан бирини ҳам кўрмаганингизга икром бўласиз. Сабаби, энди мен ҳаётимни бошқадан бошламоқчиман. Унинг бошланишига эса сиз сабабчи бўласиз. Агар бугун кеч соат еттида ўзингиз билган, мен ва сизнинг ўглингиз Собиржон яшаётган уйга етиб келсангиз ва бир оғиз “Сизларни кечирдим” десангиз кифоя. Мен сизнинг кечиршингизни ўз ҳаётимни давом эттиришга берилган рухсатномадай қабул қиламан. Йўқса, мен учун бу ҳаёт давом этмаслиги мумкин. Ҳар қалай ҳозир мен шу ҳолатдаман. Ҳаётимнинг бурилиш нуқтасидаман. Ҳар қалай, менинг ҳаётимнинг буёғи кечагидай бўлмайди. Эртанги куним қандай бўлиши менинг ўзим учун ҳам қоронғу. Кечаги кун жонимга шу қадар тегдики, эртанги куним ҳам шу маромда давом этишини истамайман. Агар келсангиз, сизни аввалги турмуш ўртоғим сифатидаги-

на эмас, ҳаётимни асраб қолган халоскорим сифатида қабул қиламан. Қўлимдан нимаики илтифот келса, нимаики меҳру муҳаббат келса барини сизга бағишлайман.

Агар келмасангиз, яна ўзингиз биласиз. Ушбу хатни ўқиб, йиртиб ташласангиз, менинг қисматимни бўлаклаб ташлагандай бўласиз. Шу билан орамиз мутлақо узилади ва мени бошқа ҳеч қачон ҳеч жойда кўрмайсиз. Мен учун ўз қисматим ҳозир мана шу қоғоздай ожиз ва нотавон бўлиб турибди. Уни йиртиб ташлаш учун жуда катта кучнинг кераги йўқ. Агар сиз қайтиб келсангиз, бу қоғоз мен учун янги ҳаёт бағишлаган инсон тақдирини кафолатномаси сингари улкан қудратга айланади.

Хайрлашув олдидан айтадиган сўнги сўзим: "Сизни севаман" ва соат 19.00 гача кутаман.

Келмасангиз қиёматда юз кўришамиз деган туйғу билан, Муҳайё".

Муҳайё мактубни ёзиб тугатар экан, эрига айтадиган гаплари бўғзига бир-бир йиғилиб келаётганидан юраги ҳапқириб кетди. Ўзининг одамлар қўлида эрмак бўлиб юрганини эслаб, ғазаби келди. Уларнинг бари менинг илтифотларимга нолойиқ дея, ўз-ўзига ҳукм чиқарди... Лекин яшаш керак. Зотан унга ҳаёт мана шу одамлар орасидан берилган экан, демак, мурса зарур. Агар бу одамлар унга эътибор қилмай унинг қадрига етмаётган экан, демак исён қилиши, бош олиб кетиши ёйинки бари-барига нуқта қўйиши зарур.

Соат учларга яқин Шаҳзода кириб келди. Дугонасини уникқан, афтоҳол кайфиятда кўриб, унинг ҳам юраги увишиб кетди.

— Шаҳзода, мана бу хатларнинг бирини Эркинга, бирини Турғунга олиб бориб бер. Мана уларнинг телефонлари. Ҳозир улар билан кўришишга ҳам, гаплашишга ҳам тоқатим йўқ. Фақат ўз қўлларига топшир. Топширу, индамасдан қайтавер. Мактубда ҳаммаси ёзилган. Агар кечқурун вақтинг бўлса қайтиб кел, йўқса яна ўзинг биласан. Фақат сендан илтимос, уларни ҳозирроқ топиб, мактубларни бер, хат кечқурун еттигача уларнинг қўлида бўлиши шарт.

— Муҳайё, нима бўлди, очигини айт.

— Кейин, кейин. Ҳозир борақол.

— Хатларни ўқисам майлими?

— Йўқ, керакмас. Улар сенга аталмаган!

— Шулар мендан азирроқ бўлдимми?

— Аёл киши учун аёлдан кўра, эркак ҳамиша азирроқ бўлган... бор энди, борақол.

Муҳайёнинг хўрлиги келди. Лекин юрагидаги қайғу қотиб, қатъиятга айланганди. Бориб деразаларни очиб кўра бошлади. Деразадан ўзини ташласа, соғ қолиш-қолмаслигини чамалади. Агар соат еттигача ҳеч ким келмаса, ҳеч ким уни бу шаштидан қайтармаса, агар у ҳеч кимга керак бўлмаса, агар унинг ўйлаб юрганлари, умид қилиб юрганлари сароб бўлиб чиқса, шунча яшаб қадр топмаган бўлса, энди яшаб юришидан нима фойда?

Деразадан ўзини ташлайди-ю, баридан қутулади.

Муҳайёнинг бир хаёли ҳали етти бўлмасдан, ҳали Эркин ҳам, Турғун ҳам бир қарорга келиб улугурмасларидан олдин, уларнинг муносабатини билмай, баридан қутулмоқчи бўлди. Яна деразаларни очиб, ўзини қандай ташлаши кераклигини чамалаб кўра бошлади. Оп-поқ оёқларини дераза раҳига қўйиб, бир зумга кўзини юмди ва ўзининг пастга тушиб кетаётганини тасаввур қила бошлади. Кўз олди қоронғулашди. Ўзини ожиз ва чорасиз сезди. Қўл-оёқлари худди қотиб қолгандек эди. Миясининг қаеридадир бир фикр йилт этиб, нишона берди: — Бечора онам, менинг дардимда куйиб, кул бўладиган бўлди-да. Ўғли Собиржон ҳам бир кунмас, бир кун катта бўлиб, ўз йўлини топиб кетадигандай, негадир ундан хотиржам эди. Турғун ҳам, Эркин ҳам юрагида бирор илиқлик уйғотолмади. Ҳозир гўё шу ердан ўзини ташласа, унинг учун янги ҳаёт дарвозалари очиладигандай эди. Қўл силтаб ҳаммасини ташлаб кетади. Ҳам-

масини. Ҳаммаси...унинг қадрига етмаган қаззоблар. Мана, Турғун қип-қизил қаззоблик тимсоли. Тўнка. Лоқайд. Муҳайёнинг барча фидоийликларига бефарқлик, совуққонлик билан қараган тўнка. Мана Эркин. Унинг чексиз меҳр-оқибати, суйиб-эркалашларига ёлғону алдовлар билан жавоб қайтарган муттаҳам.

Ҳали турмушга чиқмасидан олдин у Турғунга қанчалик ишонганди. Турғун уни янги ҳаёт остонасига бошлаб кетади дея, қаттиқ ишонганди. Ҳали шундай бахтли бўламанки, бу бахт нашъасини бир умр татиб тугатолмайман, дея ишонганди. Аммо Турғун етаклаб борган ҳаёт ҳам оддий ҳаёт эди. Бу ҳаётда ҳам ҳамма юк Муҳайёнинг елкасида эди. Муҳайё яхши гапирса, одамлар ҳам яхши гапирар, ёмон гапирса, бошқалар ҳам ёмон жавоб қайтаришар, ҳаммаси оддий ва алмисоқдан қолган, бахт ва омад, бу ерда ҳам хирмон бўлиб, уюлиб ётгани йўқ эди. У қувонч ҳам, омад ҳам уйимнинг бўсағасига тинимсиз бостириб келаверса, дея ўйлаганди. Афсуски, у бориға шукур қилмай, бу остонани тарк этди.

Кейин ҳаётида Эркин пайдо бўлди. Дастлаб Эркин ўзи кўзлаган фаройиб ҳаётнинг тимсоли бўлиб туюлганди. Бу тимсол ҳақиқатдан ҳам юксак бўлиши учун, энди ўзи ҳам меҳнат қила бошлади. Бу меҳнат Эркинни кўр-кўрона, фидоийларча, бутун жону жаҳдини бериб севишдан иборат эди. У бутун онгини, тафаккурини, қалб кўрини, топган сўнги чақасигача Эркиннинг туриш-турмуши, ўй-хаёлига бағишлаб, сева бошлади. Эркинни севиш, бахтли қилиш учун ҳатто Муҳаббат деган улкан Фанни ўйлаб топди. Бу фанни ўртадаги ҳаётга бахшида қилди. Гўё Эркин бемор-у, у табиб эди. Эркин билан учрашишларига қизғин тайёрланар, айтадиган гапларни, қиладиган қилиқларни, нозу ишваларни, Эркин ёқтирадиган уйдирмаларни ўйлаб топар, юрак-юрагидан силқитиб чиқарар ва беморга бериладиган малҳамдоридай аста-секинлик билан ўз меҳру муҳаббатини, муносабатини билдириб борарди. Муҳайёнинг мақсади бўйича, Эркин бир кунмас-бир кун бутунлай "тузалиб" кетиши, яъни бутунлай уники бўлиши, бутун жисму жони, ўй-хаёли билан Муҳайё учун уйғониб, Муҳайё учун ухлаши, Муҳайё учун яшаб, Муҳайё учун ўлиши керак эди. Аммо Эркин "тузалмади". Унинг муҳаббатига муҳаббат билан жавоб бермади. Ўзининг давом этаётган ҳаётини — оиласини, турмуш тарзини, ўй-хаёлини, ўзи кўзлаган мақсадларни заррача бўлсин ўзгартирмади ва ҳатто ўзининг бу оламига Муҳайёни етаклаб ҳам кирмади. Эркин Муҳайёни худди бир эркак киши севгандай, севди, эркалади, қўлидан келган ёрдамини аямади ва бундан ортиқ ҳеч нарсани ваъда қилиб ўтирмади. У фақат ораларидаги кўнгилхушлик давом этаверишини истарди, холос.

Бугун эса сарҳисоб вақти етди.

Муҳайё хонада бетоқат бўлиб юра бошлади. Қани, қайси бири илгарироқ келаркин. Албатта, хатни ким биринчи бўлиб олса, ўша келади. Лекин кимнинг аввал келгани яхшироқ?

Албатта, Эркиннинг-да! Йўқ, Турғун келса ҳам майли. Тинчроқ.

Муҳайё яна бетоқат бўлиб соатга қаради. Соат бир маромда чиқиллар, ингичка мили бир лаҳза бўлсин тўхтамасди. Соат еттига ҳали анча бор. Ҳали деярли уч соат бор. Мана шу уч соатда унинг қисматида ўзгариш бўлиши керак. Унинг ҳаёти янги ўзгариш сари бурилиши керак. Бу ҳаёт унга ўзи кутмаган, ўзи ишонмаган саодатни инъом этиши керак.

Соат миллари тўхтамасди ва у ўзини "Бахт" остонасига яқинлашаётганини сезди.

Беихтиёр дераза сари қадам ташлар экан, дераза уни "ўлим" остонаси сари олиб кетмаслигига иқдор бўлди.

Аммо... улар хатни олган бўлсалар, соат еттини кутмай келишлари мумкин бўлган вақт аллақачон ўз ҳукмронлигини сураётганди.

\* \* \*

Муҳайё бетоқат бўлиб соатга қаради. Соат миллари тинимсиз равишда олдинга интиларди. Хадемай еттига ҳам етади.

“Мана, ўйин ҳам тугади. Муҳаббат деб аталмиш эртак ниҳоясига етмоқда. Бу эртак қанчалик ҳузур ҳаловатли ва бу дунёда ҳеч бир нарсани унга тенглаштириб бўлмас-да, охир оқибатда унинг сароб эканлиги кўриниб қолди. Бу саробда мен ё малика бўлиб чиқиб кетишим керак, ёки қурбақа...”

Муҳайё деразага яқинлашиб, табақаларини оҳиста очиб кўра бошлади. “Шармандаю шармисорлик қисматидан кўра...”

Муҳайё яна ўгирилиб соатга қаради. Соат миллари бешдан ошаётганди. Баногоҳ, кўнғироқ жирингидан сесканиб кетди. Босиб келаётган бало-қазодан қутулгандай дарвоза томон чопди.

Эшик олдида Турғун турарди.

— Салом, Муҳайё...

— Салом, келинг.

— Келдим. Менга хат ёзибсан.

— Хат ёзмасам келмаслигингизни билардим.

— Мени кутишинг мумкинлиги тасаввуримга сифмаганди.

— Наҳотки, шунчалик бегоналашиб кетдик.

— Буни сендан сўраш керак. Тўғриси, мен умидимни узгандим. Хатни ўқиб ҳайрон бўлдим. Сени менга хат ёзишга нима мажбур қилди. Ўйлаб, ўйимга етолмадим. Тўғрироғи, ҳеч нарсани ўйлаб ҳам кўрмадим. Ўқидим-у, худди йўқотиб қўйган кадрдон нарсам топилгандай, бу ёққа югурдим. Иккиланганим ҳам йўқ. Шунга ишонасанми? Мана қара... Мана булар бари тўйга таклифномалар. Яна бир ойдан кейин уйланишим керак эди. Энди барисини йиртиб ташлайдиган бўлдим. Фақат сенинг бир оғиз сўзинг керак. Агар шу сўзни айтсанг, бас... Қани, кўзларимга тик қараб айт, менга хиёнат қилмадингми?

— Қанақа хиёнат?

— Сен мендан кейин ҳеч ким билан бирга бўлмадингми?

— Қайси маънода?

— Ҳеч кимни севмадингми, бирга ётмадингми?

— Нега тўйимиздан олдин бу нарсаларни сўрамай, энди, шунча йиллардан кейин сўраяпсиз?

— Авваллари менга хиёнат қилишинг мумкинлиги ақлим етмасди. Аҳраб кетганингдан кейин бу нарса қўлингдан келишига ишондим. Тўйимиздан олдинги ҳаётинг ҳам кейинчалик шубҳалана бошладим.

— Сиз соддасиз. Агар ҳозир ҳам гапларимга ишонадиган бўлсангиз, соддалигингизча қолибсиз.

— Демак, нимадир бўлган...

— Афсуски, бу саволларни жуда кеч беряпсиз. Балки, хат ёзишимнинг сабаби ҳам, уят мени ташлаб кетганидан бўлса керак.

— Мен ҳақиқатдан омадсизман...

— Нега? Эркак кишига осон. Истаган пайти уйланиб кетаверади.

— Мен ҳам шундай деб ўйлаганимда бу ерга келмасдим.

— Агар, сизга хиёнат қилмадим десам, ишонасизми?

— Сен бу гапни айтишни истамаяпсан. Демак, нимадир бўлган. Энди юз бора йиғлаб-ёлвориб айтсанг ҳам ишонмайман.

— Тўғри... Шунча йил бир ёстикқа бош қўйиб, кесишмаган йўлларимиз энди ҳам кесишмаслигига икдор бўлдим. Сизда менинг юрагимни куйдириб юборадиган қудрат аввал ҳам йўқ эди. Энди ҳам. Нима қилай? — Мен сизни севганим учун эмас, ҳаётим, фожеали тугашидан кўрқганим учун хат ёзгандим. Келганингиз учун раҳмат. Мен сиздан розиман, сиз ҳам рози бўлинг.

— Мендан розилик сўрама. Бу ерга келиб хато қилибман. Бир ёғи ўғлимни ўйлагандим. Хайр!

Турғун жавоб ҳам кутмай, шиддат билан, аламдан бўғриқиб чиқиб кетди.

Муҳайё хонада асабий кезинаркан: “Бу сафар ҳам ўз вақтида келмади. Агар Турғун Эркиндан кейин келганида, балки вазият бошқача бўларди”, дея ўйлай бошлади. “Эркин келадими, йўқми? Келиши керак!” Мен ҳаёт билан видолашяпман, наҳотки бунга у бефарқ. Мен ўлсам, у нима йўқотади? Ҳеч нима! Наридан борса ўқиниб, сигарет чекиши мумкин. Кейин ўз хафачилигини кимларгадир айтиши, ўйнашларига мақтаниши мумкин. Ўғлим-чи, ўғлим ҳам бошида бир-икки бор йиғлаши мумкин. Катта бўлгач, у ҳам ўз йўлини топиб кетади. Онам-чи, онамгина менинг доғимда, гаму ҳасратда адоий тамом бўлади.

Муҳайё яна деразадан пастга қаради. “Ҳеч бўлмаса, бир лаҳза ҳавода эркин учаман, кейин азоблардан қутуламан. Наҳотки, Эркин келмаса, шунчалик шафқатсиз бўлса?”

Наҳотки, ўлишдан кўра яшаш қийинроқ. Муҳаббат деган нарсани ким ўйлаб топган? Ҳаётимнинг муҳаббатга тўла лаҳзаларида худди маликалардай яшадим. Маликалардай бахтиёр бўлдим. Бир одамнинг қалби қувонишга қанчалик қодир бўлса, шунчалик севиндим, шод бўлдим. Энг бахтли одам қанчалик бахтиёр бўла олиши мумкин бўлса, шунчалик бахтиёр бўла олдим. Ҳатто маликаларнинг ҳам юраги бундан ортиқ бахтиёр бўла олмайди. Муҳаббат мени шу қадар юксакликка кўтарди, энди эса бахтсизлик нима эканлигини билишга маҳкуман.

Муҳайё, соат жарангидан чўчиб тушди. Унинг миллари тўппа-тўғри еттини кўрсатиб турарди. “Эркин келмади. Начора? Бизлар деярли ҳамма нарсани гаплашиб бўлганмиз. Унинг келмаслиги эса, сўнги саволларимга берган жавобидир.

Унинг таҳқирловчи жавобига ожиз кимсанинг ожиз жавоби ҳам тайёр”.

Муҳайё деразани очиб, раҳига оёқ кўяркан, пастда турган қоронғулик ичида, гира-шира кўриниб турган Эркинга кўзи тушди ва бир балодан қутулгандай, орқага чекинди. Уялиб деразани ёпди. Бироздан сўнг эшик тақиллади.

— Нега эртароқ келмадингиз?

— Мен кутиб тургандим. Журьатинг етармикин, йўқмикин деб ўйлаётгандим. Тўғри топган эканман.

— Агар захар ичганимда-чи?

— Захар ҳеч жойда йўқ-ку.

— Бўлганида-чи?

— Сен гирромлик қиялсан. Айт, қачон сенга уйланаман деганман. Тўғри, сени севаман деганман. Сенга бу сўзни айтганимда, севги нималигини билмасдим. Сен туфайли севги нима эканлигини билдим. Муҳаббат ҳақидаги барча эртақлар, ҳаммаси рост эканлигига ишондим. Севгисиз ҳаёт, ҳайвонларнинг яшаш тарзидан бошқа нарса эмаслигига ҳам икдор бўлдим. Лекин, нима қилай, сенга уйлана олмайман. Энди ҳеч нарсани ўзгартиришга қудратим етмайди.

— Мен-чи, менинг ҳаётим нима бўлади. Ахир мен темир эмасман-ку. Сиз мени ҳар бир ҳужайрамгача ўзгартириб юбордингиз-у, ҳаётимда ҳеч нарса ўзгармаслигини талаб қиялпиз.

— Ўзингни қўлга ол. Муҳаббатинг олдида қарздорман. Мен ҳозир сендан бир дунё олтин олиб, қайтариб беролмаётган одамдай қарздорман. Агар биз ўн йил олдин кўришганимизда, балки ҳозиргидай бир-биримизни севолмасдик. Биз умримизнинг шундай палласида учрашдикки, ҳатто бир кун олдин ё кейин учрашганимизда, бир-биримизга балки мутлақо бефарқ бўлардик.

— Сиз афтидан ҳеч нарсани тушунмаётганга ўхшайсиз. Ҳатто, нега сизни чақирганимни ҳам ўйлаб кўрмайпсиз, Эркин ака!

— Сен менга бугун бермоқчи бўлаётган саволларингга дастлабки учрашувимиздаёқ жавоб берганман.

— Ҳаммага ёқди-гу, бир сизга ёқмадик, ёқмадик-а!  
— Менга ҳам ёқасан. Мен ҳеч кимни сени севганча-лик севганим йўқ. Умуман, сенгача севги нималигини ҳам билмасдим. Энди айтишим мумкин: севгисиз ҳаёт...

— Ҳозир гап бошқа ёқда. Гап севгининг нималиги ҳақида эмас, натижаси ҳақида кетяпти.

— Натижасини мендан талаб қилма. Марҳамат, яна истаганча севишиб юраверишимиз мумкин. Мана шуни-си яхши...

— Йўқ, бу ўйинда фақат мен ютқизаман. Оиламдан ажралдим, ишхонамдан ҳайдалдим, яхши отим кўча-куйда ёмонга айланди. Эримдан қолган барча мол-мулкни ҳавога совурдик. Оёғимдан қулогимгача қарзга ботдим. Ака-укаларимга ёлғон гапиравериб, бурдим қолмади. Ҳозир мени бу ҳаётда сизга бўлган умиддан бўлак ҳеч нарса ушлаб тургани йўқ. Сиз эса шу умидни узмоқчи бўляпсиз?

— Бу сен ўзинг танлаган қисмат.

— Мен бунчалик хўрланишга лойиқ иш қилмадим-ку.

— Сени ҳеч ким хўрлаётгани йўқ. Яна аввалгидай яшайверамиз, фақат уйланиш ҳақида гап очма. Оилам, бола-чақаларим бор.

— Сизнинг ҳаётингиз ўз йўлида текис кетаверади. Ҳаммаси жой-жойида, фақат қурбон бўлган биз.

— Кўй, ундай дема. Сени севавериб, мен ҳам адоий тамом бўлдим-ку.

— Ишонмайман.

— Нега?! (Эркин унинг елкасидан кучоқлайди) Уйла-наман деган битта-яримтаси ҳали чиқиб қолар. Биз эса фақат бир-биримизни севишга яратилганмиз. Кел, энди... (Улар диванда кучоқлашиб ўтирадилар).

— Кўйинг, ойим уйдалар. Сиз ҳақингизда гапирган-ман. Бўлмаса, аллақачон ҳайдаб чиқарардилар.

— Узимни ойижоним, мен учун шундай қизни тугиб қўйибдилар-у, минг марта ўргилсам арзийди. (Эркин Муҳайёнинг юз-кўзларидан ўпа бошлайди). Юр, кетдик. Ўзимизни жойга...

— Йўқ, керакмас. Тўхтанг, нариги хоналарни кўрай, ҳеч ким йўқмикан. Эшикни ҳам беркитиб келаман. (Муҳайё ёрнидан кўзгалди. Эркин диванга чўзилиб, ёқасининг тугмаларини ечди. Хотиржам ва ўзидан мамнун). Анча вақтдан кейин кўзлари ором истаб, юмила бошлайди. Бу ҳол томоғига тақалган ўткир тигнинг оғриғини сезгунга қадар давом этди. Оғриқдан кўзини очганда тепасида турган Муҳайёни кўрди;

— Жинни бўлдингми, ол.

— Мен бугун ўзимни ўлдиришга қасд қилмаганимда, сизни ҳам ўлдирмаган бўлар эдим. Хайр. Мендан кейин яшашга ҳақингиз йўқ.

— Эсингни йиг. Жиннилик қилма. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Ҳамма нарсани, бир кунда ҳал қилиб бўлмайди. Балки турмушимиз ҳам ўзгарар. Бола-чақам бор. Сени ҳам шундай ташлаб қўймайман... Балки, яширинча никоҳдан ўтиб, алоҳида уй олармиз.

— Йўқ, бу гаплар жуда кеч айтиляпти. Бу гапларни мени кутқариш учун эмас, ўзингизни кутқариш учун айтяпсиз. Хайр!

— Муҳайё, Муҳайё, шошма, ол пичоқни. Нима, мен сени бирон марта алдадимми, ё сени истаганингдай севмадимми, айт, нима қилдим?

— Мен сизсиз яшашим мумкин бўлганда эди, ўзимни ўлдирмаган бўлардим. Сиз менсиз яшай оласиз, шунинг учун сизни ўлдираман. Мен бир ўзим ўлиб кетишни истамайман.

— Нима деяпсан, Муҳайё, биз ҳали кўп яшаймиз. Бизнинг давримиз энди келади. Ол пичоқни...

Муҳайё унинг томоғига қадалган пичоқни олади. Лаблари титрайди.

— Ўлдир десангиз ҳам ўлдирмасдим...

— Сенга ишониб бўладими?

— Менга нима қипти?

— Ўзингни қўлга ол. Керак бўлсам чақирарсан. Ёпиғ-

лиқ парда ёпиғлигича қолсин. Уни кўтарсак, биз ҳали бирга ўлишимиз учун кўп нарса етишмаслиги аён бўлиб қолади.

— Нималар?

— Сен мени севган пайтларингда бошқаларни ҳам назардан қочирмагансан. Мен ҳам худди шундай. Агар турмуш курганимиздан сўнг, бир-биримизсиз яшолмай-миз, деб қафлат беролганингда, мен сенга уйланган бўлардим. Афсуски, сен энди мени деб яшолмайсан. Ҳали сен севадиганлар ҳам, сени севадиганлар ҳам кўп бўлади. Муҳаббат эса хонаки эмас, ёввойи каптардир. Сен ҳозир уни қафасга соламан деб, ўзингни қийнапсан. Балки сен ўзингни ўлдиришинг ҳам, мени ўлдиришинг ҳам тўғридир. Лекин бу ўз юрагинг ҳақида, ўз муҳаббатинг ҳақида чиқарган тўғри хулосанг эмас. Биз муҳаббат учун ўлишга нолойиқмиз. Бизнинг юракларимиз сен ўйлаганчалик тоза эмас.

— Мен ҳам сиздай ўйлаганимда, бу ҳаёт учун, ҳаётнинг олдида ўзимни ифлос санаганим учун жонимга қасд қилмаган бўлардим. Хайр, сиз билан гаплашадиган гапимиз қолмади.

— Нима ҳам дердим. Омон бўл! Агар истасанг яна уч-рашамиз.

— Мен Худодан шундай бир муҳаббат сўрайманки, мен севган киши, мени ҳеч қачон алдамаса, бутун жонимни, умримни, куч-қудратимни, юрагимни бериб унга фидойи бўлиб ўтардим. Жонингни тикиб борсанг-у, сени қанча вақтлар давомида алдаб келаётганини кўрсанг, бундан ортиқ фожеа борми? Лекин энди бу гапларнинг сизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Кетинг!

— Хўп, хўп...

\*\*\*

Тўй. Куй-қўшиқ авжида. Шовқин-сурон. Бирровга келган хонандалар иккита-иккита, тўртта-тўртта кўшиқ айтиб даврани бўшатяпти. Навбат Муҳайёга етиб келган.

Ўртани олиб борувчи уни огоҳлантиряпти:

— Муҳайё, тайёр бўлиб туринг, кўшиқ тугаши билан эълон қиламан, хўпми?

— Тезроқ бўлақолинг. Вақтим зик.

Шу пайт тўйхонага Севинч кириб келади. Унинг атрофида чолғучилари. Унинг виқор билан юришларини кўрган тўй аҳли, хайратда. Ҳамма йўл берган, ҳавас билан қараган. Баъзилар суюлиб куллуқ қилган. "О, Севинч келди", деган товушлар. Ўртакаш ҳам югуриб пеш-воз чиққан.

— Келинг, келинг, Севинч!

— Тўй қалай бўляпти?

— Зўр. Сиз келдингиз, энди даҳшат бўлади.

— Менга қачон навбати берасан?

— Сизгача уч киши ёзилган.

— Вақтим зик. Ҳозир чиқиб айт.

— Менга барибир. Ана, Муҳайёнинг навбати. Ўзингиз сўранг.

— Муҳайё... Ҳозир мен чиқаман. Йўқ дема. Озроқ турсанг асақанг кетмайди.

Муҳайё: — Йўқ. Қутолмайман. Қолаверса, мен кўшиқ айтгандан сўнг, сенинг келган-келмаганингда ҳам билинмай кетади. Шунинг учун шошилмай қўяқол.

Севинч: — Газанда!

Муҳайё: — Менинг олдимга тушишингга ҳали анча бор!


Севинч: — Шундай қиламанки, томоғинг ҳали мени номимни айтишдан бошқасига ярамай қолади.

Муҳайё: — Сени номингни айтганларнинг таҳорати бузилиб кетяпти-ю.

Севинч: — Сенда таҳорат борми?

Севинч ғазаб ва нафрат билан тўйдан чиқиб кетади. Бир тўда одам унга эргашади. Муҳайё кўшиқ айтиш учун ўртага қараб юра бошлайди.





\* \* \*

Севинч ва Наргиза ўтирибди. Севинч асабий:

— Ҳозир у ким билан юрибди. Ишонгани ким?

— Эркин дегани билан. Ҳар қалай катта бойлардан...

— Сен унга йўл топишинг керак. Унинг кўйнида бизнинг гўзаллардан бири ётганида, мен ўзим Муҳайёни етаклаб бораман. Эрини, оиласини ташлаб, шу Эркин деганига ишониб, қариллаб юрган экан, ишонгани хиёнат қучоғида ётганида бир кўриб қўйсин. Ва мен ҳам шунда Муҳайёнинг аҳволини кўриб, губорим тарқалади.

Уни енгишнинг бошқа йўли йўқ.

\* \* \*

Эшик кўнғироғи жиринглайди. Эшикда Севинч ва Муҳайё дам-бадам тугмачани босмоқда. Севинч Муҳайёга масхаромуз пичирлади:

— Сал ўзингни бос. Ҳозир севаман деганингни аҳволини кўрасан... Ишонганинг, иштонсиз ишрат қиляпти.

Ичкаридан, "Ким у?" деган товуш. Севинч "бу мен!" дейди. Муҳайё тирқишдан панага бекинади. Эркин бамайлихотир, Севинч келганидан хотиржам тортиб, эшикни очади. Эркин халатда. Олдин Севинч, сўнгра Муҳайё кириб боради. Эркин даҳшатдан донг қотиб қолади. Қизларни кўрган Наргиза худди ҳеч нарсадан хабари йўқдай, ярим яланғоч, югуриб келиб, Эркиннинг устига сакраб осилиб олади. Унинг хиёнатини кўрган Муҳайёнинг кўзлари олов бўлиб ёнади. Сумкасидан пичоқни олиб отади:

— Аблах!

— Тўхта, Муҳайё...

Эркин хонага қочиб кириб, эшикни беркитади. Муҳайё эшикни тепа бошлайди: — Ҳозир ўлдираман!

— Муҳайё, мен барибди сени севаман, яккаю яғонамансан. Ўзингни бос. Хотиним эмассан-ку.

— Ўлдираман, ифлос! — Муҳайё пичоқни эшикка санчади. Қаттиқ жанжал, бақир-чақирлардан бутун "дом" ларзага келади. Севинч истеҳзоли табассум билан бўлаётган воқеаларни кузатиб туради.

\* \* \*

Муҳайё студияда кўшиқ ёзаётган эди, кимдир ойнани чертаётганини эшитиб, ўша томонга қаради. Ойна ортида Эркин турарди. Муסיқачилардан ўнғайсизланиб, ташқарига чиқди.

— Келинг!

— Салом, Муҳайё.

— Нега келдингиз?

— Биласанми, ҳамма айб менда. Сенинг олдинда гуноҳқорман. Мени кечир.

— Хўп, кечирдим.

— Кел, ярашамиз.

— Хўп, ярашдик ҳам дейлик, кейин нима бўлади.

— Мен сени яхши кўраман.

— Кўйинг бу гапларни. Фижиним келяпти... Бу сўзларни шу қадар ёмон кўраманки, айниқса сизнинг оғзингиздан чиққанда, чидаб туролмайман.

— Тўғри, аввалари бу гапларни эрмакка айтардим, энди ростдан, чин юракдан...

— Бўлди, бас. Кетинг!

— Айт, айбимни қандай ювай? Битта жонимга бунча жабр. Мен сени бу қадар севаман деб ўйламагандим. Ҳозир нима десанг розиман. Фақат аввалгидай дўст бўлайлик, аввалгидай бирга бўлайлик. Ахир бир пайтлар севардинг-ку. Бир пайтлар айтган сўзларинг ҳеч қачон ёдимдан кўтарилмайди. Айниқса, теракзордаги учрашувимиз кўз олдимдан кетмайди. Ахир бир-биримизни севамик-ку, нега кечирмайсан? Ёлвораман Муҳайё, мени кечир, сени севаман.

— Ёлғон! Авваллари сизни мутлақо бошқа одам деб билардим. Сиз, тасаввуримда салкам авлиё эдингиз. Кейин билсам, Сиз ҳам бошқалар қатори ифлос экансиз. Энди кечиришимнинг ҳожати йўқ. Бу изҳорлар ҳеч нар-

сани ўзгартиролмайдди. Сиз бугун кечирим сўраб, эртага хиёнат қиласиз.

— Бўлди, ҳеч қачон хиёнат қилмайман. Истайсанми, сенга уйланаман. Оила қуриб, ўғлингга оталик қиламан. Доимо бирга бўламиз. Қасам ич десанг, қасам ичаман. Сени севаман, Муҳайё. Сенсиз қийналганларимни билсайдинг. Ростини, сени бу қадар севиб қоламан деб, ҳеч ўйламагандим. Энди сенсиз яшолмайман.

— Эркин ака, кетинг бу ердан. Гапларингизни эшитиб кўнглим айниятти. Одам бу қадар пасткаш бўлмаслиги керак.

— Муҳайё, уйингга совчи жўнатаман. Тўй қиламиз. Ҳаммаси очикчасига бўлади. Яна қандай исботлай...

— Кетинг... Севгини бунақа гаплар билан сотиб олиб бўлмайди. Сиз мен ўйлаган одам эмассиз. Сиз хиёнаткор, сотқинсиз.

— Хўп, мен шундайман. Фақат сен мени кечир...

— Мен кечирганимда ҳам, энди ҳеч нарса ўзгармайди. Энди ҳеч қачон учрашмаймиз. Бари тугади. Эртага келсангиз ҳам, ўн йилдан кейин келсангиз ҳам, жавобим шу. Қасам ичиб айтаман, қайта сиз билан бўлсам, ёлғиз боламнинг ўлиги тусин.

— Муҳайё...

Муҳайё, шарт бурилиб студияга кириб кетди. Эркин нима дейишини билмай, довдираб қолди. Тақдирга тан берган одамдай, ҳайрат ва таажжубда, бошини чангаллаб, ерга ўтирди.

\* \* \*

Раъно: — Сиз Турғун акамнинг менга бўлган муносабатлари самимийлигига шубҳаланаяпсиз, шекилли.

Муҳайё: — Йўқ, балки ўзгаргандирлар. Лекин аёл кишининг ёлғиз қолиши, бир кун келиб инкор этилиши, севилмай қолиши, севган одами йўқламай қўйиши нақадар азобли эканлигини билганим учун бу ерга келиб ўтирибман.

Раъно: — Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда, шундай қилармидингиз?

Муҳайё: — Ҳа, мен негандир Турғун ака сизни севиб қолганига ишонмаяпман. Мана шу нарса сизни бахтсиз қилади, деган хавотирдаман. Биз бор-йўғи битта зебигардон учун ажрашиб кетдик.

Раъно: — Ҳозир, Турғун акага телефон қиламан. Сиз нариги телефондан бемалол эшитаверинг.

Муҳайё: — Йўқ, керакмас.

Раъно: — Керак. Бу сиз учун ҳам, мен учун ҳам керак. Фақат билдириб қўйманг.

Раъно телефон рақамларини теради. Трубкани Турғун кўтаради;

Турғун: — Алё, Раъно яхшимисиз?!

Раъно: — Турғун ака, Сиз билан кўришганимизда, неча бор шайландиму, лекин айтолмагандим. Энди, телефонда бўлса ҳам, сўрашга мажбурман. Нега, хотинингиз билан ажрашгансиз?

Турғун: — Уни ўзи кетди. Кўшиқчи бўлмоқчи экан... Қисқача айтганда: "Бахтимиз очилмади".

Раъно: — Агар эртага у киши қайтаман деса, қайтадан уйланасизми?

Турғун: — Йўқ, Чунки, у менга хиёнат қилган.

Раъно: — Балки, бу нарса бўлмагандир. Мен ўз бахтимни ўзгалар бахтсизлиги ҳисобига қурмоқчи эмасман.

Турғун: — Сени севишим учун, бахтсиз яшаганим тўсиқ бўлолмайди.

Раъно: — Сизнинг Муҳайё билан кечирган турмушингиз, мен билан ҳам такрорланмайдими?

Турғун: — Ҳеч қачон. Бизлар бахтли бўламиз. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Энди кўзим очилди. Сиз менинг бахтимсиз.

Раъно: — Турғун ака, уйга адам келиб қолдилар, кейинроқ кўнғироқлашамиз.

Турғун: — Раъно, Сиз ҳеч шубҳаланманг. Сизни яхши кўраман. Соғ бўлинг!

Улар трубкани кўядилар. Муҳайё хайратдан қотиб қолган. Нима дейишини билмай, Раънога қарайди. Сўнг: — Раҳмат, анча нарсани ойдинлаштирдигиз, — дейди.

Раъно: — Албатта, мен Турғун акага нисбатан яхши иш қилмадим. Балки, бу ишим учун у киши хафа бўларлар. Лекин, сизларнинг ораларингиздаги боғлиқлик қай даражадалигини билиш, мен учун ҳам қизиқарли. Бундан кўз юмолмайман. Оила кургунимизча бу муносабатлар ошкор бўлгани яхши. Турмуш курганимиздан сўнг, оила сўрларини ҳеч қачон ошкор қилмайман.

— Шундай бўлгани яхши. У сизни бу қадар яхши кўриб қолганини билмаган эканман. Узр. Энди мен бо-рай.

\*\*\*

Яқин одамнинг ўлса, “бандалик экан-да”, — дея таскин излайсан. Аммо қачонлардир қадрдон бўлган, сени кучиб эркалаган, жисму жонини берган, борлигинга сингиб кетган ва ҳаётининг энг азиз бўлаги бўлиб қолган инсон, ҳатто у кейинчалик бегонага айланиб қолган бўлса ҳам, у энди сендан мутлақо кетаётганлигини кўриш, айниқса бошқа бировни бахтли қилиш учун, айнан сени ўрнингга бошқа бировни саодатли қилиш, уни севиш, унга ўз ҳаётини бағишлаш, у билан оила қуриш, сени аро йўлда ташлаб, у билан қолган умрини файзли ўтказиш ва сени битмай-тугалланмай қолган можаролар ис-канжасига ўзингни ёлғиз ташлаб кетаётганлигини, янги ҳаёт остонасини очиб, кириб кетаётганлигини кўриш, нақадар даҳшат! Айниқса, аёл киши учун. Аёл киши учун, ўзининг собиқ турмуш ўртоғи, бошқа бировга уйланаётган тундан маъшумроқ тун йўқ. Агар аёл мана шу тундан эсон-омон ўтиб олса, мана шу тунда сабр-тоқат қила олса, кейин юраги тош бўлиб, яшаб кетаверади. Ҳамма балога бардош бера олади. Фақат у, мана шу тунни ўтказиб олса бас.

Лекин Муҳайё ўша кеч уйда ўтира олмади. Ўзи қарахт бўлиб қолган, оёғини ердан узолмас, чангақдай букилиб ўтиришдан бошқасига ярамасди. Ўзини бу қадар афтодахоллигини бекитиш учун, далда дея ўғлини ҳам ўзи билан олиб, тўй ўтаётган кафега бориш учун такси тўхтатди.

Кейинги пайтларда Муҳайё кўп тўйларда бўлди. Кўшиқ айтиб кўп базмларни ўтказди. Никоҳ тўй, суннат тўй, чарлар... Баъзан иккинчи бор уйланаётганларнинг тўйида ҳам бўлди. Тўйхона худди унинг ишхонасидай бир таассурот уйғотарди. Лекин, бугун Турғун уйлани-пти.

Кафе катта йўлнинг ёқасида бўлганлиги учун ўтган-кетганлар кўп. Муҳайё қоронғу тушганидан фойдаланиб, худди йўловчидай кафе атрофида аста-секин юра бошлади. Кафе оғзида, бир пайтлар унга қариндош бўлган, уни таниган, уни ҳурмат қилган танишларига кўзи тушди. Тўйдаги кўшиқчини ҳам овозидан таниди: Севинч! Дунёнинг айланиб келишини қаранг. Севинч уни Эркиндан айирганди. Энди Турғундан ҳам айираяпти. Йўқ, Севинч Эркиннинг хиёнатларига хотима ясади, очикчасига кўрсатиб берди, холос. Турғун билан бўлган можа-роларнинг эса сўнгги кунда, иштирок этяпти, холос. Лекин, нега айнан Севинч!..

Муҳайёнинг бир нияти, тўйга шарт кириб бориш эди. Лекин, шартта кириб бориш учун ҳаққи йўқлигини биларди... Қолаверса, бу ердагиларнинг баъзилари уни Турғуннинг эски хотини деб билса, баъзилар “ана, кўшиқчи Муҳайё келди”, — дея хаёл қилади.

Муҳайё тўйхонага қарар экан, кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди. Собиржон ҳам, онасининг авзойига қараб, хар-хашаларини тўхтатди. Боядан бери, ана амаким, ана ама-мам, ана фалончи акам деб, тўйхона томонни кўрсатар, ҳеч нарсани тушунмай, онасини ўша томонга судраёт-ганди. “Улар бари ёмон одамлар”, — дейиши ҳам таъ-сир қилмас, нега шунча вақт яхши бўлиб юрган одам-лар, бирданига ёмон бўлиб қолганлигига идроки етмас-ди.

Муҳайё асфальт йўлни кесиб, югуриб келаётган Тур-ғунга кўзи тушди. Турғун кела-солиб Собиржонни қучоқ-лаб олди.

— Ўғлим, мени кечир. Хоҳласанг сени тўйхонага олиб кираман. Ҳали катта бўлганимда, мени тушунасан. Ун-гача ҳам ёлғизлатиб қўймайман. Олдинга бориб тура-ман. Ўғлим, сени яхши кўраман. Менинг жигарбандим-сан. Кўчада қолган бахтим, бахтсизлигимсан.

— Дада, дадажон... Сизни соғиндим.

— Ўғлим, сенга қайтар йўлларим беркилган бўлса, нима қилай. Мен бугун уйланыпман. Фақат сени кўриш учун чиқдим. Менга сенинг келганингни, ойингнинг кел-ганини айтишди.

Турғун бошини кўтариб, Муҳайёга қаради.

— Раъно сени танир экан. Сенинг олдинга чиқишим-ни билиб, бўйнидаги зебигардонни ечиб берди. Ма, ол. Қачонлардир, битта зебигардон учун ажрашиб кет-гандик. Буни тақиб, зора бахтли бўлсанг. Зебигардон ҳақида унга ўзинг айтиб берган экансан. Мени ҳам жуда бахтли деб ўйлама. Агар менга хиёнат қилмаганимда, ҳеч қачон уйланмаган бўлардим. Менинг ор-номусимни бу қадар арзон сотганинг учун, сени кечирмайман. Умид билан бир ёстиққа бош кўйганимиздан сўнг, сенга бутун ҳаётимни бағишлагандим. Афсус, бошим тошга жуда қат-тиқ урилди. Сен ҳам ўз бахтингни топарсан. Илтимос, бу зебигардонни ол. Менда гинанг қолмасин...

— Керак эмас. Мен бу ерга зебигардон учун ёки Сиз учун келганим йўқ. Ўзимнинг фожеамни кўриш учун, мен йўл қўйган хато нақадар даҳшатли эканлигини ан-гаш учун келганман.

— Мен борай. Сўнгги илтимосим, бунини ол. - Турғун Муҳайёнинг кўлига зебигардонни тутди. — Собиржонга бирор нарса керак бўлса айтарсан.

Турғун ортига қараб югуриб кетди. Муҳайё ўкириб йиғ-лай бошлади. Жимиб қолган Собиржон унинг этагига ёпи-шиб олганди. Орадан қарахтлик ва мудҳишликка чўмган қанчалардир вақт ўтди. Собиржон онасининг ниманидир гижирлатиб еяётганини кўрди. Муҳайё, зебигардон до-наларини бирма-бир оғзига солаётганди. Доналар кат-та-катта бўлганлиги учун, томоғидан зўрға ўтар, баъзи-ларини тиши билан синдираман дер, лекин тиши си-ниб, лабининг бир бурчидан қон сизиб чиқарди. Собир-жон ойисининг кўлларига тирмашди. Лекин ойиси ва-жоҳат билан, шода-шода тошларни каппалаб оғзига со-лар, ўқчиб-ўқчиб ютинарди. Собиржон ойисини қаттиқ тортиб ўзига қаратмоқчи эди. Муҳайё йўл четидаги пан-жарага суюнган жойидан ерга беҳуш бўлиб қулади. Со-биржон ойисига қараб энгашганида, Муҳайё нафас олол-май хириллар, кўзлари катта-катта очилиб, даҳшат ва саросимадан қотиб қолган эди.

Собиржон энди онасига ёрдам беролмаслигини ту-шуниб, тўйхона тарафга чопди.

Турғун етиб келганида Муҳайёнинг кўзлари осмонга қараб қотиб қолган, унинг кўзлари юлдузлари куйган тун осмонидай қоп-қора эди.





МУХТАРАМА ТУРКОЙ



# Ишқ дарди цўлмайди

## АРМОҲ

Дард айтгани бир дилдош  
Тополмадим онажон.  
Орзум кўзларида ёш,  
Артолмадим онажон.

Ағёрлар тухматидан,  
Маккорлар суҳбатидан,  
Шоирлик қисматидан  
Қочолмадим онажон.

Кечир, ношуд болангни,  
Бағри қон гуллоллангни,  
Соғинди жон аллангни  
Айтолмадим, онажон.

Ризқ териб юрган қулман,  
Гоҳ шодон, гоҳ нохушман.  
Қизалоғим кўрган тушман,  
Қайтолмадим онажон.

Изладим ўз-ўзимни,  
Изладим ўз сўзимни,  
Жола ёққан кўзимни,  
Очолмадим онажон.

Ким ағёр, ким дўст билмам,  
Муҳаббатдан кўксим нам.  
Мени сотган дўстни ҳам,  
Сотолмадим онажон.

Яшайман дилим поклаб,  
Минг пора кўнглим чоқлаб,  
Жисму-жонимни ҳоқлаб,  
Кетолмадим онажон.

Келиб дунё бозорга,  
Харидорман озорга,  
Бориб куюк мазорга,  
Ётолмадим онажон.

Дард айтгани бир дилкаш  
Тополмадим, онажон...

\*\*\*

Оллоҳ, ҳайратланиб турибман бу чоқ,  
Мангу йўқотишлар қаршида жим.  
Кўнглим осмонида чақнайди чақмоқ  
Кўзим косасида ёшларим лим-лим.

Вафо йўқ, бир эрмак экан муҳаббат,  
Ўқ еган Оққушдай бемажол ётдим.  
Сароб... сароб... ёнар, ярқирар фақат,  
Севгимни йўқотдим, қайғуга ботдим.

Қизғалдоқ дардларим, капалак-орзум,  
Баҳор майсалари ашқимни ичди.  
Ҳаққа етмоқ учун нолаи арзим  
Турнага айланиб фазони қучди.

Юрагим йиртилиб кетди чокидан,  
Нега қуламайди устимга фалак?

Жафо ёғаверсин само тоқидан,  
Тақдирдан қочмайман энди жонҳалак.  
Оллоҳ, ҳайратланиб турибман бу чоқ,  
Мангу йўқотишлар қаришсида жим...

\*\*\*

Исённи йўқотиб билмам хунумдан,  
Кўзимни ёшлатган, эҳ, қандай ўй бу?!  
Ҳеч кўнглим тўлмайди ўтган кунимдан,  
Юрагимни ўртар армонли туйғу.

Тунларнинг бағрига сингиган ғамни  
Ким пайқар, пайқамай ухлайди кимдир.  
Кипригимга инган нимтахир намни,  
Оллоҳ, иноятинг нурига шимдир.

Сабрим майсалари ювинар қонда,  
Қисмат азобини йўллайверади.  
Юрақда, тилақда, тан ила жонда,  
Ишқ дарди гуллайди, гуллайверади...

Мени севмас кишин о, нечун суйғум?!  
Умрим хазон бўлди йўлига қараб.  
Муҳаббат борми, йўқ, Дил ёнар, куйғум,  
Сурату сийратим ўртанар ЁРАБ!

Исённи йўқотиб билмам хунумдан...

## ОРЗУМ ДАРАХТИ

Ялдо туни чўзилди бу кеч,  
Бу кеч мендан юз бурди бахтим.  
Япроқларинг тўкилмасин ҳеч  
Кўнглимдаги ОРЗУМ ДАРАХТИ.



Энди дўстлар тонса-да, ўлмам,  
Ёлгонларга жим кулоқ тутгум.  
Шайтонмидир, инсонми, билмам,  
Ишонганим, севганим, о, ким?!

Менга армон, дард, ҳасрат ҳамроҳ,  
Муҳаббатнинг қаҳри кўп қаттиқ.  
Юрагимни ғижимлаб гоҳ-гоҳ,  
Жон-жонимга тиг уради, тиг.

Вафо истаб яшадим бекор,  
Хиёнатдан намлидир кўзим.  
Вафодорга жафоми даркор,  
Жафокорга вафоми лозим?

Эвоҳ, бу кун дил бир вайрона,  
Кўнгили синиқ, дарз кетган кўзгум.  
Мен севган ёр бўлди бегона.  
Хорликка юз тутди соф туйғу.

Сен шивирлаб айтиб тур, ўлан,  
Юрагимдан арисин ваҳшат.  
Ўлик тану, синиқ руҳ билан,  
Яшаш оғир, яшамоқ даҳшат!

Қисмат-сайёд, сайдини қувлар  
Қочма, кўнглим осилган дора!  
Тўрт ён жарлик, бўрилар увлар,  
Бешинчи ёқ-осмон на чора?

Сену менга бир меҳрибон йўқ,  
Армонларни шамолда совур.  
Видо-тилга санчилган бир ўқ,  
Кўтарилар сўзимдан ҳовур.  
Орзуларим бўлдилар барбод,  
Қолди ишқдан юракда доғлар.  
Бир девона, даллиман, ҳайҳот!  
Менинг дардим тушунмас соғлар.

Оқ қоғоздай оппоқ изтироб,  
Оқиб битмас кўзимдан нетай?  
Тун гўзалми?... Юлдузлар сароб,  
Сароб бари... тонгдан не кутай?

Ёғинади маломат санги,  
Узун тиллар сўзлар кўп бадбўй.  
Фоний дунё азоби мангу,  
Боқий дунё роҳатини туй.

Ич, ичавер ишқ-тотли оғу,  
Шўру-талх ризқ берибди Тангрим.  
Қочма, қочиб мисоли оху,  
Қисматидан қутилибди ким?!  
Қисмат-сайёд, сайдини қувлар...

## МЕН-КАМОНДАҲ ОТИЛТАҲ БИР ЎҚ

Севманг мени, соғинманг ортиқ,  
Қалбингизда тахт йўқ мен учун.  
Меҳрингизни айламанг тортиқ,  
Азоб бору БАХТ ЙЎҚ мен учун.

Севманг мени, қул бўлмас зиё,  
Юрагингиз очинг, мен очдим.  
Севгим сароб, севгингиз рўё,  
Мени севганлардан кўп қочдим,  
Мени кўрмас, тутолмас ҳеч ким,  
Имкон бору толейим забун.

Куним кўзин тутмиш қизил қум,  
Умидимни улғайтмоқ нечун?

Кўмир каби тунларим қаро,  
Севиб севилмоққа ҳаққим йўқ.

Дайдиб юргум еру-қўк аро,  
Мен-камондан отилган бир ўқ.

## Элеонора Котлибулатова.

1986 йилнинг 14 мартда Нукус шаҳрида туғилган, истеъдодли мусиқачи. У 1998 йили Украинада ўтказилган “Харьков-98” IV халқаро ёш пианиночилар кўрик танловида махсус совринни қўлга киритган. 2001 йили эса Гран-при соҳиби бўлди.



# МУСИҚА СЕҲРИ

Элеонора ҳаёлчан, масъума қиз. Уни беғубор болаликнинг беғубор дамларидаёқ мусиқа олами ўзига мафтун этганди.

Жажжи қизалоқдаги созлар сеҳрига, куй-кўшиқ жозибасига бўлган ошuftаликни зийраклик билан пайқаган ота-онаси Элеонорадаги бу ноёб таланти, гўзал туйғуларни асраб-авайлашга, парваришлашга аҳд қилишди. Дастлаб уй шарт-шароитида, репетитор-устозлар қўлида таҳсил олган Элеонора Котлибулатова кейинчалик Тошкентдаги В.А.Успенский номидаги республика ўртамахсус мусиқа мактаб-интернатида таҳсил олди. Нукуслик истеъдодли қизалоқ таълим жараёнидаёқ мусиқанинг сирли, жозибали дунёсига дадил қадамлар ташлади. Жуда ёш бўлишига қарамай Элеонора миллий камер оркестри таркибида И.С.Бахнинг бешинчи фортепиано концертини, А.Бетховеннинг иккинчи фортепиано концертини ижро этганда қадрдон мактабининг эндигина тўртинчи синфига қадам қўйганди. Ноёб истеъдоднинг бундай эрта етилиб, эрта мева бера бошлаши ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Элеонора тинимсиз меҳнат қилди, ўз устида ишлади. Мусиқа анжомлари нафақат мулкнинг, балки юрагининг ҳам ярмисига айланиб кетди.

Элеонора Котлибулатовадаги ўткир истеъдодни, нозик дидни пайқаган устозлари ҳам қараб туришгани йўқ, албатта. Улар ҳам пианиночи қизалоққа машғулотлар учун шароитлар, имкониятлар яратиб беришга, ёш талант билан жиддийроқ шуғулланишга ҳаракат қилдилар.

Элеонора 1997 йили “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ташкил этган “Санъат гунчалари” республика кўрик танловида муваффақиятли қатнашгани туфайли қирғиз диёрининг Иссиққўлида ташкил этилган Гнесинлар номидаги Мусиқа академиясининг мастер-классида малака ошириш учун юборилди. Тинимсиз машғулотлар, ўқиб-ўрганишлар, изланишлар бирин-кетин ўз мевасини бера бошлади. 1998 йили Харьков шаҳрида ўтказилган В.Крайнев номидаги тўртинчи халқаро ёш пианиночилар кўригида махсус совринни қўлга киритгач, Элеонора шу йилнинг ўзидаёқ “Юрмала-98” Халқаро ёш пианиночилар танловида нуфузли ўчинчи ўринни эгаллади. Бу ҳақли муваффақиятлар ёш, зукко ўзбекистонлик қизалоққа янгидан-янги ил-

ҳомлар берди, ҳали забт этилмаган галаба чўққилари сари руҳлантирди.

Элеонора Котлибулатова 2000 йили Алмати шаҳрида уюштирилган ўрта Осиё, Қозоғистон ва Озарбойжон давлатлараро биринчи халқаро пианиночилар танловида махсус диплом билан тақдирланди. Ўша йилиёқ Феодосив шаҳрида “Айвазовский ҳузурда” деб номланган тўртинчи халқаро болалар мусиқа фестивалида ўз иқтидорини намойиш этди. Шу сабабдан ҳам ҳақли равишда 2000 йили Элеонора В.Спиваков номидаги хайрия жамғармаси томонидан махсус стипендияга лойиқ топилди.

Ўзбекистонлик ёш, ўткир истеъдодли пианиночи қиз - Элеонора Котлибулатова 2001 йили Украинада бўлиб ўтган “XXI аср санъати” халқаро танловида Гран-при соҳиби бўлди. Унинг бу улкан ютуғи жамики санъатсевар, маданиятсевар ўзбек халқининг ютуғидир. Зеро, Элеонора - эл қизи, у ўзи чалган мусиқаларда шубҳасиз ўз азиз юртининг юрак кечинмаларини ифода этган.





# ЭШДАВЛАТНИНГ ДАВЛАТИ

Ҳикоя

Эшдавлат Тошбулоқда мол дўхтир. Давлат бериб қўйган тўриқ отни минадию, эрталаб қўшни қишлоқдаги идорага бир қўриниш бериб қайтса бас, кейин отарма-отар юрадим-йўқми, қолган вақт ўзиники. Тўрт-беш дарахтли боғида ишлайди, иморатнинг кам-кўстини тузатади, рўзгорнинг майда-чуйда иши, тирикчилигини қилади. Керак бўлиб қолса чўпонларнинг ўзи отарга қақиртиради, бўлмаса ойига бир қўриниш берса бўлади.

Қўлига фалон сўм маош олади... Шаҳардагидек ош-қатиғига, юрган йўлига пул тўламаса, сув текин, сабзавот эса деҳқончилик, бир қоп ун олса ўн беш кунга боради... Кийим-кечагига етади-да шу. Бунинг устига онаси ҳам мактаб хизматчиси, маоши рўзгорнинг майда-чуйдасини кўтаради. Бировдан кам жойи йўқ. Қўрада икки сигир, саккизта қўй-эчкиси бор, сўт-қатиғини ичиб ётишади. Ҳар куни бўлмасаям кунора иссиқ овқати тайёр, йил-ўн икки ойга уч-тўрт қўй сўйса, гўшт ҳам етади, бу ёғи ўзидан ўзи кўпаяверади. Молнинг тилини билган мол қилади. Тилини билганга мол жонивор яхшигина бойлик.

Мактабни тугатиб ҳамма тенгқурлари катта-катта ўқишга киришганда кўнгли ўксиган эди, менинг ҳам отам бўлганда институт ё университетда ўқиб, усти бошим тоза, иссиқ-соғуқ демай, тинчгина мактабда болаларни ўқитиб юрардим, деб. Энди бундоқ ўйлаб қараса, ҳозирги иши муаллимчиликдан минг чандон яхши экан. Ана, катта ўқишда ўқиганлардан бири - синфдоши Сафарқул... беш йил отасининг чўнтаги ҳисобига ўқиб бўлгани... муаллим. Оладиган маоши уникидан салгина кўп, бироқ кунбўйи мактабда бойланиб, мияси айнагани бир нав, тўртта қўй, эчкисининг ем-емиши ташвишида ҳали мудирга, ҳали зоотехникка, ҳали шопир, ҳали чўпонларга бориб сарғайгани ортиқча.

Ҳозирги чўпонлар ҳам акс бўлиб кетган, сурувда қирқта эчкиси бўлишига қарамай Сафарқулга ўхшаганларнинг иккита эчкисини “сурувни бузади” деб боқишга олмайди, бир нимасидан кечса қўйинигина боқишга олади. Бу эчки дегани шунақанги жонзот эканки, жиндай кўздан қочирдингми, дарров, ўзини тоққа уради. Қани энди ҳафта-ойлаб қайтариб келиб бўл. Ё жондорларга ем бўлади, ё архардай йўқолиб кетади. Шу тўртта эчкини деб Сафарқулнинг бутун оиласи овора...

Эшдавлатнинг йўриғи бошқа, чўпонларнинг дўхтирга иши тушади, кўз-кўзга тушади дегандай... рай қайтаролмайди. Мол-ҳол қилмаса бу қишлоқда маошга яшаб бўладими.

Қачон кўрса Сафарқул жўраси маллимчилигидан нолийди. Бу ёқда бобосидан қолган чорбоғдаги тўрт-беш туп ток, мевачевали дарахлари ҳам қуриётганмиш. Ишлов бўлмагандан сўнг боғ бўлармиди. Мана ўзининг чорбоғи - қуриш у ёқда турсин, йилдан-йилга гуркирайди, ҳаммаси меҳнатнинг орқасидан. Ҳар йили чўпонларнинг кўрасидан бирон тележка гўнг олиб келиб солади, Сафарқул ўшаниям пулига олади.

Қурбонбой синфдоши ҳам институтда ўқиб келиб, қишлоқда икки йил малламчилик қилди, сўнг бўлмади шекилли ишини йиғиштириб, икки укаси билан чўлга кетди. Бировлар

“Қурбонбой газитга қишлоқда ҳали у йўқ, ҳали бу йўқ, деб ёзиб тургувчи эди. Раҳбарлар билан ит-мушук бўлгач, мактабдагилар ҳам катталардан қўрқиб сиғиштирмади”, - дейишса, бировлар Қурбонбойни сиёқсизликда, асли одамгарчилиги йўқ ёзгувчиликда айблашди. Чўлда мўмай пул топган бўлса керак, йил ўтмай ота-бобосининг чорбоғини ташлаганча бутун оиласини кўчириб олиб кетди. Ҳозир бир хўжаликнинг эгаси, тагида машина, укаларини уйли-жойли қилган. Бориб кўриб-билганлар авж дейишади.

Ҳар келганида Қурбонбой унияем чўлга боришга ундайди: “Ҳе, бу қишлоқда нима бор, хотин-бола чақанга иш бўлмаса, клуб бўлмаса, телефон бўлмаса, мол ортидан тагингта машина олсанг-у, бу тоғли-тошли йўлда юрагингни ёзиб миномласанг”.

Эшдавлат унамайди, минг чандон ёмон бўлсаям киндик қонинг тўкилган ота макондан айирмасин, қоқилсанг кўтаради, тош бўлса ҳам суяйди. Униб-ўсган жойингга ишлаб-яшашнинг гаштига не етсин.

Армиядаги укаси келгач, уям бир ров дўхтирчилигини йиғиштиради, яна бир укаси мактабда ўнинчини битирай деб турибди, ахир... Уларни уйлантириш керак, уйи-жойи дегандай, дўхтирликдан топгани етармиди. Яхшиси қаватига укаларини олиб давлатдан бир қўра кўзи сўрайди. Қўйни кўзилигидан парвариш қилса, эртага далли-ғулли қўй бўлади. Далли-ғулли қўйнинг тўли катта, қорақўли сифатли бўлади. Қўйларнинг семиз, дуркун бўлиши чўпоннинг обрўйи ҳам бойлиги. Расамадини келиштириб, қўйнинг тилини билганга қўй жонивор яхшигина бойлик, шунинг ортидан рўзгори ҳам кам-кўстиз бўлади. Укалари ҳам шу қўйнинг кетидан уйли-жойли бўлиб кетишади. Чўлдаям пулни ердан супуриб олмасанг керак, ҳамма жойда меҳнатнинг ортидан қозонинг оқаради.

Эшдавлат хаёл билан тўрт қақирим йўлни босиб ўтиб, идорага етиб келганини сезмай қолди. Эгардан тушиб тўриғини идоранинг орқасидаги ем омборининг туртиб чиққан боларига боғлаётганда, олти-етти яшар сариқ бола келиб:

-Сийиримиз касал бўлиб қолди, отам сизни келсин, деяпти, - деди.

Эшдавлат болани танимади. Бу ўртадаги қишлоқларнинг ҳар бирида ўргача ўн беш-йигирма хўжалик бўлиб, ҳамма бирига оғайни-қариндош, қадр-қиммат кучли, етмиш ёшдан етти яшаргача бир-бирини танимаслик уят саналади. Шундай бўлса-да Эшдавлат боладан:

-Кимнинг улисан?- дея сўради, - тез келсин деяптимми?

- Самад муаллимнинг улиман, - деди бола қизариб ва ерга қараганча югуриб кетди.

Эшдавлат идорага кирмай, Самад муаллимни кўриб бўлиди.

“Самад муаллим” кекса ўқитувчи, Эшдавлатни учинчи синфгача ўқитган. Кўча-кўйда, тўй-маракада кўриб қолса доим олдин салом бериб қизартиради, ҳамма ўқувчиларини ҳурмат қилади. Эшдавлат техникумда ўқиб, ўртоқларини томошага олиб келганда, бошқа қишлоқлик бўлса ҳам Самад муаллим

чақириб, қўй сўйиб меҳмон қилган. Аслида меҳмон келган қишлоқда бир-икки яқин қариндошининггина хонадониди қўй сўйилиб, меҳмоннинг иззатини қилиш русум. Самад муаллимнинг Эшдавлатга қариндошлигим унчалик яқин эмас, лекин... ҳали-ҳануз ўша воқеани ширин интиқиш билан эслаб юради.

Эшдавлат Самад муаллимнинг уйи ёнидаги булоққа етганда тепаликдаги йўлда лов этиб қизил машина пайдо бўлди. Дарров таниди. Синфдоши Қурбон! Чунки бу ўртадаги қишлоқларда санокли энгил машина бор, мактаб директориники кўк, зоотехникники оқ, устига латта қопланган мудирнинг машинаси икки йилдирки юрмайди, яна бир-икки чўпоннингнинг ранги қизил эмас.

Қурбонбой тупроқ йўлни чангитиб келиб, Эшдавлатнинг ёнида илкис тўхтади. Кучоқлашиб кўришдилар.

Кўришмаганларига ҳам тўққиз ой бўлган экан, гап кўпайиб қолибди, бир зумда қишлоқдан чиқиб, чўлларни айланиб, барча синфдошларнинг иссиқ-совуғига кириб-чиқибди. Сўнг Қурбонбой кечқурун Шакарларникида мактабни битирганликларининг ўн йиллик юбилейи бўлажагини, шу мақсадда майда-чуйда учун юз чақирим узоқдаги шаҳарга шошиб турганини айтди. Эшдавлатнинг юбилей ўтказилишидан хабари бор эди, лекин айнан бугун бўлишини билмагани учун шошиб қолди. Ёнида пули йўқ эди, шундай бўлсаям чўнтагини ковлай бошлади. Қурбонбой сезиб, дарҳол икки қўлининг панжаларини юзининг олдида панжара қилиб, қаршилик кўрсатди.

- Қўй, жўра, айб биздан, сенга кеч хабар қилдик. Ҳамма ташвишни Шакар бўйнига олди. Шакарни биласан-ку, битта-иккита ширвоз кўзи унга чўт эмас, давлатнинг қўйи тугармиди чўпонга, хизмат-хотини Гуландомдан, уям синфдошимиз ахир. Майда-чуйданнинг харажатини кеча тўпланишган бир-иккита синфдош ҳал қилдик, сеники кеч, узр, айб бизда.

Эшдавлат сўзини сўзга қўшиб, бир жўяли гап айтишга улгурмай Қурбонбой "хайрлашмаймиз" дея жўнаб қолди. Қурбонбой кетгач, ёнидан пул чиқариб беролмаганидан Эшдавлатнинг кўнгли хит бўлди.

Паришонхаёл Самад муаллимнинг ҳовлисига кирганда деярли бутун оила оғилхонанинг олдида турарди. Самад муаллимнинг хотини "болага иш буюр, орқасидан ўзинг югур", - дея тўнғилаб турган экан, кечикканидан хижолат бўлди. Туғишдан ўзириқиб, ётқиси чиқиб кетган сигир оғилхонанинг олдида ётарди.

- Айлантирган бир сийир, кеча туппа-тузук эди, боласини ялаб турганди жонивор, эрталаб қарасак бу аҳвол, - дея хижолатомуз қарши олди муаллимнинг аёли.

Самад муаллим эса бу сафар Эшдавлатнинг саломига алик олди, кайфияти йўқ.

- Сигирингиз жуда нимкала экан, туғишидан бир-икки кун олдин атала қилиб бермабсиз-да, - деб Эшдавлат муаллимнинг аёлига танбех берган бўлди, сўнг "ҳеч нарса қилмайди, тузалса одам бўлиб кетади", дея ишга киришди. Томошабин бўлиб турган болалар "пиқ-пиқ" этиб кулишди.

Эшдавлат "ҳа, сизларга текин кулги бўлса, қани пулини тўланглар-чи, бўлмаса ҳозир укол қиламан" - деганча қўлидаги шприцни ўйнатиб, болаларни олдида солиб қувди. Йигламоқдан бери бўлиб турган муаллимнинг аёли Эшдавлатнинг хушхандлигини кўриб, сигирининг ҳолидан хотиржам бўлди.

Эшдавлат билакларини шимариб, сигирнинг ётқисини маргансофкали сувда чайиб, жойига солди. Сигир жонивор кучаниб, ётқисини чиқариб юборавергач, ароқдан бўшаган шисани илиқ сувда ювиб, оғзини узун чипрак билан тангиди-да, кетини сигирнинг орқасига тикди. Чипракнинг икки учига ип улаб сигирнинг белидан ошириб, пастидан боғлаб қўйди. Ишни тугатгач, эртага эрталаб хабар олишини айтди. Муаллимнинг хотини дийдиёсини қилиб, бошидаги рўмолининг орасидан пул олди ва Эшдавлатга узатди. Эшдавлат муаллимнинг ҳурматини қилиб, эр-хотин қанча зўрлашса ҳам пулни олишга унамади. Ҳали идорага кирмаганини айтиб, ортга қайтди.

Идорада мудир, зоотехник ҳамда нимкала ва ориқ қўйларни боқадиган Бердиқул чўпон бор экан. Мудир Эшдавлатни дағдаға билан қарши олди.

- Ўртоқ дўхтир, сиз хонадонма-хонадон одамларнинг модели даволаб, пулини олиб юраверинг, бу ёқда давлатнинг чорваси қирилиб ётсин. Ҳозироқ Иқбелга жўнанг!

Иқбел - Бердиқул чўпоннинг қишлови. Агрофи тоғ-тош, қўйлар яйраб ўтлайдиган тузукли яйлови йўқ. Яқин ўртадаги битта-иккита ўтлоқлар ҳам бошқа отарга қарашли. Чўпонлар ўзларининг чекидаги жойда бошқа сурувнинг ўтлашига йўл қўймайди, яйлов устида бир-бири билан керак бўлса астойдил ёқалашади, зўр келса пичоқлашади. Яйловлар тор, қўйлар кўп, йилдан-йилга гиёҳлар камайиб кетаяпти. Айниқса, Бердиқул чўпоннинг қўйларига витаминли озуқа керак. Эшдавлат бу ҳақда иш бошлаган йиллари бир неча марта айтди, кулоқ солишмади, бугун эса Иқбелга бор, қўйлар қириляпти, дейишади.

Эшдавлат ички галаёнини боса олмади. Шартта-шартта айтиб... олдинги гапларини эслатди.

Мудирнинг фиғони чиқди:

- Ўртоқ Саидқулов, бизга ақл ўргатманг, сизсиз ҳам юқорида бу иш билан шуғулланадиган, сиздан минг чандон ақли кишилар бор! Сизнинг ишингиз касалликнинг олдини олиш, буйруқни бажаринг! Хоҳламансангиз, жойингизни бўшатинг!

Чиқиб кетмоқчи бўлаётганида мудир бироз юмшаган товушда, лекин заҳархандалик билан ўлган қўйларнинг ақига қўл қўйиши кераклигини айтиб тўхтатди. Бошида туриб, бирма-бир санамаган бўлса ҳам Эшдавлат ўлган қўйлар ақига қўл қўйди. Талофатнинг умумий сонига қараб Бердиқул чўпондан:

- Бир ҳафтада ўттизтами? - деб сўради.

- Ўн тўққизта эди, - дея Бердиқул чўпон мудирга мўлтиради. Мудир индамай столга қаради, зоотехник кўзларини олиб қочиб, бир-икки ойнаси ўрнига газета ёпиштирилган дераза томон тикилди. Хонага аллақандай ғашга тегувчи сукунат чўкди.

Бердиқул чўпон гоҳ мудирга, гоҳ зоотехника қараб мўлтиради, кўнглига тушган гулгулага нажот излади. Зоотехник деразага тикилганча пинагини бузмади. Мудирнинг боши янаям қуяи эгилиб, қизарди. Ниҳоят тўнғиллаган овози сукунатни бузди.

- Директорнинг буйруғи...

Қўрқиб кетган Бердиқул чўпон директорнинг номини эшитгач, бироз бўшашиб, стул суянигига секин суянди.

- Ҳай, майли... каттанинг ўзи экан-ку, - дея гудранди. Мудир бошини кўтарди, зоотехник деразадан кўзини узди. Эшдавлатнинг кўнглидаги ғашлик тарқалгандек бўлди. Ҳар нечук, бу ишларнинг бошида каттанинг ўзи турибди, ахир. Хонага хотиржамлик чўкди.

Лекин барибир идорадан Эшдавлатнинг кўнгли хижил бўлиб чиқди. Отини ечиб, Иқбелга йўл солди. Йўл-йўлакай қишлоғига бурилиб, магазинга тушиб ўтди. Ўтиришга қуруқ боргиси келмай, магазинчидан қарзга пул сўради. Магазинчи ҳам лом-ним демай пулни бердию каттакон насия дафтари олиб, ҳафсала билан "Молдўхтир плюс ўттиз сўм" деб ёзиб қўйди. Эрта ё индин олиб келаман деса магазинчи дафтарига ёзмасди, лекин маошига саккиз-ўн кунлар бор. Кечаси алағда бўлишмасин деб уйига ҳам кириб чиқди. Иқбелга кун оққанда етиб борди. Нураб турган томларни кўргач, Шакарларнинг ўтовиди электр йўқлиги ёдига тушди.

Керосинка чироқнинг ёруғида майишат бўлармиди, телевизор бўлмаса, магнитофон бўлмаса. Икки хонали уйга бош чўпон, ёрдамчисининг бола-чақаси билан зўрга сиғишади-ю, ўн бешта синфдош қаерга жой бўлади. Қурбонбойдан чиққан фикр бу. Чўлда юриб ўтовнинг ҳавосини унутган. Шакар ҳам сеникида бўлади деса, рай қайтаришга уялган. Ташқарида ўтиришга эса, ҳали баҳор, салқин.

Эшдавлат сурув қайтгунча Бердиқул чўпоннинг ёрдамчиси - Қўлдошнинг дастёр бўлиб қолган ўғли билан деворларидан зах ҳиди уриб турган ичкари уйда гангур-гунгур гаплашиб ўтирди.

- Қўйларинг нечта?

- Беш юз тўртта.

- У давлатники, ўзларингники нечта?

- Айтмайман, отам ҳеч кимга айтма деган.

- Бўлмаса давлатники нечта?

- Тўрт юзта.

- Демак, сизларники юз тўртта экан-да?

Чув туририб қўйганидан қўрқиб кетган боланинг ранги



оқариб кетди.

- Ўттиз иккитаси Бердиқул тоғамларники, - деди кўзлари ола-кула бўлиб. Бу билан ҳам кўнгли тўлмади шекилли, яна кўшиб кўйди.

- Матниёз жўрамларники икки юзта-ку.

Ичкаридаги машмашани эшитган боланинг мактабидан қайтган опаси эшиқдан бош суққанча афтини буриштириб, болага пўписа қилди. Шундан сўнг бола билан Эшдавлатнинг суҳбати чиқишавермагач, уни эшакка миндириб отасига юборди.

- Эшдавлат ака келди де, эртароқ қайтсин, кўйларни до-рилаймиз деяпти, деб айт.

Сурув шу ўртада эканми, тез орада бола миниб кетган эшакда Бердиқул чўпоннинг жияни Кўлдош "Ассалому алайкум" деб етиб келди. Болалигидан умри кўйнинг кетида ўтган Кўлдошнинг неча ёшдалигини бир қарашда билиб олиш қийин эди. Четдан келган одам иссиқ-совуқда юравериб, юзлари тиришиб, қоп-қора човлаб кетган бу одамга қараб ёшидан ўн беш ёш юқоридан камни айтмайди, аслида мактабни Эшдавлатдан бор-йўғи икки синф олдин битирган.

Эшдавлат у билан ем солинадиган, тракторнинг орқа балонидан кесиб тайёрланган новларга дори солиб улгурмай, Кўлдошнинг ўғли кўк ўт излаб чарчаган, бир-биридан нимжон бир сурув кўйни олдига солиб кувиб келди.

Эшдавлат Кўлдошга кейинги қиладиган ишларини уқтириб, қош қорайганда Шакарнинг ўтовига шошилди. Ўтовга бир қир етмай қулоғига мотор товуши чалинди. Тепаликка кўтарилиб, чарақлаб турган электр чироқларига кўзи тушди. Шакарнинг кичик укалари хурсанд, у ёқдан бу ёққа югуриб юрибди. Э, гап бу ёқда экан-да. Бир ҳафта олдин иш билан келганида лойсувоқ уйнинг ёнида қоруй йўқ эди, қад кўтарибди. Ҳойнаҳой бу Қурбоннинг иши. "Ота-бобомиз чўпон ўтган, бир ёйилиб ўтириб, мириқишайлик" деган, марказга тушганда киночи ошнасининг движогиниями ола келган.

Эшдавлат отдан тушиб, обдастада кўл ювди. қоруйнинг таги зах деб ховотирланган эди, эшигига яқинлаша туриб, қоруй тепасидаги темир печ мўрисида кўзи тушди. Бало, бало бу Қурбон. Асли мудир бўлиши керак эди-да.

- Коммунизм чироқлари чўпоннинг кулбасига ҳам етиб келибдими-а, - дея ҳазиллашгач, ичкарилади.

Жамоат жам, ўзидан бошқа деярли ҳамма синфдошлари келиб бўлишган экан. Кўриниши ўзгариб, катта аёл тусини олган битта-иккита синфдош қизлар ҳам кўринди. Қайнона-қайнотаси овлоқ тоғнинг орасига қандай юборишди экан, буям Қурбоннинг иши, гапта пишиқ.

Синфдошлари билан бел олишиб кўришди, қизларга ҳам кучоқ очиб, тегишган бўлди. Уни тўрга, Қурбонбойнинг ёнига ундашгани, "бизлар кичкина одам" дея ҳазил билан пойгароқдан жой олди. Олдин ҳам "Шинапс"дан отиб ўтиришган экан, мол дўхтирнинг шарафига "мудир бўлиб кетсин" деб яна юз-юз қилишди. Хаш-паш дегунча ароқ пиёла беш-олти айланди. Қулоқлар қизиб, Эшдавлатнинг кўнгли ёришди, даврага қараб кўзлари қувнади. Кечагина аттестатни қўлига ололмай, мактабнинг ҳали-ҳануз қуриладиган спорт залига фишт кўйиб юрган тенгқурлари бугун бири врач, бири муҳандис, бири муҳбир, қайси мудир, қайси муаллим. Вақт дегани оқар сув, ўн йил ўтиб кетибди-я.

Асосий суҳбат тўрда ўтирган Қурбонбойнинг атрофида борарди. "Бўлиши керак" мазмундаги суҳбатнинг ҳамма оғирлиги туман газити муҳбири Шухратнинг гарданига келиб тушарди. Гўё ҳамма айб Шухратга, унинг муҳбирлигида эди. "Ҳаётни тўғри ёритмайсизлар, бир гуруҳ кимсалар учун ёзиб, халқни алдайсизлар, авом халқ мағбуотда нима айтилса ишонди". Шухрат индамай турли томондан отилаётган таъна тошларини қабул қилар ва ҳатто бош ирғаб маъқуллаб кўярди. Гап "ёзиш керак" деган жойга келиб тақалганда бош чайқаб "бунинг иложи йўқ-да" дея қисқагина эътироз билдиради. Синфдошлар "аввали Шухрат қолибдими" дея унга "Риклом" дея янги исм беришди. Сўнг суҳбат айланиб Арманистондаги зилзила, дунёнинг қайсидир бир бурчагидаги тўполон, уруш ва миш-мишлар, Оврўпа одамларининг росттўйлиги, японияликларнинг озгина металдан машина ясаши тўғрисида борди. Бу воқеаларда ҳам Шухратнинг айбини топишди. "Сизлар тўғри

ёзганларингизда бизлар ҳам..." деган таъналар айтилди, кейин "халқ бузилди" деган хулосага келишди.

Эшдавлат ҳам идорадаги машмаша, Кўлдошнинг аҳволи, унинг билан бўлган суҳбатни айтиб, жўяли бир гап билан "бўлиши керак", "қилиш керак" мазмундаги баҳсга аралашмоқчи бўлди-ю, мудирнинг кўёби Сафарқулга қараб-қараб, ниятидан қайтди, шайтонга ҳай берди. Сафарқул етказмасаям оғиздан чиққан сўз отилган ўқ, эгасини топиб боради. Эртага суриштир-суриштир бўлиб кетса пушакнинг оғзига Эшдавлатни кўйишади, суяб турган одами бўлмаса. Бу ёқда ўлиб-тирилиб, не-не орзу умидда униб-ўстирган онаси қон қақшаб қолаверади. Оч қорним-тинч қулоғим, бирини ака деб, бирини ука деб, тинчгина дўхтирлигини қилиб юргани маъқул эмасми. Қурбонбойнинг йўриғи бошқа, йўлини топиб кетади. Лекин ҳозир катта гапириб, Шухратга кайвонилик қилгани билан торозининг палласи оғир келган пайтда пусиб кетади. Мард бўлса катталарнинг гапига парво қилмай ўз ишини - муаллимчилигини қилиб юраверарди. Қочиб кетди. Ота юртидан воз кечолмаганидан, оёғи узилмайди, тез-тез қишлоққа келиб туради - ота маконга не етсин.

-Бизнинг биригадир-зоотехникларимиз, мудир ва катталаримиз сиёсий, маънавий томондан кўр, - деди Қурбонбой.

-Улар саҳнада фақат ролни бажарадилар, уларнинг ҳаракатини юқоридида режиссёрлар, парда ортидаги суфлёрлар бошқаради. Шунинг учун ўз худудидаги муаммони кўриб туриб, мустақил ҳал қилолмайди, чунки улар юқоридан кўрсатилган тайёр текстларга ўрганган.

Қурбонбой гўё минбарга чиққан нотиқдек сўзларди. Тез-тез "шундайми ўртоқ варч", "сиз нима дейсиз, Сафарқул", "Шуни газетингизда кўтариб чиқишнинг иложи йўқми" деб атрофдагиларга мурожаат қилиб, уларнинг эътиборини ўзига жалб қиларди. Эшдавлат Қурбонбойнинг сўзлаш маҳоратига маҳлиё бўлиб қолди. Фақат... Қурбонбойнинг "ўртоқ дўхтир"-идан бошлаб сергакланди, унинг гапига қулоқ тутди.

-...биз лоқайд оддий ишчи-чўпон насибамиз қирқилиб, озиқлантириб турган сигиримиз ҳолдан тойиб зўриққанда нима қиламиз?

Эшдавлат Қурбонбойнинг гаплари мағзига етиб-етмай ўтирган эди. Кескин сўроқдан каловлаиб қолди.

-Орқасига бутилка тикамиз, - деди даврадаги аёлларни ҳам унутиб. Ўтирганлар баробар кулиб юборди. Бироқ, Қурбонбой кулмади, жиддий туриб гапида давом этди.

- Балли Эшдавлат жўра, орқасига бутилка тикиб нажот кутамиз.

Эшдавлат ноҳўя гап қилиб кўйганидан изза бўлди, ўзини камситилгандек ҳис қилди. Қурбонбойнинг гапларига тушунмагани, каттароқ ўқишда ўқимагани алам қилди.

Қурбонбойнинг мақсади нима ўзи, бунча куйиб-пишади. Туманга бир-икки таниши ишга келган дейишади, бирор бўшайдиган раҳбар лавозимнинг ҳидини олдимикин?

Эшдавлат чекмасди, уйдан чиқиб кетиш баҳонасида ёнида ўтирган Сафарқулдан папирос сўради. Сафарқулга ҳам ёқмай турган эканми, ўрнидан кўзгалди. Чиқиб кетиша туриб Эшдавлат Қурбонбойнинг мулзам қилганини кўнглида олиб кетолмаслигини сездди. Магазинчидан қарзга олган пулини шартта чўнтагидан чиқариб, тикка турган жойида Қурбонбойга шартта ўгирилиб қаради.

- Қурбон жўра, мени кўрқоқ деб ўйлайсанми, нотўғри ўйлайсан. Сеннинг гапинг оғзингда, бўладиган гапдан гапирсанг-чи, кўлингдан келса олиб келган движогингни Шакарга қолдириб кет, мана менинг улушим.

Эшдавлат қўлидаги пулни ноз-неъмат тўла дастурхон устига сочиб, чиқиб кетди. Давра жим бўлиб қолди, сездикки ҳамма орқасидан қараяпти.

Эшдавлат қилган ишидан кўнгли сурурга тўлди. Қурбонни мот қилди. Кўра ёнидаги гира-шира ёруғда кутиб турган Сафарқул томонга юрмай кўтон орқасига - қоронғуликка томон йўл олди. Сафарқулнинг ёнига борса, у ёнига суқлиб, Қурбонни гийбат қилишидан кўнгли задаланди. Шу тобда унинг кўнглига ҳеч нарса сиғмасди. У шу тобда қоронғулик кўйнида ёлғиз қолишни, бир зум бўлса-да ҳеч нарсани ўйламай, толиққан вужудига эрк беришни, муздек яқсоқ тошга чўзилишни хоҳларди.

**Илҳом ШАРИПОВ,**  
“World studio” компанияси бош директори

# ЯНГИ АСРНИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

“World Studio” компанияси республикамызда 2002 йили ташкил этилган. Компания Ўзбекистон инфор­ма­цион технологиялар бозорида фаолият кўрсатади. Компания маълумотлар узатиш тармоғини, юқори сифатли компьютер тизимини, видеоконференциялар ўтказиш тизимини лойиҳалаш, ташкил этиш, ишга тушириш ва хизмат кўрсатиш сингари замонавий хизматларни амалга оширади. Бу борада компания жаҳоннинг етакчи компаниялари бўлган “VCON” (Германия), “Winncom Technologies Corp.” (Америка Қўшма Штатлари), “SONY” (Япония), “RAD Data Communications” (Исроил), “RAD Vision” (Исроил), “ZyXEL” (Тайван) сингари ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. Компания шунингдек маҳаллий ва халқаро телефон тармоғини қуриш бўйича хизмат кўрсатади.

Компаниянинг ютуғи сифатида Ўзбекистоннинг йирик ташкилотлари ўртасида видео селектор алоқаси ўрнатилганлигини тилга олиш мумкин. Бу алоқанинг бош видео сервери Тошкентда жойлашган.

Янги замон, янги давр янги технологияларга, ян­гича таълим тизимларига кенг йўл очиб берди. Компания ҳам бу эзгу ишдан четда қолмай, таълим соҳасини компьютерлаштириш ва тараққий эттиришга ўз ҳис­сасини қўшмоқда.

“World Studio” компанияси мутахассислари Distance Learning дастури доирасида ўқув жараёнини автомат­лаштиришга ҳамда осонлаштиришга мўлжалланган

қатор дастурлар ишлаб чиқдилар. Аини пайтда компа­нияда “Ўзбекистон республикасида телетиббидиёт” лойи­ҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Компания эксплуатацияга киритилган тизимларга ка­фолатли хизмат, сервис хизмати кўрсатишни яхши йўлга қўйган. Шунингдек, буюртмачи мутахассислари-



нинг малакасини ошириш, техник таъминлаш ҳам компа­ния иш фаолиятининг муҳим қирраларидир.

Компания ўтган қисқа муддат ичида ўзининг нима­ларга қодирлигини кўрсата олди. Шу сабабли унинг ми­жозлари сони тобора ошиб бормоқда. Бугунги кунда компаниянинг баобрў мижозлари сафида қатор йирик компаниялар, жамоат ташкилотлари бор. Улар сафида Ўзбекистон Миллий банки, Ўзбекистон Марказий бан­ки, “Алп Жамол банк”, Давлат божхона қўмитаси, Гулистон давлат университети, Тошкент педагогика уни­верситети, юридика институти, ТошМИ, энергетика ва­зирлиги, Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, ички ишлар вазирлиги, республика кўчмас мулк бир­жаси сингари ташкилот ва муассасалар бор.

Йигирма биринчи аср ёшлари ҳаётини, турмуш тар­зини компьютер технологиясиз тасаввур этиш мушкул. Буни яхши англаган компания мутасаддилари, изланув­чан жамоаси мустақил юртимиз ёшларининг жаҳон та­лаблари даражасидаги мутахассис, комил инсонлар бўлиб этишиши учун қўлларидан келган барча ишларни қил­моқдалар.







Иқром ИСКАНДАР

# ТОҒЛАРНИНГ КЎКСИГА СУЯНАДИ КЎК

30 ЯНВАР ШЕВРИ

Кетиб борар  
таланган,  
бўм-бўш дарахтларнинг карвони...  
Кўклам яна ўттиз кунлик йўл.

\* \* \*

Тоғларнинг кўксига суянади кўк.  
Хаёлдай сокин жилғанинг машқи султ -  
кўклам каби кўм-кўк  
ва жимжит жимирлаш  
юзиди юзади...

Жилға (ўзандай ўрамыш ҳасратлар)  
тип-тиниқ ва ҳолсиз осмонни кузатиб,  
уйлар: “уйилар осмоннинг туби...  
Ў, баҳор, ишқ каби сачратар -  
танини тошларга уради жилға,  
гулларнинг юзиди жилғанинг тани...  
Бутун олам муштоқ - кўк буни илғаб,  
гулдурос ва шаррос куйлаганида...  
Баҳорги шарқираб ўйнашлар қани!”  
Осмон кексанинг ақлидай тиниқ  
ва яна... ва яна... ва яна...  
(наҳот шул мўйсафид кўклагини оқин?)  
тоғларнинг кўксига ҳолсиз суянар...  
Баҳорни туш кўриб ичи қизиган  
тош каби  
жилға  
жимирлайди хаёлдай сокин.  
Август.

ДАРАХТ ВА МЕН

Сабоҳ, гарчи сумбула  
барглари менгзамас  
баҳорлик бадрок гула,  
хазонлик бир дард менгамас,  
Дарахтгамас, карахт  
шамолга ваҳшат солар.  
Ҳали ёш ва юраги тамиз  
шамол хазон янглиғ ҳолсиз  
соялар, қилт этмас дарахт  
ва мен  
ҳали ям-яшил юртдамиз.  
Кундай ёришади кўнглим,  
уфқни хадаф айлар кўзим камони,  
Ер, Осмон ёдуга қоришар,  
ҳали тун нуқсига кирмаган  
булутларнинг  
кунгай томони  
кўнгилдай ёришар...  
Ҳали ям-яшил юртимиз.



\* \* \*

Кимлар менинг бағримни  
зарраларга бўлдилар?  
Танимдаги тарқоқлик  
охир мени ўлдирар.

Мен шу қора тупроқман,  
кўнгли яра тупроқман.  
Мен бир карра гул эдим,  
минг бир карра тупроқман.

Кафтдай кўнглим ерча кенг  
эзгуликни тусади,  
кифтимда эса яшнаб  
хиёнатлар ўсади.  
Чанглар менинг оҳимдир,  
кўксимни ситолмадим.  
Зарра-зарра оҳларга  
айланиб кетолмадим.

Дил бандини топтар мунг,  
билмам қайга етаклар?  
Юрагимни силкитсам,  
тўкилади эртаклар.

\* \* \*

Келмадингиз. Мен сизни ўқиниб  
кутган шу саҳарда,  
юрагимдан Андишани суғуриб  
отандим... “Гувв” этиб учди -  
тўлдирди кўкайим кўкини  
безовта соғиниш -  
саҳарги кушларнинг чуғури...  
Келмадингиз. Мен беандиша  
Сизни нечоғли соғиндим!

\* \* \*

Оқшом. Оқди оқ шам  
Тун-тан. Ёғду-қон, қонар  
Оқшом. Оқди оқ шам.  
Силқиб, порлаб қон ёнар-  
Охир ўчарми, оқ шам...  
Оқшом. Оқди оқ шам!  
Бир Ҳажр мажруҳ Тун каби.  
Оқшом. Оқди оқ шам.  
Қонар мисли шам бир Сабр...  
Оқшом. Оқди оқ шам.

\* \* \*

Кўнглимга йўл топмоқ бўлиб ўқсинма,  
йиғлама,  
тушун, қанча ожиз бу ирмоқ - кўз ёш...  
Йўлига ғов бўлиб ётар кўксимда  
юррак ҳажмича келадиған  
улкан Тош.



Абдуғафур РАСУЛОВ

# АҲМАД ЯССАВИЙ АБАДИЯТИ

“Яссавийнинг сўнгги сафари” номли ихчамгина роман ёзувчи Саъдулла Сиёев ижодининг бош китоби бўлса керак. Ёзувчи бу асарни ёзишга узоқ тайёргарлик кўрди: тасаввуф тарихини, унинг етук намоёндалари ҳаёти ва фаолиятини бир олимчалик ўрганди. Ўрганиш, билиш, материал тўплаш, уни саралаш ёзувчи ижодининг пинҳоний, кўзга кўринмас томони. Адабиётшунослик ва танқидчилик яратилган, китобхон қўлига теккан асар ҳақида фикр юритади. С.Сиёев ўрганганларини, билганларини, бош қаҳрамон борлигини маҳорат билан китобга кирита олди. Бадиий асар, хусусан, роман қиммати фикрларнинг теран ва тифизлиги билан белгиланади. “Яссавийнинг сўнгги сафари” да унча муҳим бўлмаган бир маълумот бор: унга кўпчилик эътибор бермаса ҳам керак. Лекин адабиёт мухлислари учун у муҳим. Салмони Форсийдан қолган китобда бир ҳадис келтирилади. Эмишки, Муҳаммад алайҳиссалом Хуросондаги Қосимий, Самария (Самарқанд), Фоҳира (Бухоро) ҳақида эшитган, “илоҳо Бухор аҳлининг дилларини тақво билра пок айлагил, аларни мағфиратингга ол, то қиёмат барокатингдан айирма”, – деб дуо қилган эканлар. Романда битта жумла борки, у воқеалар қачон рўй бераётганлигини, Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва бошқа кўплаб персонажлар ёшини аниқлаш имконини беради: “Ахир, дўсти (Абдуҳолиқ-А.Р) тўртинчи мучални оёқлаиб, бешинчи мучал билра юз кўришмак бўсағасинда турибди”. Хожа Абдуҳолиқ (1118), Аҳмад Яссавий (1094) қачон туғилганлигини билган китобхон ҳисоб-китоб қилиб Ҳаким ота, пирнинг завжаси сингарилар ёшини аниқлаб олади. Романда Юсуф Ҳамадоний 1009 ой юзин кўргач, ўлимга тайёргарлик кўрган, шоғирдларига васият қилгани, лекин, худо умр бериб, яна саккиз йил яшагани айтилади. Бундай маълумотлар китобхонни матн мағзини қақишга, ҳар бир гап, сўзда маъно борлигини ҳис қилишга ўргатади. Романда: “ваҳий пайғамбарларга, илҳом авлиёларга, фаросат сўфий-дарवेशларга берилиши”, чилтонларга кимлар кириши ҳақида йўлайлакай айтиб ўтилади. Хукмдор Султон Санжар “аслан аҳли шамшир бўлса-да, қалбим аҳли диллардан эди”, “Вотвотнинг бўйи икки газча келар, иягида сийрак соқол, бошида кўк салла, кулчадек сарғиш юзи сепкилли эди” сингари лўнда, аниқ тасвир, портретлар диққатни жалб этади. “Яссавийнинг сўнгги сафари” романида тасаввуфий тушунча, атамалар: қол ва ҳол, нафс, қутул ақтаб, фановиллоҳ, савғаннома, мутаррад, такфин, робитани қаобия, нури басир сингари атамалар маъно-мазмунини матн руҳига сингдирилиб изоҳланади, яъни китобхон воқеалар давомида юқоридаги сўзларнинг амалда кўринишининг тўғри бўлади.

Мана, лойсунага тўшалган гиламда икки дўст-Яссавий ва Ғиждувоний ўтирипти. “Яссавий сулукидаги зокирлар гоҳ чап, гоҳ ўнг тарафга аста-аста чайқалиб зикр туша бошладилар. Уларни ажабтовур қизиқиш билан қузатиб турган хожагон тариқати вакиллари зикри хуфячилар ҳам турган ерларида беихтиёр самоъ оҳангига тебрана кетдилар”. Зикри аллоний, зикри жаҳрия, зикри хуфя тарафдорлари бир жойда жам бўдилар. Шу ўринда Яссавий хаёлидан бундай фикр ўтди: “...зикри жаҳрия илм зикри хуфя орасида ихтилоф кўрса, танаси яйрайдиган маломатчиларга хаёлан мурожаат қилди:

“Ҳақ таоло дийдорига етмоқ йўли бисёр эмиш. Биров шокир бўлиб етгай, биров содиқ бўлиб, тагин биров ошиқ бўлиб. Аларни барчаси зокирлардир. Бас, бул мўминлар орасина нифоқ солмоқдин муддао недур”. Дин илмида сулук, тариқатлар, улар орасидаги ихтилофлар ҳақида жилд-жилд асарлар ёзилган. Лекин ёзувчи қисқа бир тасвирда ихтилофлар тарихию моҳиятини баён этади. Бу тўғри йўл. Роман шоҳу гадо, ўта билимдону оддий китобхон учун ёзилади. Барчага баробар бадиий асарда шундай оддий, ишонарли тасвир ўзини оқлайди.

Саъдулла Сиёев романида Аҳмад Яссавий қарашлари қаҳрамонлар фаолияти орқали, қиёслар воситасида кўрсатиб борилади. Аҳмад Яссавий шахс, сиймо сифатида бетакрор, буюк бўлган. Романда бош қаҳрамон характери ижодкорлар, муридлар, оила аъзолари, маслакдошлар, подшою амалдорларга муносабатда ёритилиб борилади. Шайхул-машоих шоғирдларидан Ҳаким ота лақабли Сулаймонни, Мансурхўжани, Бобо Мочинни, Сўфи Донишмандни ёқтирар, кўпроқ уларга суянар эди. Шоғирдлар фаолиятида Аҳмад Яссавий қарашлари ойдинлашаверади. “Яссавийнинг сўнгги сафари” романидаги таянч, асосий характерлардан бири бўз йигит, шаҳзода, содиқ мурид Қутбиддиндир. 17-18 ёшлардаги бу йигит устози илмини, тариқатини чуқур ўзлаштирди, қалбига жо айлади. Шу йигит устозининг қошиқ йўниш хунарини ҳам эгаллади. У пирга яқинлишиш йўлида не-не азобларни бршидан кечирди-ўзини ўзи енга билди. Ўзини ўзи енга билишининг энг юқори чўққиси шуки, шаҳзода Қутбиддин никоҳ тўшагидаги нозик ниҳол ёрини ташлаб дарवेशлик йўлини давом эттирди. Қутбиддин инсофли, иймонли подшоҳ Султон Маҳмудхоннинг яккаю ёлғиз ўғли, валиаҳди. Қутбиддин дарवेशлик билан валиаҳдлик ўртасида турибди. Бошқача айтганда, бир томонда пир-устози, иккинчи томонда отаси, мамлакат шоҳи. Мана шу ўринда: “Устоз отангдай улуг”, деган нақлнинг тўғрилиги исботланади. Қутбиддин шоҳона ҳаёт, гўзал қиз-жувонлар, юксак амал-тахт эгаси бўлишни эмас, дарवेशликни аъло билади. Қутбиддин муҳим танлов олдида турар экан, китобхон кўнглидан: “Шундай иймонли, инсофли, ақлли, ғайратли йигит тахтни эгалласа, халққа яхши бўларди”, деган фикр ўтади.

Қутбиддин жон-жаҳди билан қошиқ йўнаётганда-тирикчилик йўлида ўлиб-тирилаётганда китобхон яна ўйлайди: “Сен подшоҳ бўлсанг, нафақат ўзинг, халқ ҳам яхши яшаши мумкин эди-ку”. Лекин китобхон ўйлари характер мантиқига мос келмайди. Қутбиддин олий завқ, ҳузур нимада эканлигини яхши билади: у шундай завқ-шавқ билан зикр тушадики, ҳамма нарсани, жамики кишиларни унутади: руҳининг юксакликка кўтарилиб бораётганлигини ҳис қилади, инсон учун бундан ўзга роҳат, бахт йўқлигини савқи табиий ҳис қилади. Романда зикр тушаётган Қутбиддин икки-уч бор кўрсатилади. Ёзувчи қаҳрамон руҳи, ҳолати, хатти-ҳаракатлари аро мутаносибликни маҳорат билан тасвирлайди. Шундай бахтни туйган инсоннинг юмуш, ҳатто тож-тахт билан ўралашиб қола олмаслиги маълум бўлади.





Шу ўринда яна бир масала кишини ўйлантиради. Ёзувчи роман тафаккури даражасига кўтарилган, бош қаҳрамон фалсафасини мукамал билади. Лекин ХХ аср пировардида яшаётган, ҳозирги дунёвий ишларни кузатаётган ёзувчининг фалсафаси қандай? “Яссавийнинг сўнгги сафари”да Туркистонни, Исфижобни, Ийқонни тасвирлар экан, ёзувчининг ўзи туғилиб ўсган маконга бўлган муҳаббати аниқ сезилади. Ёзувчи Аҳмад Яссавий тариқати тарихи, тасвирига берилибгина қолмай каффор Қорлуқ қиёфасини лўнда, ишонарли тасвирлайди. Бошқача айтганда, ёзувчи ҳаётни кенг кўради, мураккабликлари билан тасвирлайди. Романда Аҳмад Яссавийга қарши турган кучлар, уларнинг ўй-фикрлари ҳолис тасвирланади. Шаҳобиддин хожа, Ашрафхон қози, Маҳмуд қори, Аъмоқ Марвазий сингари динни тирикчилик манбаига, амал пиллапоясига айлангирган, фисқ-фужур уяси бўлган нокаслар қилмишини ишонарли тасвирлайди.

Қизиги шундаки, Аҳмад Яссавий: “Ёмонларнинг жазосини худо берсин”, -деб қўл силтаб кетмаган, рақиблари билан жангга киришган. Шайх фитначиларни, чала муллаларни жамоа орасида обрўсизлангирган, обрўсини бир пул қилган. Асарда Шаҳобиддин хожа, Аъмоқ Марвазий билан бўлиб ўтган тўқнашув таъсири тасвирланган. Аҳмад Яссавий ҳар икки тўқнашувда ирода, иймон, чуқур билими туфайли рақибларини енгади. Саъдулла Сиёев романдаги “Мансур Халложнинг хоки” бобини юксак маҳорат билан тасвирлаган: ҳам бош қаҳрамон характери, ҳам Абдукарим сўфи қиёфаси, ҳам Мансур Халложнинг эътиқоди, теран фалсафаси, моҳияти тиниқ ёритилган. Шайх турли вазиятларда рақиблари устидан ғалаба қозонади: унинг асосли мантиқи, теран билими, сўзамоллиги жамоани лол этар эди. Романда Аҳмад Яссавий қиёфасини аниқ кўрсатадиган, характерини ич-ичидан ёритадиган воқеа тасвирига жиддий эътибор берилди. Ҳажга бораётган Шайх ва унинг халифалари Марвад ярим ой туриб, йўл тадоригини кўраётганларида, шаҳарда вабо тарқалади. Бундай қалтис пайтда Шайх Худодан мадад кутиш, дуою зикрга зўр беришга интилади. Аксинча, у Султон Санжар билан биргаликда вабонинг олдини олиш чора-тадбирларини кўрди: одамларнинг жамоа бўлиб намоз ўқишларини таъқиқлади, бозорларни вақтинчалик ёпиш зарурлигини айтди. Ажаб, Шайхул-машойх мана шу дамларда дунёвий юмушларни биринчи ўринга қўйди: шароит, вазиятга кўра иш кўрди. “Яссавийнинг сўнгги сафари” романининг энг юксак нуқталаридан бири шундаки, умр бўйи тоат-ибодат билан шуғулланган, ўз тариқати қоидаларини маҳкам ушлаган, диний илмда юксак даражага кўтарилган Аҳмад Яссавийга дунёвий иши-кишиларни вабо офатидан сақлаб қолишда кўрсатган фидоийлиги учун юксак мукофот берилди: “Икки кундан кейин Шайхул-машойих субҳи содиқда сертак тортиб уйғонди. Тепасида Хизр бобоси турарди.

-Аё Аҳмад! Биродарим Жаброил мужда келтирди. Мискинларни балодин кутқариб ҳаж савобини олдинг. Байъатинг қабул бўлди. Энди Туркистонга қайт. Туркистонда сени Оллоҳнинг савоби кутади...”

Романининг мана шундай хотимасида ёзувчи фалсафаси ёхуд роман тафаккури ярқ этиб намоён бўлади. Асар бош қаҳрамони дини исломнинг ёрқин сиймоларидан бири, бетакрор тариқат асосчиси. Унинг издошлари, муридлари сон-саноксиз. Кўриб ўтилганидек, Шайх муридлари орасида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганлар, бечораҳол Абдурауфдан тортиб шаҳзода Кутбиддингача бор. Муридлар эътиқоди масаласи тахтдан воз кечган, ғунчадай ёрини никоҳ тўшагида қолдириб кетган Кутбиддин мисолида аниқ кўринади. Аҳмад Яссавийнинг иймон-эътиқоди яшаш тарзида, йўлдан озган, куфр йўлига кирганлар билан бўлиб ўтган баҳс-мунозараларда, инсон эркини улуглашида намоён бўлади. Ёзувчи фалсафаси бош қаҳрамон Аҳмад Яссавий тариқати, унинг ҳаётда, кишилар қилмиши, феъл-атворида кўриниши тасвирлари заминида ўсиб-ривожланиб бораверади. Ёзувчи зинҳор ўз қарашларини Улут пир қарашларига зид қўймайди. Лекин синчков китобхон ёзувчи қарашни остки оқим сифатида ҳамшиша

ҳаракатда бўлганини сезиши мумкин. Шайх умр йўлдоши, “завжалик хизматини беминнат адо этган” аёли билан ҳаж сафари олдиан суҳбатлашар экан, ўғли Иброҳимни ҳам муқаддас сафарга олиб кетмоқчи эканлигини айтади. Хотинининг мантқиқли мулоҳазалари Шайхни фикридан қайтаради: у ўғлини қолдириб кетишга рози бўлади. Худди шундай ҳолат Абдурауф деган деҳқон йигит ҳаётида рўй беради. Ўша тақводор йигит кекса онаси, ёш боласи, хотинини қолдириб ҳаж сафарига отланади. Шайх тақводор йигитни шаҳидан қайтаради. Аҳмад Яссавий руҳ-руҳи билан дини ислом кишиси, ўта машҳур сиймо, минглаб муридлар муридиди. Айни вақда, у исломни қабул қилмаган, зардуштийлик динига тақво қиладиган каффор Қорлуқ, Кашмирий девоналар руҳий оламини тушунишга ҳаракат қилади. Биз кўпинча Аҳмад Яссавий шериъатини унинг диний-тасаввуфий қарашларининг бус-бутун инъикоси деб биламиз. Ваҳоланки сўз санъаткори бўлган Аҳмад Яссавий реал ҳаётни, атрофдаги шарт-шароитни, инсонлар аро муносабатларни нозик кузатган. Саъдулла Сиёевнинг асар ёзишдаги тушунчаси, қарашлари кўпроқ ижодкор Қул Аҳмад эстетик принципларига мос келади. Афсуски, романда шоир Аҳмад Яссавий қарашлари алоҳида бўртиб, кўзга аниқ ташланиб турмайди.

“Яссавийнинг сўнгги сафари” романида қизик бир ҳолат бор. Асарнинг ҳозирги, Ўрта Осиёдаги, боринги, сал кенг-роқ миқёсдаги китобхонлари Аҳмад Яссавий тариқатини, диндаги йўлини яхши билдилар. Дин тарихи, Ўрта Осиёдан етишиб чиққан валийлар, сўфийлар, дарвешлар ҳаёти, фаолияти билан таниш бўлган зиёли китобхонлар С.Сиёев романидаги сулуқ, тариқат, дин арбоблари ҳақидаги фикрларини бус-бутун тушунадилар, тасаввур этадилар. Дейлик, роман юз йилдан кейин Африка қитъасидаги бирон мамлакат ўқувчиси кўлига тушди, ўқилди. У Шайхул-машойихни етиштирган муҳит, кишилар, зикри аллонийца, зикри жажрия, зикри хуфя хусусида, бир-бирдан ўта нозик нуқталарда фарқланадиган сулуқлар ҳақида қониқтирарли маълумот ола билармикан?

Романда Юсуф Ҳамдоний, унинг Абдулла Барқий, Ҳасан Ардоқий, Абдуҳолик Гиждувоний, Аҳмад Яссавийдай машҳур шогирдлари, Ғотифар мадрасаси ҳақида қониқарли маълумотлар берилган. Асли румлик, мадрасалош ҳаммаслаги Аҳмад Яссавийдан йигирма ёшлар чамаси кичик бўлган Абдуҳолик Гиждувоний дини ислом тарихида ўз сулуқини тасдиқлаган сиймолардан бири. Мана шу сулуқ катта бир тариқат мактабининг пайдо бўлишига замин бўлган. Демокчимизки, романда Гиждувоний ва Яссавий қарашлари илдизлари янада чуқурроқ очилса ёмон бўлмасди.

Романда ёзувчи фалсафий қарашлари Яссавий ва султонлар (амирлар, подшолар) аро муносабатда янада тиниқлашади. Шайх одил подшоларни яна ҳам етук бўлишларини, ўзларидаги кибр-ҳавони енгиб боришлари зарурлигини англайди. Пири мурид Яссавий билан Султон Маҳмуд орасидаги муносабатлар анча мураккаб. Одил, ўзини қўлга ололган, нафсини тийган Маҳмуд Султон яққола ягона ўғли Кутбиддинни Шайх таъсиридан кутқариб қоламади. Аҳмад Яссавий истеъдодли издоши, қалби нури Кутбиддинни яхши кўради, уни ўз ёнида бўлишини истайди. Кутбиддинга муносабатда Шайхдаги мураккаб ҳолатлар сал-сал юз кўрсатади: устоз Кутбиддиннинг отаси билан бўлишини ҳам, шаҳзодалик йўлидан кетишини ҳам истайди. Айни вақтда, Шайхдаги иззат-нафс истеъдодли шогирдан ажралмасликка ундайди. Кутбиддин ҳам Шайх, ҳам Султон Маҳмуд руҳиятини очишда муҳим восита вазифасини ўтаган.

Бадиий асар ўз табиатига, тақдирига, ҳаёт йўлига эга мўъжиза. Унинг узоқ умр кўриши таркиби, тартиби, ички зиддиятлари кураши сингари масалаларга боғлиқ. Табиийки, кимдир романда жиддий етишмовчиликларни қўрар, кимдир “қўйчивон подаси” сингари иборадан ҳайрон қолар, кимдир баъзи фикрий, воқеий тақрорлардан ажабланар. Лекин, ишонамизки, “Яссавийнинг сўнгги сафари” умри узоқ асар сифатида бир қанча авлодларга маънавий-бадиий қадрият бўлиб хизмат қилади.



### ЎЗИМИЗНИНГ БЕНАЗИР

Дунёда вақт аталмиш инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат бор. Фақат унигина инсон ўз измига буйсундиrolмаган, буйсундира олмайди ҳам.

Мана, Беназир кизимизни Олий Адабиёт кур-

сига оқ йўл тилаб юборганимизга ҳам, ҳаш-паш дегунча икки йил тўлибди. Бундан икки йил муқаддам ҳаваскор шоирага рағбат бўлишлиги учун қогоз қоралаб, унинг ижоди хусусида баландпарвоз фикрлар билдиргандим. Бугун эса Беназирнинг ўша баландпарвоз фикрлардан анча баландлигини нафақат мен, балки бутун Ўзбекистон тан олди. Шоира вақтнинг чигиригидан, машаққатли ижоднинг дастлабки доволонидан ўтиб, битта ёш истеъдод эришиши мумкин бўлган ҳамма рутбаъларга анча барвақт эришди. Элимизнинг ардоқли шоираси Зулфияхоним номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бу шарафли номга Беназирнинг муносиб топиллишида Олий Адабиёт курсининг хизмати беқиёс. Сабаби, шоиранинг икки йил аввалги МАШҚлари билан бугунги ШЕЪРлари орасида ер ва осмонча тафовут мавжуд. Аслида ҳам шундай бўлиши керак эди.

Хуллас, айна дақиқаларда унинг ёзганларини завқ ва ҳайрат ила кузатарканман, Беназир ижодига адабиётшунос олимларнинг, сўз дарғаларининг холис қарашлари ижобий таъсирини ўтказганига ҳеч шубҳа қилмаяпман:

**Дунёлари алдамчи санам экан онажон.  
Кўзи шаҳло, қошлари қалам экан онажон.  
Ишвасига учмасанг, белларидан кучмасанг,  
Йўриғига юрмасанг, алам экан онажон.**

дейди у, дунё ҳақидаги хулосалари билан ўртоқлашаркан. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики шоира ҳарфларни сўзлатади, адабиётшунослар тили билан айтганда, битикларида образли фикрлаш саънатидан мохирона фойдаланади. Дунёни нима учун бевафо санам эканини исботлаб беради.

Буюк рус адиби М. Пришвин "Шеър шакл исканжасида ўлаётган эҳтиросдир" деганди. Беназирнинг эҳтирослари шакл исканжасида ўлмайдиган, туғма шаклланган эҳтирослар, улар эҳтирослигича қолади. Шундан бўлса керак, шоиранинг ёзганлари ҳар қандай, ҳатто сўзга бефарқ одамни ҳам сеҳрлаб кўяди. Бунга шубҳа қилсангиз, ўзингиз ўқиб кўринг, унинг шеърларидан сизга ҳам илинаман.

Беназирга эса чексиз эҳтирос, чексиз сўз, туганмас илҳом тилайман.

**Ҳабиб Саъдулла,  
Ўзбекистон халқ шоири**

### БАШАН

Шеър битмадим боғларинг мақтаб,  
Кашф этмадим сени қайтадан.  
Севдим, севдим номингла атаб,  
Сен севгимга лойиқсан, Ватан.

Муҳаббатим сойларингтамас,  
Куёшингу оларингтамас,  
Тўраларинг бойларингтамас,  
Дил кўшқида ойимсан, Ватан,  
Бойлар ичра бойимсан, Ватан.

Ситамлардан омоним ўзинг,  
Орим ўзинг, имоним ўзинг,  
Бисотимда бўлак нима бор,  
Менинг тўртта томоним ўзинг,  
Осмонимсан, пойимсан, Ватан.

Жўнар бўлсам бироқ йироққа,  
Кўнар бўлса соғинч қароққа,  
Дўнар бўлса таним тупроққа,  
Қолганимда беруҳ ва бетан,  
Менинг борар жойимсан, Ватан.

Ёшлик - умр фасли ўткинчи,  
Дўсту ёринг васли ўткинчи,  
Ҳамма нарса эмас абадий,  
Ҳамма нарса асли ўткинчи,  
Юрагимда доимсан, Ватан.

\* \* \*

Қайтма...  
Қайтишингдан былмаса маъни,  
Қайтма, қайтар бўлсанг азоблатгани,  
Ўзимни ўзимга айлама ғаним,  
Суймасим, суйганим...

Қайтма...  
Қайтганларинг чинлар ўлмаса,  
Айтма, айтганларинг чинлар ўлмаса,  
Наҳот муҳаббатсиз кунлар ўлмаса,  
Суймасам, суйгуним...

Қайтма...  
Қайтар эсанг гашларингни кўй,  
Аламларни унут, ашқларингни кўй,  
Бу ёлғиз очунда бормисан маним,  
Гоҳ ҳч киммисан рашқларингни кўй,  
Суймасим, суйганим...

Қайтсангу қайтмасанг асиранг ўзим,  
Қадрингга етмаган басиранг ўзим,  
Кўнгил олмай туриб кўнгил кўйганим,  
Беназир эсамда назиранг ўзим,  
Суймасим, суйганим...



\* \* \*

Дунёлари алдамчи санам экан онажон,  
Кўзи шахло қошлари қалам экан онажон,  
Ишвасига учмасанг, белларидан қучмасанг,  
Йўриғига юрмасанг алам экан, онажон.

Ул санамнинг либоси ёлғон отлиғ матодан,  
Юзларида асар йўқ оқибатдан, ҳаёдан,  
Ўлмай кетиб бўлмайди бу ёлғончи дунёдан,  
Бирга даврон сурмасанг алам экан, онажон.

Жоду кўзи ақчаю тиллоларга сузилган,  
Бойлик, мансаб, ишрату яллоларга сузилган,  
Бўйнидаги шодалар иғволардан тузилган,  
Базми жамшид қурмасанг алам экан, онажон.

Шухрат учун, мол учун Ватанини пулларкан,  
Лаҳзалик иқбол учун баданини пулларкан,

Заволингни тиларкан, хазон бўлсанг гулларкан,  
Кучоғига кирмасанг алам экан, онажон.

Баҳосини билса ҳам қиймат талаб этаркан,  
Зийнатларга кўмилиб, зийнат талаб этаркан,  
Ҳурматингни тепкилаб, иззат талаб этаркан,  
“Сиз-зўрсиз” деб турмасанг алам экан, онажон.

Кўлидаги алвон май мазлумларнинг қонидан,  
Дилдан жўшиб сўзлагай млакларнинг номидан.  
Ҳеч бир кимса ўтмагай санамжоннинг жонидан,  
Жонига жон эрмасанг алам экан, онажон.

Дунёлари алдамчи санам экан онажон,  
Кўзи шахло қошлари қалам экан онажон,  
Ишвасига учмасанг, белларидан қучмасанг,  
Йўриғига юрмасанг алам экан, онажон.

**БЕНАЗИР (Гулчехра Зокирова) 1981 йилда Наманган шаҳрида туғилган. 2000 йилда Наманган Педагогика коллежини тамомлаган. Унинг “Сен барибир гўзалсан ҳаёт”, “Садосиз товушлар”, “Юрагимда доимсан Ватан” шеърӣ тўпламлари чоп этилган. Олий адабиёт курсининг илк қалдирғочларидан. 2003 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган.**

## МОДЕРН - ШЕЪРИЯТДА ЯНГИЧА ТАЛҚИН

Миллий адабиётга “абсурд” тушунчасининг ўринлашуви масаласи вақтли матбуотдаги долзарб мавзулардан бирига айланди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бу борада мунозара майдонида айланди. Адабиётшунос олимлар Б.Саримсоқовнинг “Абсурд маънисизликдир”, Ж.Эшонқулнинг “Воқелик ва ҳаёлот уйғунлиги”, Н.Худойбергановнинг “Мунозара - тўғри хулоса мезони”, А.Қосимов ва И.Ҳожиалиевнинг “Айрим хулосалар мунозарали”, Ҳ.Абдусамиевнинг “Бир янгилик истайди кўнгил” каби мақоллари экзистенциализм ва абсурд адабиётнинг маъно ва моҳиятини англашда муҳим янгиликлар бўлди. Бундан ташқари, устоз мунакқид У.Норматовнинг ёш олим У.Ҳамдамов билан қилган “Дунёни янгича кўриш эҳтиёжи” деб номланган суҳбати, айниқса эътиборга моликдир, бу суҳбатда экзистенциал адабиётнинг фарбда шаклланишида ва бугунги кунда ўзбек адабиётидаги айрим кўринишлари ҳақида сўз боради. Бугунги модерн шеърӣят ўз-ўзидан пайдо бўлган ҳодиса эмас, балки унинг илдизларини Чўлпон, Ойбек, А.Мухтор каби шеърӣят даргалари ижодидан излаш зарурлиги таъкидлаб ўтилади.

Модерн шеърӣят таъсири Р.Парфи, Б.Рўзимухаммад, А.Кутбиддин ва Фахриёр каби шоирлар ижодидан кўпроқ кўринади. Таниқли олим И.Ғофуров ёзганидек, “улар шаклда кўпроқ Нозимга ва Нерудга эргашдилар. Нерудадан фикрнинг қуюқлигини, фикрларнинг оқим каби ҳаракат қилишини ўзлаштирадилар. Нозимдан эса шаклларнинг график тасвирини, сўзни баланд даражали эҳтирос нуқтасига олиб чиқишни ўрганадилар”.

Модерн шеърӣят ҳақида гапирганда шоир Баҳром Рўзимухаммаднинг “Кундуз сарҳаллари” тўпламига алоҳида тўхташ ўринлидир. Адабиётшунос У.Ҳамдамов тўғри таъкидлаганидек, Б.Рўзимухаммад ижоди ўзига хос “дунё”. Бу ижодни алоҳида талқин этиш лозим. Шоир А.Саид, А.Кутбиддин ижодини ўзига бир неча гуруҳга ажратди. Шулар орасидан фалсафий - руҳий шеърлар гуруҳигина биз учун кўпроқ абсурд говлар ташиётгандек бўлади. Бунга мисол тариқасида 80-90 йилларда ҳодиса деб талқин қилинган “Изоҳсиз луғат” асарини олайлик. Достон 15 фасл ва хотимадан иборат. Биринчи қисм шаклан бобо ва йигит суҳбатига бағишланган. Назаримда, бобо бу миллий тўнга ўралган англаманган фалсафа, йигит эса шоир қиёфасида ҳайратдан иборат англаманган фалсафа. Зеро, шеър англаниш ва англашилмаслик орасида кечадиган ноёб ҳодиса эмасми?! Иккинчи қисм Ахура мазданинг замонавий қиёфасига бағишланган. Эзгулик элчи бўлмаган жойда шоир қалби учун ўрин йўқ. Шеърнинг учинчи қисми Ф.Кафканинг Григор Замза образини ёдга солади. Бунда инсон руҳининг ҳақиқатга эврилишини кузатиш мум-

кин. Кафканинг “Эврилиш” асарига Замзанинг ҳашоратга айланишида қайғуртирадиган нарса - бошлиғи унинг йўқлигидан жаҳди чиқиши бўлади холос. Унинг туйғуси бор - йўғи “енгилигна алам” билан таърифланади. Йигит кемирувчига айланишида Кафкага моҳанд фалсафани илгари суради. Тўртинчи қисм инсоннинг манкуртга айланиш жараёнига бағишланади. Бешинчи қисм инсонийлик ва разолат курашига бағишланади. Инсонийлик оқ маймун қиёфасида берилса, Одам тимсолида разолат қораланади. Бу муқолсалар асосида плифоник маъно муштараклиги ётадики, зеро, абсурд адабиётнинг ўзи полифонияни, Камю ибораси билан айтганда камида икки оламни тақазо этади. Еттинчи қисм рамзлар тили жиҳатидан энг юқорига кўтарилган кульминациядир. “Кўзингдан, бурнингдан битган чиқмоқдалар амалтақал қилиб, оғзингдан семириб кетган қурбақа зўрға тушаётгир, кекирдагингни ёриб юборар.

Зулук кулоқларингдан ҳашаротлар қочар турли-туман.

Сени ташлаб қочаяпти сафрода, балғамда, ўтда ва қонда тарқагайлар!

Бу мисраларда миллатга нисбатан катта айблов мавжуд. Миллатнинг муштараклиги эмас, руҳий тарқоқлиги ва арслонлар даражасида буюклашуви эмас, ҳашоротлар каби майдалашуви, қисқаси улкан бир фожеалик тасвирланади.

Сўз - энг тоза руҳ, кўнгил - энг мусоффо бошпана. Саккизинчи қисмда шоир ана шу тушунчаларни илоҳ даражасига кўтаради. Чунки у моддий оламда бошқа бирор пок маскан топа олмаган.

Фарб фалсафасида некрофил деган тушунча мавжуд. Биз бу тушунчани бир оз ўзгартириброк талқин этамиз. Ўн биринчи қисмда гўрўғиллар ва мозорқизлар ҳақидаги “Ўлимнинг меҳрига сазовор бўлганлар” водийси, бу водий тамғаси абсурд ҳолатдаги ўзига хос бир талқиндир.

“Изоҳсиз луғат” достонида ҳам шоирнинг шахс сифатидаги эркинлиги тушунчаси мавжуд. Шоир инсонийликнинг, миллатнинг ва инсоннинг эврилишини кўриб, дунёдан бевади. Мана шу тушунлик кайфиятнинг мавжудлиги ҳам абсурд адабиётига хос хусусиятлардандир.

Модерн шеърӣят бизда энди ривожланиш босқичига кирди. У қайси адабиёт шаклига эргашмасин, у соф маънодаги абсурд адабиёти эмас. Балки, абсурд адабиётига хос кўп қатламлик, тушунлик, руҳсизлик кўринишлари мавжуд. Бу жараён ҳали изланиш босқичида, унинг хулосасини эса ёлғиз бир ҳакам - “вақт” кўрсатади.

**Наргис МАМАТҚУЛОВА**  
ЎЗМУ докторанти.


**Умиджон Аҳмедов.**

1978 йилнинг 1 августида Фарғона вилоятида туғилган. Армрестлинг бўйича уч карра жаҳон чемпиони, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” фахрий унвони билан тақдирланган.

# УМИД ПОЛВОН

Ҳаёт-мураккаб, шафқатсиз. У ҳамиша ҳам бошимизни силайвермайди. Унинг дафъатан йўллаган кўргуликлари бизни туйқус эсанкирати

ради қўйиши, руҳимизни тушириши мумкин. Ана шундай машаққатларга, тақдир зарбаларига бардош бериб, курашиб, мардонавор енгиб ўтган кишиларни биз иродали, чин инсонлар, деб атаёмиз. Беихтиёр уларга ҳурмат ва эҳтиромимиз ошади. Улар ҳақида узоқ-узоқ гапиргинг, мўл-кўл тинглагинг келади.

Умиджон Аҳмедов ҳам гўдакилгидаёқ қисматнинг қаттол чангалига тушди. Унинг оёқлари хасталанган эди. Ҳар қанча даволанмасин, барибир буткул соғайиб кетмади. Бироқ у тушқунликка, эзгинликка берилмади. Чин инсонларга хос муносиб яшаб ўтишга, курашга чоғланди.

Умиджон ўрта мактабни битиргач, компьютер курсига кириб ўқиди, сўнг Сирдарё давлат университетига компьютер оператори бўлиб ишлаб бошлади. Айти пайтда спортнинг армрестлинг тури билан шуғулланди. Унга бу соҳа сирларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Курбон Канишев кунт билан ўргатди. Тинимсиз машғулотлар, изланишлар, ниҳоят, ўз самарасини бера бошлади.

Умиджон Аҳмедов мамлакат миқёсидаги мусобақаларда ўзини кўрсатгач 1997 йили Ҳиндистонда ўтказилган жаҳон чемпионатида бронза медалини қўлга киритди. Бу зафар унга тагин куч ва руҳ ато этди. Умиджон Аҳмедов 1998 йили Қоҳирада ўтказилган галдаги жаҳон чемпионатида ғолиб чиқиб тилларда дoston бўлди.

1999 йили Россиянинг Владикавказ шаҳрига бутун ишқибозларнинг диққати қаратилган. Бу ерда армрестлинг спорти бўйича XX жаҳон чемпионати ўтказилди. Метин ирода, улғувор руҳ, улкан сабот эгаси, ўзбек ўғлини Умиджон Аҳмедов бу беллашувда ҳам ўзини кўрсатди. У бир-биридан мушкул саккиз учрашувда мутлоқ ғолиб келиб, иккинчи бор жаҳон чемпионлигини ўзида сақлаб қолди. 2000 йили АҚШда ўтказилган навбатдаги чемпионатда ҳам Умиджон Аҳмедовга тенг келадиган рақиб топилмади. У учинчи бор армрестлинг бўйича жаҳондаги энг кучли спортчи эканини исботлади.

Умиджон табиатан камгап, камсуқум йигит. Айниқса, у ўз ютуқлари, галабалари ҳақида жуда кам гапирди. Мухбирлардан бири Умиджон Аҳмедов учинчи гал жаҳон чемпионатидан қайтганда у билан суҳбатлашиш анчайин қийин бўлганини, юз-кўзидан ирода, куч ёғилиб турган бу спортчи, саволларга қисқа, камтарона жавоб берганини маъбуотда бир неча бор таъкидлаганди.

Умиджон ўша суҳбатида ўз муваффақиятларининг сирини шундай ифодалаган экан:

“Биз улғувор, қудратли юрт фарзандларимиз. Ҳар қандай қийинчиликларга, тақдир зарбаларига қарамай биз унга муносиб бўлишимиз керак. Ҳар қандай шарт-шароитда у каби ғолиб яшашга ҳақли бўлишимиз керак...”

Умиджон - келажакка умиди юксак, толмас курашчи, букилмас иродали Ўзбекистон ёшларининг ёрқин тимсолидир. Ватан ўз шуҳратини ҳар қандай шароитларда юксалтириб, шарафига шараф қўшаётган Умиджондек фарзандлари билан фахрланади.



Гулрух Дониёрова. 1983 йилда Сирдарё вилоятининг Оқ олтин туманида туғилган. Ёшлигидан адабиётга, санъатга қизиқади. Ўн икки ёшидан халқимизнинг миллий ҳунарларидан бири бўлган зардўзлик билан ҳам шуғулланади. Шеър ижод қилади. 2002 йилда “Жаннат юртим” номли шеърый мажмуаси чоп этилган.

2003 йил Сирдарё вилояти Оқ олтин туманидан Зулфия номидаги Давлат мукофотида адабиёт, санъат ва маданият йўналишидан номзоди кўрсатилди ҳамда танлов асосида сазовор бўлди.

Ўзбекистон Миллий Университети журналистика факультети талабаси.

### ҚЎНЛИМ ОЙТА БОГЛАНАР

Ойдин тунлар кўксида,  
Ой - қизгина тўлғонар.  
Тўлишади кун аро,  
Кўнглим ойга боғланар.

Етай десам васлига,  
Қўриқлайди юлдузлар.  
Ўтар умрим фаслидан,  
Бедор кеча-кундузлар.

Жамолни кўрай десам,  
Юлдузлар тиг санчадир.  
Қизғониб рашки билан,  
Тунлар олиб қочадир.

Сени кўрсам юксақда,  
Фурур тўлар ўйимга.  
Гарчи жуда йироқсан,  
Пешвоз тургин йўлимга.

### ЗАЙНАБ СЎЗИ

Бегим, сизни суяман,  
Кундошимга куяман.  
Кўлингизга мен ўзим,  
Ўзим сувлар куяман.

Марғилонни нетайлик,  
Шош баҳридан ўтайлик.  
Кумушлари йўқ жойга,  
Бегим, юринг, кетайлик...

Сиз Кумушга етдингиз,  
Мени ёт деб ўтдингиз.  
Дарё бўйи от миниб,  
Кумуш билан кетдингиз.

Кечдим шому-саҳардан,  
Гўзал кенту шаҳардан.  
Бегим, беринг менга ҳам,  
Кумуш ичган заҳардан!

### ИЛОҲ БИЛАН СЎЗЛАШТАН МОМО

Энам айтиб берган бу воқеа бўлиб ўтган. Қишлоққа сел келиб, ёлғиз кампирнинг уйини бузиб кетади. Қишлоқдошларининг марҳамати билан момо қишлоқ масжидининг бир

хонасида яшай бошлайди. Момо яшаётган жойда илон уяси бўлган. Ҳар кеча илон уясида чиқиб, момога тикилиб туради. Кампир ҳар куни илонга нон уволларидан бериб, у билан “сен ҳам ёлғиз, мен ҳам ёлғиз, кел дўстлашайлик” деб сўзлашар экан.

Қандай тил, қандай забон билан,  
Қандай дил, қандай нолон билан.  
Яхши гап билан, ёмон билан -  
Момом сўзлашган илон билан.

“Юракларга ким урди бигиз?  
Мен ҳам ёлғизман, сен ҳам ёлғиз.  
Тақдир экан, ҳамдарад иккимиз”  
Момом тиллашган илон билан.

Юрагида дард, бўғзида фиғон,  
Бўй чўзиб индан чиқар илон.  
Нон уволларин бериб шу он -  
Момом сўзлашган илон билан.

Инсон илонни индан чиқарар,  
Инсон инсонни диндан чиқарар.  
Ёмон сўз қилчани қиндан чиқарар,  
Қандай дил, қандайин калом билан-  
Момом сўзлашган илон билан?

### СОЧЛАРИНГНИ ЎЗИМ ЎРАЙ

Болалигимда энам сочларимни ҳавас билан ўриб кўяр, сочларимни ўриб туриб кўшиқ айтар эди. Бу кўшиқ то ҳануз қулогим остида жаранглайди.

Сочларингга қаролмадим.  
Қизим, сочинг узоймади.  
Юволмадим, таролмадим,  
Шунинг учун узоймади.

Эна қизим, жоним қизим,  
Сочларингни ўрай мен-а.  
Попук тақиб толдан ўзим,  
Товланишин кўрай мен-а.

Сочларингни ёйиб-ёйиб,  
Жилосини ўзим кўрай.  
Қирқта ўрим баст-бўйингга,  
Кўз тегмасин, ўзим ўрай.



Абдулла ВАХШИВОРИЙ



# ОТ ИШҚИ

Хикоя

Кулман чавандозни ҳамма танирди. Фаройиб феъл-атворли одам эди-да у! Барваста, кенг ягринли, мовий кўз, устига-устак, кўпқарию пойгаларда Кулманнинг олдига тушадиган зўр топилмасди-ёв...

Кулман бўз йигитлик чоғларида бобомнинг тулпорига қарашиб юрарди. Бобом ҳам унинг отга бўлган беадоқ иштиёқини қадрлар, аҳён-аҳён, кўк қашқани миниб бир оз ҳовуридан тушириб келишига рухсат берарди.

Кунларнинг бирида Кулман кўйнидан эски, гижим дастрўмолга ўроғлиқ бир даста пулни чиқариб бобомнинг кўлига бераркан, "менга ўзингизнинг тулпорингиздек бир от олиб беринг", деди кир энги билан бурун артиб. Агар пулим озлик қилса, тойчоқми, қулунми, ишқилиб, тулпор бўладиган зотидан олиб берсангиз... Кўп йилдан буён йиққаним шу бўлди..."

Бобомда ҳам отга бўлган ҳавас Кулмандек чоғларида уйғонган ҳойнаҳой, бўз боланинг кўзларининг жавдирашларини кўриб унинг ҳам нигоҳлари алла-нечук бўлиб кетди.

"Оббо, сен, кўк кўз-ей, келин танлаётган куёвга ўхшаб намунча инжиқ бўлмасанг! Ёдингда тут, от инжиқликни кўтаролмайди. От минган кишининг юраги қор босган даладан ҳам кенгроқ бўлиши керак!" - деди у кўпқариларда бармоқлари қайта-қайта чиқиб синаверганидан эгри-бугри бўлиб битган кўлларининг кенг қафтини унинг қафтига кўйиб.

Кулман ҳануз мўлтирабгина турарди.

"Меникидай от оламан де... - бобом қувончини яширолмасди. - Бўпти, ана сен айтгандай бўлади".

Орадан бир ҳафта ўтгач отам Кулманга Денов бозоридаги энг зўр отлардан бирини танлаб олиб берди. Кулманнинг куч-қувватга тўлган вақти эмасми, чавандозлик сиру асрорини бемисл шижоат ва ёвқурлик билан қисқа вақт ичида ўзлаштиради.

У ўзининг саман отида кўпқариларга оловдек лопилаб кирар, отининг тагидан ўт сачратиб кишнашини, Кулманнинг ҳайқирғини эшитган бошқа чавандозлар ўзларини четга олишар, отлар галаси ҳар ён сурилиб саманга йўл беришарди. Кулманнинг кўлоёғи узун эмасми, эгардан узалиб ерда ётган сўқимни кўтариб тақимига босар-босмас учқур тулпори марра сари ўқдек учарди.

Хуллас кўпқарию пойгаларда энг сара мукофотлар фақат Кулманга насиб этадиган бўлди. Ишқибозлар эса Кулманнинг кўпқарига ташрифини интизор кутишга одатланишди.

\* \* \*

Йиллар ўтди. Врачлар Кулман бобога от минини тақиқлаб қўйишди. Чавандознинг назарида ҳаёт гўё файзини йўқотгандек бўлди. Чайир билаларида аввалгидек улоқни торта-торт қиладиган куч қолмаганини чуқур хўрсиниб тан олди. Бироқ у ҳануз кечалари мижжа қоқмай тулпорлар ҳақида ўйлар, ҳатто тушига ҳам от кириб чиқарди. Навқиронлигида минган "саман", "қашқа", "чил", "ғир кўк" каби ўнлаб тулпорларини эслар, ҳеч бўлмаса уларнинг биттасини ёлидан қучиб аввалгидек учишни кўмсарди. Аммо бунинг энди иложи йўқ эди.

Кунларнинг бирида Денов отбозорига йилқиларни томоша қилиш учун кирди. Тоғда эркин ўйнаб ўсган уч яшар асов жайронга ишқи кетди. Кирдию эс-ҳушидан айрилди, серқатнов йўл четидан етаклаб бир амаллаб уйига олиб келди.

Уйда тўсатдан от пайдо бўлиб қолганини кўрган кампири Анзират момо ва ўғиллари норизо-норизо тўнғиллашди. Чолнинг раўйига қарашмасдан унга от минини ман қилишмоқчи бўлишди.

Бироқ чол "от сағирини устида ўлсам армоним йўқ", деб бир гапда туриб олди. Баданидан ёшлик таровати уфуриб турган отга кампири қизганиб тикиларкан, ялтираб турган сағрининг узун ва келишган оёқларини, тим қора мунчоқдек кўзларини, шахло кўзларига кўрк бериб елпуғичдек киприкларини кўриб рашки келгандай бўлди. Шунда момо этик қўнжисимон осилиб тушган юзидаги ажинларини тириштириб "Менга деса, ўлмайсизми? Охири мана шу от бошингизга етади", деб минғирлаганча ичкарига кириб кетди.

Кулман бобо кампирининг дийдиёларига ортиқ эътибор бермай, тулпорининг парваришига шўнғиди. Ҳатто уни эркалаб, "Қалдирғоч", деган ном билан атай бошлади. Қария беш вақт намозини фарз билгани каби олти маҳал отни озуклантиришни ҳам шарт деб билди.

У отининг бўйнига ҳеч қачон тўрва илмас, емни доим тоғорага солиб кўярди. Гоҳ-гоҳ кампиридан яшириб Қалдирғочга энг учида оқ қанд едирарди. Эртаю кеч отининг ёнидан айрилмагани сабаб кампирининг тобора жаҳли чиқар ва девордаги туйнукдан кўрага бошини суқиб, "отингнинг охурида ётиб қол!" дерди фиғони ошиб. Кулман бобо эса тобора етилиб, тўлишиб бораётган отининг сағринини, кўкрагини силаб тўймасди. Унга кўз тегмасин, деб





ёлига, думининг ҳар толасига турли рангдаги кўзмунчоқларни боғлаб кўярди.

Нихоят, асовгина йўрғасини миниш пайти ҳам етиб келди. Жайроннинг эгар, жабдуқларни ўрна-тиб белидан чарм айил билан маҳкам тортиб боғларкан, қариянинг мовий кўзларида чақмоқ ялт этгандек бўлди. Отнинг ёлидан эҳтиёткорлик билан тутиб бир сапчиб устига миниб олди.

Қалдирғоч тез орада Қулман бобога жуда ўрганиб қолди. Чолнинг яна аввалгидек кўпкариларга боргиси, ўзини тўпга урмаса ҳам чекка-чеккадан от суриб улоқни томоша қилгиси, эски танишларини кўргиси келди.

Кишлоқда тўй бўлди. Яна улоқ берилди. Қулман бобо ҳам Қалдирғочини тоблаб кўпкари томон йўртди. Уни яна улоқда кўрган эски таниш-билишлари, “қани, бобонгнинг кўлига сўқимни тутқазинглар, улоқни қандай чопишни ёшларга бир кўрсатиб кўйсанг!” дея ҳайқиришарди. Бироқ Қулман бобо билагидан йигитлик кучи соб бўлганини яхши билар, ич-ичидан зил кета-кета улоққа яқин бормасди. Навқирон чавандозларнинг Қалдирғочга ҳаваси келиб “эсам, отингизни бериб тулинг, ажратган соврини сизники”, дейишса ҳам Қулман бобо барибир кўнмас эди. У Қалдирғочини ҳаддан ташқари яхши кўрар, намойишкорона йўрттириб от шинавандаларига “қаранглар, қандай гўзал ва навқирон отим бор”, деб кўз-кўз қилгиси, мақтагиси келарди.

Орадан кўп ўтмай Қалдирғоч ҳамманинг тилида дoston бўлди. Уста чавандозлар отнинг мунчоқлар ярашган узун бўйнига, келишган оёқларию ялтираган сийнаю сағринига қараб унинг зоти тозалигига ишонишарди. Шу боис “Қалдирғочни менга сотинг, йўқ, менга сотинг”, дейдиган харидорлар кўпайди. Бироқ Қулман бобо ҳеч қанақа пулга, одамларнинг алдовига учмади. Шунда тили аччиқроқ чавандозлар кесатиб, “Қулман бобо, ёш келинни кучишга билак керак...”, деб ҳиринглашарди. У бу гапларга мутлақо парво қилмасди.

Қалдирғоч эса ўзининг ёқимтой ва шиддатлилиги билан ишқибозлар юрагини ҳаққиртириб кўпкариларга янада мослашиб, кўникиб борди. Куч-қуввати юрагига, баданига сиғмай, кўкрак кериб, бўйниларино фоз тутиб турадиган бу гўзал жонивор учқур от ҳойнаҳой баҳс майдонлари узра шамолдек елгиси, чанг-тўзон кўзгаб, кенг сайхонликларга ўз шухратини битгиси келарди.

Бироқ отда елиш Қулман бобонинг юрагини беҳузур қилар, ўқчиб, эгарда ўтириб узангига оёғини тирашга ҳам мадори етмай тинкасини қуритарди. Қалдирғоч, афтидан, ёшлик куч-қуввати, завқ-шавқи жўшиб, сағринига ўзидек навқирон, чапдаст чавандозни миндиргиси, кўпкариларга ўқдек учиб киргиси келарди.

Қулман чавандознинг бугун кайфияти жуда тетик эди. Нонуштадан сўнг дастурхонга фотиҳа тортгач, “ё пирим”, деб ўрнидан илқис турди. Тураётган гўёки томири тортиб зириллаганидан мункиб кетди, лекин йиқилмади. Тез-тез юриб Қалдирғочнинг ёнига кетди. Отининг сийнаю сағринини қашлаб туриб кўшни кишлокқа ўтиб келишга аҳд қилди. Эгар-жабдуқни уриб, энди тилла сувлиқли юганни тортаётган эди ҳамки, кампири куйманглаб ёнига келди.

- Ҳой, тиниб-тинчиманган, эрталабдан қаёққа йўл тортмоқчи бўлаяпсиз!

- Шундай, ўзим бир кўшни кишлокқа ўтиб келсамми, деб турибман, - деди Қулман бобо кампининг жаврашларидан безиллаб. Нима гапинг бор?

Момо тагин бир балолар деб узиб-узиб олмақчи бўлди-ю, бироқ ҳовуридан тушди-да, мулойимлик билан:

- Чобоғон, катта куёвингиз милтигингизни сўраган экан, - деди худди эри фикридан қайтиб қолаётгандек типирчилаб, - йўл-йўлакай қизингизнинг уйига бориб, кўшоғизни бериб келсангиз қандай бўларкан? Тулки кўпайиб кетибди, товуғу жўжаларни қийратаётганмиш...

Чобоғон бобога кампининг маслаҳатомуз, ер чизиб гапиргани хуш ёқди шекилли, яйраб деди:

- Бўпти! Маъқул! Ўқ солинган камарни ҳам ола кел! Милтиққа кесак солиб отмайди-ку!..

Қулман бобо кўшоғизни елкасига осиб, қатор-қатор ўқ терилган камарни белига боғлаб, эгарнинг устига бинойигина ўрнашиб олдию оёғини узангига тираганича, отига қамчи босди. Қизи яшайдиган кишлокқа бир чақиримча қолганда кулоғига отларнинг кишнашию ерни ларзага келтираётган “дупур-дупур”лар эшитилди. Эшитдию кўнглида қандайдир бодихаво кўпчиб томирларида елдимим кўчиб ўтгандек, вужудини алланечук таниш, эрка ноз қитиқлагандек бўлди. Шубҳасиз, шу атрофда улоқ чопилаётганди.

Қулман бобонинг астагина сийқа юганни силтаб “чух” деган амрини эшитар-эшитмас Қалдирғоч кўнгили бўшлиқларидек бепоён дашт узра ўқдай олдинга отилди. Кекса чавандоз бор кучи билан тизгинини ўнга буриб, тортиб отининг бошини бурмоқчи бўларди. Лекин чолнинг хархашаларига шунча чидаб келган тулпор унга бўйсунини истамасди. Ҳамаёқни отларнинг дуқури босиб кетди. Бир гала отлар билан ёнма-ён учиб кетаётган Қалдирғоч бир силтаниб рақибларидан ўзиб марра сари учарди. Чавандозлар ҳайқириб унинг олдини кесиб чиқишгач, Қалдирғоч икки олдинги оёғини баланд кўтариб қаттиқ бир кишнади-да, чир айланиб ўзини ўнгга отди. Ўзига ишонган, навқирон чавандозлардан иккитаси уни ҳайқириб оқаётган катта анҳор сари сиқиб боришди. Эгариб келаётган отлар сувнинг шилдирашини эшитиб хуркиб кенглиги олти метрча келадиган катта ариқнинг ўнг қирғоғига тақалиб, бирин-кетин оғзидан буғ сачратиб, лабларини пириллатиб, пишқириб тақа-тақ тўхташди. Лекин Қалдирғочнинг оёқлари уни худди сиқилган пўлат пружинадек ундалма ҳаракат билан кўкка ирғитди. Олдинги оёқлари билан гўёки ҳавода сузаётгандек ҳаракатланиб у анҳорнинг нариги томонига сакради. Эгарнинг бошини жон-жаҳди билан ушлаб бораётган Қулман бобо кўзлари ваҳимали олайиб, кўрқув ичида ўзини ерга отди. Бахти бор экан, муздек сувли анҳорнинг қоқ ўртасига “шалоп” этиб тушди.

- Чобоғон бобони сувдан олинглар!

Баковулнинг буйруғини кутмасдан икки норғул йигит аллақачон ўзини сувга отганди. Қулман бобо гоҳ чўкиб, гоҳ юзага қалқиб оқиб борди. Йигитлар уни эсон-омон, кўш-қўллаб қирғоққа судраб чиқишди. Таажубки, чолнинг эс-ҳуши жойида, ҳатто алланечук тетиклашганди. Шалабоси чиққан астибошига парво ҳам қилмай бўйни аралаш ўтказилган кўшоғизнинг тасмасини бошидан чиқарди. Пошнаси баланд этигини ечиб кўнжидаги сувни тўкиб ташлар экан, отлар уюри сари ҳорғин тикилди. У отлар уюри орасидан ўз Қалдирғочини изларди. Ана, топди.

Анҳордан сакраб ўтган Қалдирғоч кибр билан бўйинини буриб ортига қарадию ортидан қувиб ке-

лаётган икки нафар чавандозни кўрди. Унинг ўзига ишончи ортиб, тепага думини тик кўтарганча худди йиртиқ байроқдек ҳилпиратиб яна ҳам тезроқ югура кетди. Бир оздан сўнг уни таъқиб этаётган отларнинг дупури эшитилмай қолди. Қалдирғоч чир айланиб югуришдан тўхтаб яна изига бурилиб қараркан, уни қувлаб келаётган чавандозларнинг бири изига қайтганини, иккинчиси эса Қалдирғочнинг тўхтаганини кўриб, ҳолдан тойган отидан тушиб унга қараб яёв келаётганини кўрди. Қалдирғоч ҳойнаҳой уни деб шунча масофага эринмасдан, машаққатни писанд қилмасдан келган ёш чавандозга от бўлгиси, уни кифтида миндириб бу дунёнинг жаннатларини кезгиси, унинг дағал кафтларини сийнасида гулдай мулоим сирпанишини ҳис этгиси, ҳаттоки гўшасидан ўзига маскан топгиси келди. Ёш чавандознинг атрофидан икки-уч бор гириллаб айланди

Қулман бобонинг кўзлари пешонасига ўйнаб чиқди. “Бевафо! Устидан тезакдек анҳорга кулатиб ёш чавандозга эса... гўёки сузилиб муқом қилаётгандек... Юришлари, оёқларини кўтариб ирғишлашлари, ҳаттоки завққа тўлиб кишнашлари ҳам мутлақо бошқача...

-Бобо, келинчакни йигити билан қочириб юбориб “мазза” қилаяпсизми?” деган беўхшов овоз унинг ҳушини ўзига қайтарди.

“Оббо, Содиқ сўтакнинг шилқимлиги етмай турувди-я”, ичидан эзилди чавандоз.

- Охири, сизни “эрка”нгизни ҳам бошқалар минди, - деди Содиқ чобогон пичинг қилиб. - Тўғри-да, нима қиласиз отни қизганиб. Уни обдон югуртириш ҳам керак-ку!

Қулман бобо қаҳри кўзиб ўтирган жойидан кўшозининг кўндоғига суяниб ўрнидан тураркан:

- Содиқ, сенга отми, эшакми- бунинг фарқи йўга? - деди овози титраб. - Сенда кет йўқ-да! Агар ғуруринг бўлганида отингни бошқа бировга топшириб ортидан тўрва кўтариб арпа ташимасдинг. Суфф санга!

Айни шу чоғ қалдирғоч неча кеча орзулари ушлаётгандек, кўпдан бери юрагининг туб-тубида яшириниб келган ҳиссиётлари жўш уриб яна ва яна завқшавқ билан кишнади.

Ёш чавандоз Қалдирғочга яқин келди. У отни ҳуркитиб, қочириб юбормаслик учун кўпол ҳаракатлар қилмасдан, секин-аста оёқ учида юриб кетди. У худди ўнгирида арпа тутганга ўхшаб отни алаҳситмоқчи бўлиб, “маҳ-маҳ”, деб қақирди. Бунга жавобан Қалдирғоч олдинги чап оёғини тиззасидан букиб, туёғи билан ер тепиб тупроқни чангитар экан, бу билан гўё, “сенинг макрингга учадиган анойи йўк, керак бўлсам ўзинг кел”, дегандек солланиб ортига бурилди-да, яна юз метрча нарига қочди. Чавандоз уни жиловлаш ниятидан барибир воз кечмади. Эҳтиёткорлик билан яна отга яқин келди. Қалдирғоч чавандознинг қатъиятли ўктамлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди, шекилли ўзини ўт чимдиб турганга олиб унинг оҳиста тизгинидан ушлашига изн берди. Чавандоз тизгинни тутиши билан тулпорнинг ғоздек таранглашган бўйнини куч билан ўзига тортди. Қалдирғоч тизгиннинг таранглашганидан ёш ва келишган бу чавандознинг бақувват, чаптастлигига қатъий ишонгандай бўлди. Йигит отнинг майин юзларини оҳиста силаб-силаб ёлидан ушлаб, бир сакраб эгарга ўтирмоқчи бўлиб хезланди. Шу пайт мисли кўрилмаган воқеа содир бўлди. Қалдирғоч худди туя тиз чўккани каби чўкди, паст бўлди. Бун-

дан ҳайратга тушган йигитнинг қалпоғи қийшайиб, оғзининг таноби қочиб ўзини эгарнинг устига отди.

Қулман бобо эса гурас-гурас оёқ ташлаб марра сари оёқларини кериб учиб бораётган Қалдирғочнинг, унинг ёлига ёпишиб бўйнидан кучоқлаб олганини “ҳайт! ҳайт!”лаб бақириб бораётган навқирон чавандоздан кўз узмай бақрайганича қотиб тураркан, дағ-дағ титради. Калласига эса алам ва нафратга лиммо-лим бир ўй палохмон тошидай урилди. “Нахотки?! Нахотки, мендан уни афзал кўрган бўлса?!” У тишини-тишига босди. Нимадир гичирлаб кетгандек туюлди. Ҳа, ҳа, унинг ичидан, юрагининг туб-тубидан нимадир узилгандек бўлди. Чолнинг кўз ўнги қоронғилашди.

Қалдирғоч маррага улоқни олиб келди. Баковул камчисини кўтариб “ҳалол” ишорасини қилар экан, жайрон алланечук хушқайфиятда кишнаб юборди. У ҳамманинг эътиборида эди.

Чавандоз совринни ола-ола шундоққина биқинида газаб ва алаמידан юзи бўзариб, лаби гезариб турган Қулман бобони кўрди.

- Мана совринингиз! - деди ёш чавандоз алланечук тантанавор. - Сизни отингиз ютди. Сиздан сўрамасдан Қалдирғочнинг оёғини синаб кўрдим, энди, хафа булмайсиз-да!

Чол индамай икки қадам орқага тисарилди. Аллақачон қўлида сиқимлаб турган милтигига тасмасидан ўқ олиб жойлади.

Сўнг:

- Отдан туш! - деди бўғиқ, нотабиий бир товушда ёш чавандозга ўқрайиб. - Туш тезроқ, сангина...

Ёш чавандоз ваҳима билан эгардан сакраб тушди. Қулман бобо бир силтаниб унинг қўлидан от юганини юлқиб олди. Бу орада қора терга ботиб ҳансираётган чавандозлар, томошабинлар ҳайрату ҳаяжон билан тўпланиб қолишганди.

У отининг тумшугини томирлари бўртиб чиққан кўллари билан майин силаркан, кўз ёшлари қуюлиб келди.

- Оббо, сен-ей, - деди у чап қўлининг бармоқлари билан отнинг юзу кўзларини, лабларини пайпаслаб силаркан. - Шунча меҳримни бериб сени парвариш қилсам-у, менга шундай хиёнат қилсанг... Нега устинга ёт чавандозни миндириг...

Қалдирғоч соҳибининг овозини аввалигига нисбатан жуда хаста чиқаётганини, лаблари пириллаб, пастки жағи асабий титраётганини кўриб, нафаси ичига тушиб кетди.

Қулман бобонинг кўзларида нимадир ялт этди. У ўнг қўли билан милтиқнинг учини яна Қалдирғочнинг қулоғига теккизди-да, тепкени босди.





# ҚОРАҒУЛЖАДАГИ СУРСУНА

(Мархум шоир Шавкат РАҲМОННИ эслаб)

1980 йилнинг март ойлари. Уйнинг қарзидан қутулиб ўзимни анча тиклаб олган пайтларим. Икки кун аввал Пиримқул Қодировни кузатгандик. Пиримқул ака ўшлик китобхонларнинг илтимоси билан меҳмон бўлиб келганди. Ҳовлининг тўрида чорпояда китоб ўқиб ўтирардим. Қизим Муқалламхон «Дада, меҳмонлар келди», деб қолди. Чувакни оёғимга илиб, кўчага ошиқдим. Дарвоза олдида Шавкат Раҳмон, Иброҳим Фафуров, Рауф Парфи, Мирозиз Аъзам ва дўстим Каримшоҳ Тошбоев турарди. Кучоқлашиб кўришиб, ҳолаҳвол сўрашдик. Негадир Шавкатнинг кайфияти тараңроқ эди. Ўзимча уни Раҳмонберди ақанинг беморлигига йўйдим. Кечки овқатдан сўнг суҳбатлашиб ўтирган чоғимизда телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтардим.

- Ўзганга жавоб беринг, - деган овоз эшитилди.

- Алло, эшитаман.

- Мен Ўзгандан, Одил полвонман.

- Салом Одил ака!

- Ваалайкум ассалом!

Турсунбой, мен сиздан жуда хафаман, - ўпкаалаб қолди Одил ака.

- Нима учун, Одил ака?

- Пиримқул Қодировни нега Ўзганга олиб келмадингиз?

Узр-маъзуларим ўрин босмади. Одил полвондан кечирим сўраб, Тошкентдан келган янги меҳмонларнинг исмларини айтган эдим, у киши яйраб кетди ва эрталаб машина жўнатишни ваъда қилди.

Меҳмонларга Одил полвонни сиртдан таништирдим. Ўзбек адабиётининг ихлосманди, шеърят шайдоси Одилжон Райимжоновнинг асли касби қурувчи. Одил ақанинг ноёб кутубхонаси водийдаги қалам аҳилларининг улкан хазинаси, десак муболага бўлмайди. Йўлдош Сулаймон, Ҳабиб Саъдулла, Камолиддин Раҳимов,

Ўринбой Нуралиев, Бобомурод Ҳамдамов сингари таниқли шоир ва санъаткорлар шу файзли хонадоннинг суюқли меҳмонлари бўлиб туришарди.

Одил ака ваъда қилган машина эрталаб соат еттиларда келди. Меҳмонлар билан шаҳри Ўзган қайдасан деб йўлга равона бўлдик. Машҳур геолог олим Иброҳим Ҳамробоевнинг қишлоғи Шерали оралаб Ўзганга кириб келдик. Одил полвоннинг уйида куръон ўқилгач, меҳмонларни таништирдим. Мезбон одатига кўра кўчқор сўйишга изн сўради. Кейин шу хонадоннинг ғаройиб кутубхонасини томоша қилдик. Бироқ Шавкатнинг кўнгли негадир ғаш эди. Уни четга тортиб ҳафтагазаклигига ишора қилдим. Ён чўнтагидан қайчиланган конвертни олиб менга узатди. Оддий ўқувчилар дафтарига ёзилган хатни кўздан кечирдим. Унинг эгаси ўшлик ижодкор дўстларимиздан бири бўлиб, Шавкатга қўлэзмаси ёқмаганлиги учун хат



Суратда: Устозлари ва дўстлари даврасида

муаллифи ғашга тегадиган таъна-дашномлардан кейин, ёш шоирнинг танглайини кўтарганлигига шаъма ҳам қилинганди.

- Шунга ҳам ота гўри қозихонами?..

- Сиз бундай мактубларни сақлаб юрмай, дарҳол ёндириб ташланг.

Шавкат папирос қолдиғини улоқтирди ва гугурт олиб, ҳалиги хатни ёндириб ташлади...

- Бу бошқа гап. Энди ўртанмайсан.

- Тўғри сўзлаб, туққанингга ёқмас экансан, - деди Шавкат ғамгин.

Барча масалада холис иш юритишга кўникиб кетган Шавкат қўлэзмаларга муносабат масаласида ҳам асло маҳаллийчиликка йўл қўймасди...

Турсунбой АДАШБОВЕВ

**Жалол ҲАСАНБОВЕВ**

**ВАТАНДАҲ АЙРИ  
ТУШМАСМАҲ...**

Хуснинг шаъмига беқасам парвона тушди,  
Нечун икки ўртага бегона тушди.  
Жоним пардасин юзингга тортай десам,  
Жонини чўглаб ёйлар нишона тушди.

Бошимни оёғингга қўймоға борсам,  
Орамизга бир тилло остона тушди.  
Сенга дил мулқимдан ҳикоя этсам,  
Мажнун саҳросидан афсона тушди.

Мен ҳам ошиқ дедим Жунундан ортиқ,  
Сен ҳам ошиқми деб девона тушди.  
Гул юзимга майли жон берай десам,  
Ўртага қон тўла паймона тушди.

Ёниб Жалол бўлдим руҳ гулханида,  
Бу ёнмоқдин жонга дурдона тушди.

\* \* \*

Ичикдим обга айландим,  
Ҳоки-туробга айландим.  
Фалак офтобга айландим,  
Ватандан айри тушмасман.

Зулмларга ётман дедим,  
Силкманг эътиқодман дедим.  
Бор ман дедим, ботман дедим -  
Ватандан айри тушмасман.

Нечукким бунда келдим ман,  
Қай ёруғ кунда келдим ман.  
Чархи гардунда келдим ман,  
Ватандан айри тушмасман.

Фироғини томоша қил,  
Кел, доғимни томошо қил.  
Сабоғимни томошо қил,  
Ватандин айри тушмасман.

Не бир маломат келса ҳам,  
Минг ранжу беҳад келса ҳам.  
Ҳатто қиёмат келса ҳам,  
Ватандин айри тушмасман.

Ичикдим обга дўндим ман,  
Ҳоки туробга дўндим ман.  
Жалол, офтобга дўндим ман,  
Ватандин айри тушмасман.

Ватандин айри тушмасман...

\* \* \*

Эй жон сени истарман,  
Ҳар он сени истарман.  
Гирён сани истармен,  
Бир марта назора қил.

Қошингдан қаро келди,  
Қўксингга бало келди.  
Не тийгу жаво келди,  
Бу дардима чора қил.

Роҳида фалак борму,  
Оҳуда юрак борму.  
Сендайин малак борму,  
Кўргазул оввора қил.

Огоҳ эт гулзорингдан,  
Дил сори борорингдан.  
Ор этмагил хорингдан,  
Майли кўксим пора қил.

Эй жон сани истарман,  
Ҳар он сани истарман.  
Гирён сани истарман,  
Жалолга назора қил.

**ҚҲЗ**

Марвартак тутларнинг барглари ҳазон,  
Қоқигул гуллашдан чарчади, кетди.  
Энг баланд шохдаги қайсар олмани  
Фақат... Куз еди.

Нонжийда нон ўлди шамолларга ҳам,  
Булоқлар кўзида қотди сувпари.  
Гул излаб минг чарчаб... уйқуга кетган -  
Тушида йиғлади бир тўп болари.

Сел, ёмғир синдирган тарновни ўлдирди:  
“Онамнинг уй томи сенсиз якка...”  
Мунг келди, қарасам ерга тўкиляпти  
Тераклар япроғи чаппаю чаппа.

Майсалар бевафо бўлдилар, қаранг,  
Ариқнинг лаблари осилди, тамом...  
Беҳилар бир хатлаб саватга минди,  
Қизарган абргларни елпиб келар шом.

Далага сизмайин қишлоққа қайтди,  
Арава минганча найнов жўхори.  
Фул гужум шоҳида “чурқ” этмай турар,  
Жуфт қарға, бошида этик хаёли.

Шаҳарлик дарахтлар ошуфта, озгин  
Кунда-ку семирмас қишда... Гап тамом.  
Қишлоқда ниҳолга дарс ўтар дарахт:  
“Сут шарбат ич болам, озгинлик ёмон”.

Чумоли эшигин лойшувоқ қилди,  
Дўл, ёмғир йўлига қўйди қўриқчи.

Бўзтўрғай бир бўзлаб, осмондин тушди,  
Ин излар мокудек, қари тут-бўзчи.

Тераклар туманни ютмоқчи бўлиб,  
Осмонга қўл чўзар - бефойда тадбир.  
Ёвоннинг қўлида ишлаб чарчади -  
Омборда дам олиб ётибди галвир.

Мавизлар пойига кўрпача - ялпиз  
Тўрвалар туршакка тўп бўлди чаққон.  
Туйунқдан ўгринча кириб улгурар  
Туршакни ҳидлашга шамол ҳар замон.

**IV**

Ниначи сувларга сакрамай қўйди,  
Уфқнинг юзини ялади боғлар.  
Кўёш сал чарчаган. Дарчалар ёпиқ,  
Хонқизи тушига йўнғиқча кирар.

“Пуф” десам япроқлар тўкилиб кетди.  
Дарахтнинг шохлари жуда ҳам ночор.  
Елкангни тут десам титради гужум,  
“Хазонлар юзида юрак ранги бор”.

Қушларни чорладим. Бегона хаёл...  
Шабнам ҳам уйқуда - қони совиган.  
Қалдирғоч инига қаарб йиғладим:  
“Не учун уб қушлар олмас тан”.

Деворлар бетамкин, тандирлар хомуш,  
Йўлларнинг отаси - кўлрик бўлмас кўр...  
Бир жаҳдим чиқди-ю... Ношуд ўргимчак -  
Тўрт фасл шу ерда тўқиб турар тўр.

**Ибодат РАЖАБОВА**

**ЛАЙЛИТА МАҚМУЪ**

Оғизга сиққанча тушса, бас,  
Чакаклар қаричи юз таноб.  
Саҳрога бордим, ортимга қайтдим:  
“Қаримсиқ дунёнинг дийдори - азоб”.

Алашдим кўрсаткич бармоқлар  
Қишу ёз қўлқопда, ҳе, айёр...  
Юр, кетдик, зулматда ўтирма,  
Тарози уйида чироқ бор.

Учинчи дунёга ҳавасим,  
(Бу ерда қорақура иккиқад).  
Сен мендан донороқ бўлдинг, азизим,  
Дарагин билсанг, ёзгин “манзилхат”.

Бухоро

Муҳайё ЙЎЛДОШЕВА

# ШЕЪР МУҲИММИ, ШОИР?

Бадиий асарларнинг қисмати жуда қизик. Баъзилари неча асрлар оша етиб келгани ҳолда, бошқалари ўз даврида ҳам шуҳрат қозона олмайди. Бунинг сабаби нимада? Асар умрзоқлигини қандай омиллар таъминлайди? Француз адабётшуноси Ролан Барт асар умрини икки омил: бадиий матн муаллифи бор (тирик)лиги ва муаллифи йўқ (ўлган)лигига асосан белгилаб, ўзининг “Муаллифнинг ўлими” номли мақоласида шундай деганди: “Мукамал асарларда муаллиф фикри иштирок этмаслиги керак. Муаллифнинг матнда ўлиши матн умрини узайтирди. У фақат ўқувчига фикрлаш учун хом ашё бериши, ўз позицияси билан унинг ҳаёлотини чеклаб қўймаслиги ва бу билан асар матнининг бир неча маъноли бўлишини таъминлаши зарур”. Олим бу ерда асар муаллифининг жисмоний ўлимини назарда тутмайди. Муаллифи бор матнлар дейилганда, ёзувчи позицияси маълум бўлган асарлар, муаллифи йўқ матнлар дейилганда эса, ижодкор қарашини устуворлик қилмаган асарлар тушунилади. Бундай асарларни таҳлил қилиш, баҳо бериш ўқувчидан муайян бадиий тайёргарликни, сўз ва унинг маъноларини нозик илғашни, олам ҳодисаларини бадиий идрок эта билишни талаб қилади. Бу омиллар, албатта, асар савиясини белгиловчи охириги, қатъий мезон эмас, шундай бўлсада, асарнинг адабиёт оламидаги ўрнини, бадиий салмоғини кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётимизда яратилган қайси асарни олманг, деярли барчасида ёзувчи “мен” и у ёки бу даражада буй кўрсатиб туради, чунки асар кўнгил меваси, у ижодкор ички “мен”идан, дунёқарашидан, тажрибалари, орзу-умидларидан, ниҳоят, оғриқларидан яраланилади. Унда ижодкор шахснинг акс этмаслиги мумкин эмас ва бу нарса асар савиясини ҳеч ҳам туширмайди. Бўлмаса, асар бошида яратилган “Ўткан кунлар”нинг то ҳозиргача севиб ўқилишини қандай изоҳлаш мумкин? Ахир Отабекнинг ички ва ташқи кўркемлигида, Юсуфбек ҳожининг ватансеварлигида, Мирзакарим қутидор андишасида Қодирий “мен”ининг кўринишлари намоён бўлмаганмиди? Аммо масаланинг яна бир томони ҳам бор. Асар ёзувчи ижоди, фарзанди бўлиш билан бирга алоҳида, мустақил олам ҳамдир. М.М.Бахтин ўзининг “Адабиётшуносликка қарши” мақоласида айтганидай: “Ижодкор ҳеч қачон ўзи ёзган асарда намоён бўлмайди, чунки у яратувчи, ўзи яратган оламда яратқ бўлиши мумкин эмас”. Асар кўнгилдан қоғозга тушган дақиқадан бошлаб умуммулкка айланади, худди бир инсон каби ўз тақдири, умри, тутумига эга яратқ бўлади. У ҳам туғилиши, яшаши ва ўлиши мумкин. Асар ҳар қанча мадҳ этилмасин, жилд-жилд тақризлар битилмасин, ўзида бир илоҳий жозиба бўлмаса, вақт ўтиши билан унутилади, яъни ўлади. Бунга йўл қўймаслик учун эса асар муаллифи “матнда ўлиши”, асарда унинг бадиий иродаси ўқлоғидай бўлиб турмаслиги лозим. Яъни ёзувчи китобхон ҳаёлотига чегара қўймаслиги, унга даврий, сиёсий шароитлар ҳукмини ўтказмаслиги, асар воқеаларини бошқармаслиги, ўз фикрини сингдиришга уринмаслиги керак. Ролан Барт асарда ёзувчи позицияси маълум бўлмаслиги зарур, фикримизча, шуларни назарда тутган. Шунда асар кўп маъноли, серқатлам бўлади, шунда ҳар сафар ўқилганда янги-янги қирралар кашф этилаверади, шунда ўқиган ҳар бир китобхон бир-бирини такрорламайдиган алоҳида таассуротга эга бўлади, уни ўзича таҳлил этади, асар ҳақида навқиронлигича қолади. Ҳар ким асарни ўз диди, дунёқарашини, тарбиясини, муҳитини, яшаётган замони ва ҳ.к.ларга кўра талқин қилаверади. Бундай асарларга

замона ҳам, тузум ҳам, асосийси, вақт ҳам ҳукмини ўтказолмайди. Ва ўқувчи уни ҳар сафар илк бор ўқиётгандай таассуротга эга бўлади. Ўқувчига неча бор ўқилишидан қатъи назар янги туйғулар туйдирадиган “муаллифсиз” матнлар адабиётда Анна Каренинанинги ўлимини истамаган Толстой мисолида маълум. “Муаллифсиз” матнлар ўзбек адабиётида ҳам доим бўлган ва шундай ижодкорлардан бири Баҳром Рўзимухаммадир.

Баҳром Рўзимухаммад шеърини асл ижодкор олдига Ролан Барт қўйган талабга жавоб беради, деб бемалол айтиш мумкин. Аввало унинг шеърларини таҳлил қилиш, ҳатто қабул қилиш бирмунча мушкул. Негаки, Сўз айтиш қобилияти ҳар кимга ҳам насиб этавермаганидай, Сўзни қабул қилиш, англаб етиш иқтидори ҳам ҳаммада бирдай эмас. Сониён, Б.Рўзимухаммад сўзни шундай усталик билан ишлатадики, унинг қаърида, албатта, бир неча маъно бўлади. Шоир шеърларининг ҳатто зоҳирий маъноси ҳам кўп қатламли бўлади:

*Из тушмаган қордек  
куёшгача ёйилиб кетди тонг  
даракт шохлари бўртиб кўринар...*

“Тонг манзараси” деб номланувчи мазкур шеърни табиат тасвири тарзида ҳам, шоир руҳий ҳолатининг энг пок, сокин, кўтаринки палласининг сўзга айланган шакли деб ҳам тушуниш мумкин. Ва буларда шеър маъносининг тўла талқини бўла олмайди. Китобхон шеър ўқиётгандаги ҳолатига кўра уни ҳар сафар ўзгача англайверади. Масалан, “Из тушмаган қордек” мисрасини шоир тонгни безовта қилмаган, тонгга йўл тушмаган, деб ҳам, табиат ва вақтнинг уйғун тасвири деб ҳам изоҳлаш мумкин. Таъкидлашларича, энг ширин ва қаттиқ уйқу пайти эрта тонгга тўғри келар, шу вақтда уйқудан уйғониш қийинроқ кечаркан. Шундан кўринадики, шоир тунни бедор ўтказган:

*қуш қаноти кўмилиб қолган -  
ёқут уфққа туташади ҳарир гилам.  
Гилам устидан  
ундан ҳам ҳарирроқ туман.*

“Қуш қаноти кўмилиб қолган - ёқут уфққа туташади ҳарир гилам” сатрларини дастлаб “эрта тонгга уфқ энди чиқаётган қуёш нурларидан қирмизи тусга киради - ёқут уфқ, Майсалар билан қопланган ва уфққа туташиб кетган ер - ҳарир гилам. Қуёш нурлари тунги салқин ҳавони аста-секинлик билан қизитиши натижасида пайдо бўлган нарса - гиламдан-да ҳарирроқ туман. Мана шу туман ортида эса элас-элас оппоқ парк булуғлар кўзга чалинади - қуш қанотлари кўмилиб қолган” тарзида англаш ҳам ва “шоир кўнглининг тасвири, қуш эҳтимол руҳдир, тун бўйи ўзини ҳар ёққа урган безовта



руҳ тонг чоғи ҳарир гилам - кўнгилда тин олгандир, гилам устидаги ундан-да ҳарирроқ туман эса илҳомдир, ижодкор балки” дея қабул қилиш ҳам мумкин.

**Совуқ юлдузчалар қолдиғи,  
юлдузда тилларанг ҳошия.  
Тўйиб нафас ол  
Шаффофлик хира тортгунча.  
(Дум-думалоқ нафас  
юлдуз қиррасида титраб).**

“Совуқ юлдузчалар қолдиғи”дан эрта тонгдаги титраб турган муздай шудринг томчилари тасвирини ёки оппоқ қорға тушаётган кўёш нурларининг жилвалари ифодасини топган ҳар бир ўқувчи ўзича ҳақ. “Тўйиб нафас ол” - қишда нафас олганда оғиздан чиқаётган илиқ ҳаво ташқаридаги совуқ таъсирида кўзга кўринади: “Шаффофлик хира тортгунча”. Эҳтимол, шоир софлик, бокираликдан баҳра олмоқчилигини ифодаляётгандир. Шеърда бирор мавсумга аниқ ишора йўқлиги боис тасвирни мусаффо ҳаводан бошқалардан бурун тўйиб нафас олволишга чорлов тарзида ҳам тушуниш мумкин. Чунки ҳар бир одам ичига ютган кислород (шаффофлик)ни карбонат ангидрид (хира) қилиб чиқаради, ҳавони бузади. Буни эзгулик қабоҳатга айланмасдан олдин уни қабул қил деб тушуниш ҳам мумкин.

Б.Рўзимухаммад шеърларида, кўпинча, ўзини тамомила маҳв этишга, ўқувчига нима истаётганлигини айтиш у ёқда турсин, аксинча, чалғитиб, ниятини ундан яширишга уриш ҳоллари кўзга ташланади:

**Ит ҳанграмас,  
кўкка қараб увламас эшак -  
товушим парвоздаги қиёфамдир.**

Шоирнинг ушбу “Парвоздаги қиёфа” шеърини англаш енгил кечмайди. Айниқса, юқоридagi мисралар ўқувчини ҳайратлантиради. Нега энди ит ҳанграши, эшак увлаши керак, мантиққа зид-ку бу. Шеърни такрор-такрор ўқиб, шундаям “товушим парвоздаги қиёфам” очкич жумласи ёрдамидагина у ҳақдаги фикрга бир қадар ойдинлик киритиш мумкин. Товуш - фаолият. Фаолият - парвоз. Чунки у инсонга асл моҳиятини кўрсатиш имконини беради. Шу маънода, товушда ҳар бир жонзотнинг асли билинади. Чигиртка чириллаши курбақа қуриллашидан, булбул хониши бедана сайрогидан фарқ қилади. Шу каби ит ҳам ҳанграмайди (бошқа жонзот қиёфасига кирмайди), эшак эса ит сингари вовуллайди, эшаклигича қолаверади. Яъни иккиси ҳам ўзлигича қолади. Уларнинг ўзликка эгаллиги, турланавермаслиги парвоздаги қиёфасидир. Шу сабабандир яхши ижодкор ҳақида: “Ўз овозига эга”, - дейилади. Ёки:

**Ғадир-будир Кун туғилди,  
тўрт тарафда шовқин -  
арракашлар шовқини,**

тасвири нимани англатади? Шеърятнинг фусуни ҳам асли мантиқсизлик бағрига мантиқни жо қила олишидадир. Туғилган ғадир-будир кун ва арракашлар шовқини инсон умри ва унинг туғилаётган, ўтаётган ҳар бир кун ҳисобига қисқариб, “арраланиб” боришини билдиради. Бу фикрлар - шахсий талқин, холос. Эҳтимол, шоир назарда тутган нарса бунга бутунлай тескаридин. Балки бошқа ўқувчи шеърнинг бутунлай бошқа қиррасини кўрар.

Шоир йўқ шеърлар сермазмун, тағмаънога бой, кишини ўйланишга, изланишга мажбур этадиган, оҳори тўқилмайдиган, сирлигини йўқотмайдиган матнлардир. Аслида бадий асар англанилмаган қирралари билан гўзал ва сирлидир. Адабиётнинг кучи ҳам шунда. Бундай жозиба муаллиф иштирокидан қатъи назар илоҳий шавқ билан яралган ҳар бир асарда бўлади.

**Мухайё Йўлдошева** Сирдарёлик. 2001 йилда Ўзбекистон Миллий университети филология факультетининг магистратура бўлимини битирган. Ҳозир Алишев Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти аспиранти. Мақоласи “Ёшлик” журналида биринчи бор чоп этиляётир.

## Марҳабо ХОЛБОЗОРОВА



### Ўзим бўлай

Ватан чаману гулзорингни булбули ўзим бўлай,  
Муқаддас тупроғингни бир гули ўзим бўлай.  
Бул Ватан кимники, деб сўраса ўзга биров  
Фурур ҳиссини туйган ўзим бўлай.

Номингин қаро қилар бўлса агар бир нокас,  
Бошига бало бўлиб ёққан қор, дўли ўзим бўлай.  
Ҳурлик майидан тотиб сармаст бугун халқим  
Ўшал май жомин тутгувчи бир қўли ўзим бўлай.

\*\*\*

Рухимни эзгилар газаб,  
Хаёлларим сарсон ҳавода.  
Шубҳаларим келади тўзиб  
Сокин дилим қўйиб жафого

Хира тортар орзу умидлар  
Тароватин йўқотар ҳаёт.  
Этагин тутиб армонлар  
Ўзлигини эслатар бо-бот.

### БҲ КҲҲ

Ўшал санам жафосидан жоним оввора бу кун  
Ситамлари танамни қилар минг пора бу кун

Азоблари, газаблари тутанмас савдо бошима  
Кўзимнинг ёшлари бўлди ё фаввора бу кун.

Осмон кўнги ер бўлди, қилмас ул нега назар,  
Кенг дунёлар кўзимганетай тора бу кун.

Гар жонон васли мен учун бўлмиш йироқ,  
Мунаввар тонг ҳам мен учун қора бу кун.

Ҳажрида ўртанган юракнинг куйгани қолди э воҳ,  
Минг изламай топмасман чора бу кун.

Беписандлик ҳам бўлурми шу қадар ҳаддан зиёд,  
Саиамни деб бошимни дора бу кун.

Кўйида жонимдан кечганим кўриб бевафо,  
Шундан англар ишқимни зора бу кун.

**Қамаши**



## Акром Муродов.

1985 йили Қашқадарё вилоятида туғилган. Чехияда ўтказилган болалар халқаро кўргазмасида қатнашиб, «Лидице-2000» нишони ҳамда дипломи билан тақдирланган.

# РАНГЛАРДА ЮРТ МАДҲИ

Акром Муродов дашту далаларнинг эркин, шўх шамоллари билан ўйноқлашиб, мусаффо, биллур тонларига ошиқона-ошиқона термулиб улғайди. Юрагида шурида ҳайрат ўсди. Шу сабабли Акромда мусаввирлик санъатига қизиқиш жуда эрта уйғонди. У кўлига қалам олиб ҳар хил шакл-шамойилларни аслига ўхшатиб-ўхшатиб чиза бошлаганда ҳали беш ёшга ҳам тўлмаганди. Унинг иқтидори, салоҳияти теварагидагиларнинг, хусусан, меҳрибон ота-онасининг диққатини ўзига қаратди. Бироқ олис қишлоқ шароити, санъат, маданият марказларидан узоқлик жуда катта муаммоларни, дилхиралликларни келтириб чиқарарди. Бироқ Акром чекинмади. Руҳан тушмади. У ўз устида мустақил ишлаш бошлади. Ёш мўйқалам соҳибининг чизган суратлари кундан-кун жозигабага тўлиб борди. Кейинчалик Акром Муродов Ўзбекистон Бадий Академиясининг Қашқадарё тасвирий ва амалий санъат лицейида таълим ола бошлади унинг ижодий изланишларига жиддий туртки бўлди. Ёш мусаввирнинг асарлари она юртга меҳру муҳаббат туйғулари билан йўғрила бошлади. Акромни жонажон Ватаннинг шонли тарихи ўзига жалб этди. Унинг қаламига мансуб “Муқанна”, “Лой жанги” каби суратлар ўзининг нафақат бадий мукамаллиги билан балки, тарихий ҳаққонийлиги билан ҳам ажралиб туради. Акром Муродов Ўзбекистон Бадий Академиясининг Қашқадарё тасвирий ва амалий санъат лицейида таҳсил оларкан, ранг-тасвир жанридан ташқари, ҳайкалтарошлик, дизайн ва миниатюра соҳаларида ҳам жиддий

“Муқанна”, “Қишлоқ манзараси”, “Музқаймоқ” каби рангтасвир асарлари юксак баҳоланди. Дунё аҳли мўйқалам усталарининг диққатини ўзига қаратди. Ёш rassom Акром Муродов “Лидице-2000” нишони ҳамда Дипломи билан тақдирланди. Ушбу кўргазмада намойиш этилган. “Мен Оқсаройданман” туркумига кирувчи асарларда Шаҳрисабзнинг қадимий тарихи, гўзал бетакрор табиати, бунёдкор одамлари ҳақида юксак илҳом, самимий меҳр-муҳаббат билан ҳикоя қилинганди. Шу боис ҳам Чехиядаги мазкур кўрик танловда қатнашган Даниялик машҳур rassomлардан бири “Мен Акром Муродовнинг асарларини кўриб, Ўзбекистонни, ўзбек халқини танидим”, дея ҳақли эътироф этганди.

ижод қилиб, эътиборли ютуқларга эриша бошлади.

Акром Японияда ўтказилган “Болалар дунёни сақлайди” кўрик танловида “Она сайёра” асари билан, Руминияда ўтказилган халқаро танловда “Кўпқари” асари билан қатнашиб совринли ўринларни эгаллади. Санъат ҳакамларининг ижобий эътирофларига сазовор бўлди. Айниқса, 2000 йили Чехияда уюштирилган кўрик-танлов ёш, истеъдодли ўзбек мусаввирининг ҳаётида унутилмас из қолдирди. Акромнинг



Эшқобил ШУКУР



Хикоя

## ДУНЁНИНГ КЎЧИШИ

*Отам хотирасига бағишлайман*

### ОВЛОҚ ОВЧИЛАТИ ОЙДУҲ КЕЧАДА

Иту қушнинг саси ўчиб, диму дирс бўлган палла... Тирамоҳнинг салқин оқшомида юлдузлар хира пирпирайди. Кунботар томонларда қорайиб, хурпайиб ётган ҳайбатли Кўҳитанг тизмалари сари ой оҳишта оғиб борарди. Ҳаво мусаффо. Куз кечаларидаги туну тонг ажралар чоғдаги хушбўй, роҳатбахш мусаффолик бу. Онда-сонда эшитилиб қоладиган чирилдоқлар чириллоғи кеча гунглигини бузади. Яккам-дуккам қора уйлардаги фонуслардан таралётган ёғду липиллайди. Дарё бўйларида ястаниб ётган қалин тўқайзор билан олис-олисларга улоққан улкан даштлик оралиғидаги саксон-тўқсон уйли овул осуда уйқуга чўмган.

Ойсут олтмиш бошли\* оқ ўтовнинг ичида бешикка суянган қўйи мулчиб-мулчиб боласини эмизиб ўтирарди. Ўтов тепасидаги очик чангароқдан симиллаб тўкилаётган ой нурлари ичкарини заррин шуълаларга қўмиб ташлаганди. Сарик толдан асалган панжасифат керага бошига осилган қизил-яшил сўзаналар турфа ранг ипак толалар батартиб сочилиб ётади, нафис тикилган товуслар қанотини ёяди. Ўтовнинг керагасига бойланиб, тепадаги чангароқни кўтариб турган ўтов қовургалари, яъни олтмиш увуқнинг пойига тикилган икки қарич энлиликдаги зардеволларда ранго-ранг чечаклар кулади. Керага бошига увуқларнинг оёқлари бармоқ энлигида тўқилган “келинқошлар”\*\*\* билан маҳкам боғланган. Ўтовнинг тепа қисмида осилиб ётган тўрликбювлар, отмабовлар, увуқларни бир-бирига тортиб боғлаб турувчи чарақайбоғишлар-у қурбоғишлар, популки тизмалар\*\*\* - ҳаммаси ой ёруғида ва фонус нурларида гаройиб манзара ҳосил қилади. Айни шу лаҳзаларда саховатли тўлин ой кўкрагини бешикка бериб мулчилаётган пошикаста Ойсутнинг бошидан ўз нурларини аямай тўкарди.

Бешикда бола йиғлади. Ойсут бир чайқалиб хушёр тортиди ва ўнг қўли билан чап кўкрагини ушлаб гўдагига тутди. Гўдак тамашниб-тамшаниб онасини эмди-да, тезгина пишиллаб ухлаб қолди. Ойсут туйқус сокин кечанинг тинчини бузиб юборди. Ойсут бешикдан бағрини олмай, бир аланглади. Нима бўлди экан? Тун алоқлаб бораётган бўлса, иту куш уйқуда... Алламаҳалда тўбада одамлар нима қилиб юришибди?

Овул этагидаги тепаликни ҳамма бир сўз билан “тўба” деб аташарди. Овул одамларининг тасавурича бу жойда сирлар кўмилиб ётарди. Шунинг учун ҳам шомдан сўнг тўба атрофида юришга ҳар кимнинг ҳам юраги бетлайвермасди. Холбуки, шундай паллада тўбада шовқин-сурон кўтариб юрган одамлар ким бўлдикин?

Ойсутнинг эри Мамашукурнинг қарвон ҳайдаб сафар кетганига бор-йўғи икки кун бўлди. Ҳали у кишининг юртга қайтадиган вақти эмас, энг камиди ўн кунда қайтади. Шундаям, йўли унса, узоқлашмаса, иши ўнг келса... Ойсутнинг юраги орзиқиб кетди. Балки, бирон сабаб бўлиб эри йўлдан қайтгандир. Йўғ-ей, қарвоннинг аро йўлда изга қайтишидан худо сақласин. Одамнинг кўнгли ўзига душман-да, ҳар хил хаёллар келаверади. Сафари бехатар бўлсин, ишларини ўнгта

буюрсин. Қолаверса, у кишининг йўли тўба томонда эмас, овулнинг кунчиқар тарафидан-ку. Ҳа, майли, сабр қилиб турсин-чи, аниғи бўлар... Ҳозир бутун овул уйғониб кетади.

Шовқин-сурон, “Орт!”, “Торт!” “Тез бўлинглар!” деган бақир-чақир, ундовлар Ойсутнинг қўлоқлари остида жаранглаб эшитила бошлади. Аммо, у ўйлагандай овул уйғониб кетмади. Хурпайиб ётган ўтовлардан бир садо келмади, ҳатто итларнинг хургани ҳам эшитилмади. Нима бало, тирик овул ўлиб ўлик тўба тирилиб кетмадимикин? Ҳаммани гафлат босибди.

У боласи пишиллаб ухлаб ётган бешикдан бағрини узиб, ўрнидан кўзғолди. Кўйлагининг кўкрак бурмаларини ҳафсала билан тузатди. Ҳайрон ёқаларини бир-бирига бириктириб, тўғноғич ўтказди-да, таҳмондаги кўрпа устидан бойхалатини олиб кийди. Қасаба дўпписини бошига қўндириб, устидан рўмолини ёпинди ва рўмолининг бир қирғоғини ўнг елкасидан ошириб, ортига ташлади-да, ташқарига йўналди. У ўтов эрганагининг зулфини тушираётганда, бутун вужуди симиллаб, бир сесканди. Шундай пайтда “у кишиси”нинг ёнида бўлмаганига қуйинди.

Ойсут ҳаяжондан титраб, ўтовдан ташқарига чиқди. Кеча гоёт мунаввар эди. Ой ёдуси ҳовлидаги бир туп олма дарахтининг соясига ҳам ҳайбатли тус бериб юборганди. Теварақдаги сийрак ўтовлар эса, туяқушлардай хурпайиб ётарди. У умидвор бўлиб, юз қадамча наридаги қайнотасининг ўтовига қаради, лекин ғимирлаган ҳеч бир жонни кўрмай, хавотири кучайди: “Қуриб кетсин, ҳамма тарашадай қотиб қолганми дейман. Буларнинг қулоғи том битмаса, шунча бақир-чақир, шовқин-суронни эшитишмасмиди? Майли, қайнукалари ёшдир, лекин, қушдай сергак қайнотаси билан қайнонасига нима бўлди? Бўлган-бўлмаганга, ҳатто, бедананинг пириллаб ўчганига юртни бузиб, хуриб қоладиган итларнинг ҳам саси ўчган. Овулдаги бошқа ҳамсоюлар ҳам ўлик-тиригини билмай қотиб ётишибди”.

Тагин тўба томонда туялар пишқириғи ва отлар кишнаши одамларнинг бақир-чақирларига жўр бўлди. Ойсутнинг диққати ошди. Унинг ўтови кунчиқарга қараган, тўба эса терс томонда, кунботарда эди. Ойсут ўтовнинг ўнг томонидан айланиб, орқага ўтди. Сўнг овул этагида кўққайиб турган тўбани кузата бошлади. Унинг ўтови баланд жойга тикилгани учун пастдаги тўба аниқ ва равшан кўриниб турарди.

Ойсут кимсасиз тўбага тикилиб, бир неча марта калима қайтариб кўрди, лекин шовқин-сурон тинмади. У кўйлагининг ёқасини кўтариб, ичига туфлади, отлар ва туялар хайқириғи баттар авж олди. Ойсутни ваҳима босди. Шу дамда у қайнонасининг ўтовига қараб югурмоқчи бўлди, аммо бешикдаги боласини ёлғиз ташлаб кетишдан кўрқди. У шундай шовқин-сурон ичида ҳам юрагининг шиддат билан потирлаб ураётганини аниқ-тиниқ эшитиб турарди. Бирдан томоғи қуруқлаб қолди, нафаси ҳалдан зиёд тезлашди. Вужудидаги бор томирлари қаттиқ тортилган торлардай титрай бошлади. Ўнг қўли билан ўтовга оҳишта суянди-да, бошини эгди. Ҳозир





ё йиқилиб тушаман, ё ҳушимдан кетаман деб ўйлади. Бу ҳол ҳаяжон тезлигида бир неча дақиқа давом этди. Бирдан унинг миясига келган, - худонинг айтгани бўлади, деган биргина фикр уни қутқариб қолди. Ойсут ўзини ўнглаб олди, лекин ҳаяжон ҳовуридан тушиб бўлса-да, ҳамон давом этарди. У дир-дир титраб, оёқлари қалтираб, ўтов ичига кириб, эшикни ёпди. Зулфинни ўтказди. Сўнг қайнонасининг, - кўрққанингда бешикка суян, бешик ҳосиятли бўлади, деган гапини эслади-да, ўрнига келиб ўтириб, болалаи бешигини маҳкам кучоқлади ва кўнгли бироз тинчлангандай бўлди.

Тонг шамоли кўзғолиб, мизғиб ётган далалар бўйлаб эса бошлаганда, тўба томондан келаётган товушлар тинди ва шундан кейин Ойсутнинг кўзи илинди.

## ЎШОВДАТИ ТУРДУТ

Эртасига, кун парпара бўлаверганда, Турдихол момо келиннинг ўтовига келди. У икки қават қилиб солинган кўрпа-чага ўтирди. Момонинг кенг ва узун кўйлагининг этаги кўрпа устига ёйилди. У ўнг тиззасини икки кўли билан кучиб, келинига разм солди:

- Нима, тобинг қочдими?.. Бир кечада кўзларинг кир-тайиб қолибди?

- Ҳар доим улингиз сафар кетганда биз билан ётардингиз, - деб ийманибгина гина қилди Ойсут.

- Нима қилайин қайнинг Мамазиёнинг тоби қочиб юрганини биласан... Уч кундан бери иситмаси тушмаётган эди. Кеча ҳеч кўнглим бўлмади. Ҳарна тинчгина ухлади. Бир кеча минг кеча эмас. Бундан кейин силарни беқора қўймайман.

- Мен кеча кўрқиб чиқдим... - ер сингалиб минғирлади Ойсут.

- Чиллалаи бўлмасанг нимадан кўрқасан? Бовурингда кўчқордай улинг бўлса?..

- Тўбада кеча нимадир бўлди, шундан кўрқиб кетдим. Турдихол момо бирдан сергак тортди, келинига бошдан-оёқ синчков назар солиб сўради:

- Нима бўлди?.. Тўбада...

- Тўбада бир сир кўрдим, - ўзига тикилиб турган қайнонасиндан кўзларини олиб қочди, - тонг юлдузи чиқишдан олдинроқ... Диму-дирс паллада... - дея Ойсут эшитган-сезганларини қайнонасига айтиб берди.

Келиннинг ҳикоясини тинглай туриб, кўпни кўрган, келбати тик, кампирнинг пешонасидаги ажинлар орасида порлаётган кўзларида ҳайрат, кўрқув ва умид акс этди.

Келин қанчалик тажрибасиз бўлса, кампир шунчалик донишманд, келин нечоғлик иккиланувчан бўлса, кампир шу даражада қатъий ва кескир эди. Келин бор-йўғи бир ё икки кеча бешик кучоқлаб тунни узатган бўлса, у ҳаётининг ярмини шундай ўтказган. Лекин тўбадаги сир келинга кўринган, кампиргамас... Бу сир кампирга кўринганда нима қилишни ўзи яхши биларди. Келин эса, ҳали гўр. Одам бу дунёни шунчаки бир ҳатлаб ўтган билан донишманд бўлиб қолмайди.

У келиннинг юзидан муҳим бир нарсани аниқламоқчи бўлгандай тикилиб сўради:

- Ишқилиб кўрқмадингми?

- Кўрқдим... - Ойсутнинг овози кўрқувнинг ўзидай титраб чиқди.

- Қаттиқ кўрқдингми? Жудаям кўрқдингми? - шошилинч сўради кампир. Азбаройи шошилганидан ўзи гапираётган гапларни ўзи еб қўйгудай ҳолатда эди у.

Келин ҳадеганда жавоб беравермай, катта-катта маъюс кўзларини ерга қадаб, жим тураверди. Келиннинг кийикдай ҳадиксираши қайнонанинг меҳрини ийдириб юборди.

- Кўрқма, жоним, кўрқма. Ишқилиб, қаттиқ кўрқмаган бўлсанг бўлди?..

- Жудаям қаттиқ кўрққаним йўқ, - у ўзининг қандай ваҳимага тушганини худди шу пайтда ўзи тўлиқ тасаввур қилолмаётган эди. - Лекин бўғинларим бўшаб оёқларим титради. Ўтовга кириб, бешикни бағримга босганимдан сўнг кўрқув ўтиб кетгандай бўлди, - деди ҳамон ер сингалаётган Ойсут.

- Ҳушингдан кетганингни сезмадингми?

- Йўқ, Ҳушим ўзимда эди.

- Бундай пайтда ҳушни олдирган ёмон. Бундай пайтда сира кўрқмаслик керак. Сир кўрдингми, ботир бўл, - салмоқлаб давом этди кампир. - Мен етти яшарлигимда Ҳизр кўрганман. Шолипояда, чумчуқ кўришда бир ўзим қолиб кетгандим. Толғушда оппоқ кийимли, оппоқ соқоли бир чол гойибдан пайдо бўлди-да, менга ёрти нон бериб кетди. Мен нонни едим. Кейин тоғамга кўрганимни айтиб бердим. Тоғам бўлса куйиниб шундай деди: "Мен сен сағирани уч ёшингда ота-энадан олиб қолиб, етти ёшга етказиб, энди бу бечоранинг ҳам шўри ариб одам бўляпти деб юрсам, ҳали шўринг кўпга ўхшайди. Бўлмаса, Ҳўжай Ҳизрнинг сенга берадиган бутун нони йўқмиди?.. Насибанг бутун бўлса, сенга ёрти нонни берармиди? Тақдирингда ҳали шўринг кўп экан... Шундан кейин орадан етти йил ўтиб, мени ўн беш ёшимда турмушга беришди. Кейин билсам, насибам бор экан-да, лекин ярим экан. Келинчаклигимнинг гулдаи даврида қайнотанг устимга кундош келтирди. Менга берилган ёрти ноннинг белгиси шу бўлди. Сир ҳаммагаям кўриниш бермайди. Ютуқ - кўрқмаганики. Тўбада кўринган сирдан қаттиқ кўрқмаганингни шуқр. Ҳушингдан кетганингда, ё ёғлик, ё буюғлик бўлардинг. Худоба шуқр, хатардан омон-эсон ўтиб олибсан. Бобонга айтаман, тўбага бир қўй сўйиб, элга садақа берсин.

- Момо, мен кўрган сир ўзи нима? - хавотирланиб сўради Ойсут, - одамларнинг бақир-чақир товушлари борда, биттаям одам йўқ. Отлар ва туялар овози бор-да, бир жонзот кўринмайди: Ангир-жунгир, шовқин-сурон бор-да, тўба кимсасиз қорайиб ётади.

Турдихол момо бир оз ўйлиниб турди-да, паст овозда шивирлаб сўзида давом этди:

- Юрт бузиляпти, болам, замон айниаяпти. Қантар оғиши ёмон, чархнинг авзойи бузуқ. Сен кўрган сир шунга боғлиқдай кўринади-ёв... Уч кун олдин Хуррам чека Абдиназар қоровулбегини, Вали ҳожини, Алимдар мирохурни отнинг дамига солиб, қаергадир ҳайдаб кетибди. Уларни уч кундан бери уйдагилар изиллаб кутишади. Хуррам чека от устида қаққайиб юрибди, лекин улардан дарак йўқ. Қизларой синглим чеканинг уйига бориб, зим-зиё кетганларини сўраб-суриштирса, у куйдируглик: "Мен сенларга ҳисоб бермайман. Ўзимнинг ҳисоб берадиганларим бор!" деб бечорани бўсағасидан ҳайдаб юборибди. Элнинг гапига етарларга китоб кўрганларга оғир бўладиган кўринади. Кунимиз шу Хуррам чекага ўхшаганларга қолса, шўримиз қурийди. Унинг авлодаждолида элга нон бергани, яхши-ёмоннинг олдига тушгани йўқ. Бобоси - мол ўғриси, отаси - от ўғриси, энаси - элак ўғриси. Энди бўлса, шу тагипастлардан тарқалган ўғли одам ўғриси бўладиганга ўхшайди.

Ойсут қайнонасининг гапларини эшитиб ўтириб, бу гапларнинг тўбага ва у кўрган сирга қандай алоқаси борлиги ҳақида ўйларди.

Кампир келиннинг кўнглини кўриб тургандай одатдаги чечанлиги кўзиб гапни ривоятлар томон бурди.

## ЭТАРЛАҲТАҲ ОМ, ИЛОҲ ВА БҲҲҲҲ

"Энди сен сўраётган тўба сари борсак, азал-азалдан шу тўбада одамлар яшашган. Бизнинг момоларимиз ҳам шу тўбани назаркарда жой деб иззатлашарди. Бир маҳаллар оғлиқлар тўбанингни ёнидан ўтса, отдан тушиб, отини етаклаб ўтишарди. От устида ўтсак, тўбанингни иззатига етмаган бўламиз ва касир топамиз деб кўрқишарди.

Момоларимизга момоларимиздан қолган бир ривоят бор. Ўтган замонларда шу эна дарёмизнинг бўйларида катта бир қавм эл бўлиб яшаган. Улар деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчиликни касб қилишиб, ўзига тўқ юрт бўлиб кун кечирришган. Насиба худодан келиб, эл кундан-кун бойиб бораверган. Теварак атрофдаги юртларни қимматчилик, қаҳатчилик босган пайтларда ҳам бу элнинг ризқи қийилмаган. Бў туганмас бойлик ва насибанингни манбаи қаерда эканлигини, бекамлик ва тугаллиқнинг сирини нимада эканлигини юрт оқсоқолидан бошқа ҳеч ким билмаган. Бу тилсим фақат оқсоқоллар орасида, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиб келаверган. Элнинг ўзи ҳам бу сирдан бутунлай беҳабар бўлган ва элбошига бўйинсиниб, яшайверган. Оқсоқолнинг энг улуг амри бу эди: Бир-бирингизга зулм қилманг!

Бошоқлар етилиб, бугдойзорлар шовуллар, қирларда булутдай сизирларнинг елинлари сутта тўлиб тирсиллар, далаларда битмас-туганмас ризку рўз сочилиб ётарди. Ўша замонларда ҳам сен билан мен билган шу тўба азизланар, ҳар хил оёқлардан сақланарди. Давлатмандликнинг сириям шу тўбада эди.

Тўбанинг битта илони, битта эгарланган оти ва битта буйқизи бор экан! Ҳар йили, йилда бир марта аниқ бир кечанинг аниқ бир вақтида тўбада илон, эгарланган от ва буйқиз барабар кўриниш берарди. Бу сир йилнинг қайси кечаси ва кечанинг қаймаҳалида белги беришини фақат юрт оқсоқоли биларди. Мабодо, белгиланган муддатни бошқа бирор одам билган тақдирда ҳам, содир бўлаётган ҳодисани — аввал тўба ёрилиб, кейин илон, эгарланган от ва буйқиз ер юзига чиқиб келишини барибир кўра олмас эди. Айтман-қу, гойиб сирлари ҳаммага ям юзини очмайди, деб.

Ўша қарғиш урган йили оқсоқол тўбадаги сирни охириги марта кўрди. Ойсиз, қора осмонда юлдузлар чарақлаб ётарди. Бир сас, бир товуш, бир нафас эшитилмайди. Шамоллар ҳам ўз горлариди ухлаб қолгандай. Осмон ҳам, ер ҳам зим-зиё зулмат. Фақат шу тилларанг юлдузлар оламнинг борлигидан белги беради. Шундай зим-зиё кечади, кимсасиз тўбанинг устида оқсоқол бўлажак воқеани кутиб ўтирарди. Бирдан тўба сувдаги кемадай чайкала бошлади. Ер остидан келган гумбурлаган товуш теваарак сукунатини ҳурқитиб юборди. Гуё отиладиган вулқонга йўл бераётгандай тўбанинг қоқ ўртасидан айлана ёриқ очила бошлади. Бу талотўпни кузатиб ўтирган оқсоқол ҳатто сесканмади ҳам. Нимага ям сескансин? Ахир, бу ҳодисани у неча бор кўрган, кўзлари ўрганиб келган. У ҳар йили бир марта бу тилсим билан юзма-юз келади. Чунки, ҳақ фақат унга берилган. Фақат, бундан ўттиз йил аввал, кекса отаси уни сирдан воқиф қилиш учун бу ерга олиб келганида юраги ваҳимадан ёрилай деган, бутун вужудидан реза-реза тер оққан, ҳушидан кетишига бир баҳя қолган. Кейин ҳам, уч-тўрт йилга дову, ёлғиз ўзи бу жойга учрашувга келганида юраги бетламай турарди. У аста-секин ўрганди, кўникди. Уни бу ваҳималар энди хавотирга сололмасди, фақат бир нарсаси, буй қиз кўриниш берганда у ҳажонланиб кетарди.

Ана, аввал ёриқдан катта бир илон чиқди-да, атрофни кузатиб, оқсоқолдан бошқа ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, сирли бир товуш билан ўзидан кейингиларга ишора берди. Шунда эгарланган оқ отнинг юганидан ушлаган ҳолда, буйқиз ҳам тўба юзиди пайдо бўлди. Кейин оқсоқолнинг кўнглидан шундай ўйлар ўтди: “Ажабо, ўттиз йил аввал ҳам бу қиз ҳозиргайдй бўйга етган, ой деса оғзи, кун деса кўзи бор, бир бўйидан нур ёғилиб турадиган бир фаришта эди. Ким билади, балки, минг йил бурун ҳам бу малак қаримайдиган ёшликнинг, ўлмайдиган гўзаликнинг тимсоли бўлгандир. Минг ажаб, у кимни интизор кутади? Юз йиллар унинг бир тола сочига даҳл қилолмаса, шамолдай дунёни силкитиб ўтаётган не-не даврлар унинг бир кипригини ўрнидан кўзгай олмаса? У юз йиллар бўйи кимни кутади? Юганидан тутиб, ёлларини меҳр билан силаб тургани — оқ тулпор кимга аталган?”

Ҳа, буйқиз буйқизлигинча қолган эди. Оқсоқол эса, кундан-кун тез қариб борарди. Унинг соч-соқоллари бутунлай оқарган, чехрасини ажинлар эгаллаб бўлган, кўзлари хиралашиб қолганди. У бешафқат қарилкдан қанча қочмасин, умрининг сўнгги сарҳадларининг ўзи унга тобора яқинлашиб келарди.

Оқсоқол ҳайрат билан қизга тикилиб тураркан, унинг чехрасида ўзига таниш ва азиз бўлиб қолган ўша табассумни кўрмади. Бир йилда бир марта кўриниш берадиган ўша табассум унинг қарийтган вужудига, қарийтган руҳига ҳаёт сувини инъом этарди. У қизининг бу гал ўйчан ва қайғули келганини энди англади. “У шу топда кўнглимдан ўтган ўйларни сезиб ранжидимикин?.. Ахир, менинг унга ошиқлигимда заррача кир, губор йўқ-қу?.. — дея ўзига таскин берди. Буйқиз элга аталган хазиналарни, дуру жавоҳирларни оқсоқолга берди-да, қайтишга шошилди. У ҳар йили элнинг насибасини тўба остидан ер юзига олиб чиқарди. Қизнинг маъюслигидан оқсоқолнинг дили ҳайрон эди. Шунинг учун у буйқиздан нима учун хафа эканлигини сўрашга ботинди.

— Хатар бор, — деди қиз ташвишли оҳангда.

— Ахир, сенга қандай хатар бўлиши мумкин, дунёдан холисан-қу?

— Менга эмас, сизларга хатар бор. Бу хатарга қарши менинг кўлимдан ҳеч нарсаси келмайди, — деди-да қиз оқ тулпорни етаклаб, ўз манзили сари равона бўлди.

Оқсоқол буйқизнинг ортидан паришон қараб қолди.

Турдихол момо ўтов ўртасида қат-қат кўрпалар устида ўтириб, ўйга толди. Сўнг кўйлагининг кенг ва узун енглари билан елпиниб олди-да, ҳикоясида давом этди:

### БҲҲ ҚИЗ БИЛАН БҲҲ ИГИТ

“Эна дарёмизнинг чап қирғоғида кўним топган элнинг бошида фалокатлар айлана бошлади. Кунчиқар тарафдан сонсаноксиз муру малахдай лашкар билан ғайри ёв бостириб келаятганлиги ҳақидаги шум хабар қора шамол каби юртга ёйилди.

Орадан кўп ўтмай, даҳшатли жанглр бошланди. Ёғий бешафқат ва кучли эди. Эл бечораю бесойиб қолди. Кўтарилган бошлар каллақлаб ташланди. Юрт ит талланган галой ҳолига келди. Очофат ёв шунча қон, шунча талон-тарождан сўнг ҳам ўзи тўйса-да, кўзи тўймай, юрт хазиначисининг сирини очишни элдан талаб қилди. Хуфиялар ёғий лашкарбошисига тўба сирини ҳақида хабар беришган эди. Улар элнинг ўзига тўбани қаздириб тупроғини элакдан ўтказишди. Лекин қатқалоқ кесаклар-у, бўм-бўш кўзалардан бошқа ҳеч нарсаси топиша олмади. Ҳазабланиб кетган ёв тўбанинг устида бутун элни, гўдакми-сан, ёшмисан, қаримисан, эркакмисан, аёлмисан, демай, бирма-бир қиличдан ўтказди. Тўбанинг ёнида яна бир тўба пайдо бўлдики, бу янги тўба жонсиз жасадлар ва кесилган бошлардан кўтарилган эди. Бу мурдалар тўбаси эди. Бутун бошли элдан бир қора қолмади. Бутун бошли эл бутунлай қирилиб битди. Юрт оғзи очиқ гўр каби ҳувиллаб қолди.

Бир ярим йилдан сўнг кунботар пайтида илм талабиди узоқ сафарга кетган бир йигит юртга қайтиб келди. Бу йигит тўба устида биринчи бўлиб қатл этилган оқсоқолнинг кенжаси эди. У обод юрт ўрнида култепалар, вайроналар ва харобаларни кўриб, эс-ҳушини йўқотиб қўйди, қайғу аламларга ботиб, изиллаб нолалар чекди. Уни элдошлари ва қондошлари ўрнига калтақесаклар, каламушлар ва бойўелилар кутиб олишди. Унинг ичидаги соғинч бир зумда даҳшатли жудолик азобига айланди. Йигит гоҳ бўғизланган ҳўкиздай хириллаб, гоҳ болалари ўлдирилган бўридай увиллаб, гоҳ хўрланган йўлбарсдай бўкириб, вайроналар бўйлаб вайрон изгиди. У ярим тундан ошганда, тўбанинг устига чиқиб борди. Баланддан туриб, қорайиб ётган харобалар ва култепаларга қараб, хўрлиги келиб фарёд кўтарди:

— Менинг одамларим қани? Муштипар сингилларим, суянчим — оғаларим, элим, элдошларим қани? Қани улар? Эй, боболар юрти, кимлар сени мунча хўрлади? Эй, момоларим юрти, қай нопок оёқлар сени топтади? Элим қани, юртим қани? — Йигит мук тушиб, бошини ерга уриб йиғлайверди. Шунда тўба бир чайқалгандай бўлди. Қандайдир гумбурлаган товуш эшитилди. Аммо кўзига дунё кўринмай, қайғу ўтида қоврилиб ётган йигит ненидир сезгандай бўлса ҳам эътибор қилмади. Энди унга барибир эди. Ер ёрилиб, осмон кулаб тушмайдими?!

Лекин тақдирнинг ўз ҳукми муқаррар. Йигит белгиланган кечага, белгиланган вақтга ўзи билмасдан етиб келган эди. Уни қисматнинг ғаройиб тухфаси кутарди. Бу пайтда тўба қоқ ўртасидан ёрилиб, буйқиз эгарланган оқ тулпорни етаклаб, ер юзига чиққан эди. Буйқиз мук тушиб фарёд кўтараятган йигитнинг қошига келиб, унинг бошини силади-да: “Тур ўрнингдан, ўғлон!” — деди.

Йигит бошини кўтарганда, эгарланган оқ тулпорнинг юганидан тутиб, унга иймашиб қараб, ним табассум ҳада қилаётган бир сулувни кўрди.

— Кимсан? — деди бўз йигит.

— Мен сенинг юртингман; — деди буйқиз.

— Кимсан?

— Мен сенинг элингман.

— Кимсан?

— Топталган тупроғингман.



- Кимсан?  
 - Хўрланган севгингман.  
 - Қаердан келдинг? — деди бўз йигит.  
 - Қонга ботган тупроқдан, - деди бўйқиз.  
 - Энди қайга борамиз? — деди бўз йигит.  
 - Ҳаётга! — деди бўйқиз.  
 - Биз ким бўламиз? — деди бўз йигит.  
 - Биз юрт бўламиз! Биз эл бўламиз! Биз дарахтлар, майсалар, экинлар, гуллар ва фарзандлар, бугдойлар ўстиргувчи тупроқ бўламиз, - деди бўйқиз.

Шундай қилиб бўйқиз бўз йигитга эгарланган оқ тулпорнинг жоловини тутди. Икковлон оқ тулпорга мингашти тўбадан пастга эндиладар. Култепалар ва харобалар зимистонини энди ҳаёт нури кесиб ўтиб борарди.

Биз шу бўйқиз ва бўз йигитдан тарқалган элмиз. Аянчли қирғин, мудҳиш кўргилиқдан сўнг бу тупроқ устида яна бутун бошдан эл кўкара бошлади”.

Ойсут қайнонасининг гапларини эшитиб ўтириб, бу кампирнинг ичи гапдан тўлиб кетган, бир оғиз сўз сўрасанг минг оғиз гап оласан деб ўйланди. Ўзиям бало кампир, билмаган нарсаси йўқ. Турдихол момо эса, ўзи ҳикоя қилган ривоятдан ўзи илҳомланиб, гапида куйиниб давом этарди:

### БЕВАНИНГ ҚАСОСИ

“Биз шундай наслданмиз. Худонинг иродаси билан бош бобомизни бош момомиз минг йиллаб кутган. Лекин шундай наслдан Хуррам чекага ўхшаганларнинг чиққанига куйиниб кетаман. Одамни соғиб нонини еб бўлар эканми? У кўймиди, сигирмиди — пуллаб юбораверсанг. Юрт ҳам, замон ҳам ўзи бузилиб, ўзи айнамайди. Шунга ўхшаган куйдиргуликлар ичбуруғ бир бузоқ подани булғагандай, юртниям, замонаниям булғайди. Шу Хуррам чеканинг Қора качал деган ўғри отаси бўлган. У муштдайлигидан элнинг кўрасиндаги кўйиниям, тўрвасидаги бугдойниям кўймаган, шўрини қистириб, шилиб кетаверган. Чеканинг Қиммат қийқанг деган энаси бўлса, ҳамсояси Анзиратнинг ички кийимларини ўғрилаб, ном чиқарган. Э-э, ўл-е, сенга ўғрилайдиган бошқа нарса куриб кетганмиди? Отанг ким-чи, энанг ким-чи, ўтириб орқангни чимчи. Мана энди, шуларнинг ҳаром тўли — Хуррам чека одам ўғриси бўлиб етиди. Отадан ўзиб, энадан тўзди. Олтов оранинг орасига кирса, гап пойлайди. Бундай худо урганнинг олдида худони мақтасанг тилингдан бойлайди. Ўзи гурунглашайлик деб, кўймай гапиртирар экан-да, гапингдан тутиб, ўрисга топширар экан. Қора качалнинг-ку тириклигида икки дунёси ҳам куйиб кетган. Бу гўрингга ўт тармашгурга ҳамманинг қарғиши бир тараф бўлди-да, Норбуви бечоранинг қарғиши бир тараф бўлди.

Норбуви эри ўлганида йигирма беш ёшда эди. Узукнинг кўзидай уч бола кўли калта шу ожизанинг кўлига қараб қолаверди. Чорасиз қолган тул хотин мол-ҳол қилди, жонини жабборга бериб ишлади. Ҳам сулув, ҳама серғайрат эди-да бечора, бир ўзи икки эраккнинг ишини қила оларди.

Бир куни у шом чоғида бир боғ ўт орқалаб, тўбанинг ёнаси бўйлаб ҳориб-голиб келаётганда, от устида қайқайиб бораётган Қора качалга дуч келади. Куриб кетсин, Қора качалга эмас, балойи баттарга дуч келади. Бу пайтда тўба атрофида Қора качал билан Норбувидан бошқа тирик жоннинг қораси кўринмасди. Бундай бемалолгарчиликда нафсини қондириб қолай деган Қора качал ирғиб отдан тушиб, беванинг йўлини тўсди. Оқибатда, Норбувининг аввал етимларини, кейин худони ўртага солиб, қилган нолишлари, ўзини ҳар ён уриб, номусини сақлаб қолай деб уринишлари бекор кетди. Қора качал уни хўрлаб, зўрлади.

Шом чоғида бизнинг элимиз, ўликка жаноза ўқитмай туради. Шом чоғида бизнинг эраккаларимиз, ҳатто, ўзларининг жуфти ҳалолларига хире кўзи билан қарашдан йиманади. Качал бўлса, айни шом чоғида Норбувини зўрлади.

Эртаси элга гап тарқалди. Гапга етарлар, кўриб-кечирганлар Қора качалнинг уйига бориб, икки оёғини бир этикка тиқиб, қилган қилиғига жавоб талаб қилдилар. Кўрқиб кетган качал: “У тегаман деди, мен оламан дедим” деб ўтрик-ёлғон билан қутилиб қолди. Бу гап унинг хотини Қиммат қийқонга қўл келди, кўчани бошига кўтариб, ўтган-кетганга: “Норбуви тул қолмасдан олдин ҳам менинг эрим билан

“дон” олишиб юрарди, ўзи кўзини сузган, уй қолиб кўчада, тўшак қолиб хашақда ўзи эримнинг кўйига кирган. Гунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узармади, эримни у йўлдан урди. Энди ўзининг макрини қирқ эшакка юк қилиб ўтирибди, - деб вайсайверди, валақлайверди.

Тонгда оқшом Норбуви ҳовлисида кўшни аёл билан дардлашиб ўтирганида, унга качалдан совчи борди. Тенг-тенги билан, тезак-қопи билан деганларидай, совчи ҳам бир вақтлар ўзининг янгасининг кўйига кириб қўйган, тўртоворани кўрмаган, кўрсаям булғаб ўтган Мели бурун деган бир кимса эди. Унга фақат бурнининг катталиги учун “бурун” деб лақаб беришмаган, бу бедиенатнинг бурнини суқмаган жойининг ўзи йўқ эди, бунинг устига, бурундан тоза нарса келмаганидай, Мелидан ҳам тозалани кутиб бўлмасди.

Мели бурун ҳовлидаги супада тиззанглаб ўтириб, ўзида йўқ салобатни бор қилиб кўрсатмоқчи бўлиб, кўп уриниб, энди келишдан ниятини айта бошлаганида, Норбуви ўрнидан турди-да, шошилиб, уйига кириб кетди. Икки дақиқа ўтмасдан у кўлига милтиқ билан ташқарига отилиб чиқди. Норбуви шахт билан Мели буруннинг олдига келди. У марҳум эрининг белбоғини белига маҳкам боғлаб олган эди. Норбуви милтиқнинг чақмоғини қайтариб, ўнг кўлининг кўрсаткич бармоғини тепкига қўйиб, милтиқ оғзини совчининг пешонасига тиради. Мели бурун бир неча лаҳза дахшатдан қотиб қолди. Сўнг терга тушиб, қалтирай бошлади. Ўзини ҳайбатлироқ кўрсатиш учун атай тиззанглаб ўтирган бу кимса жон илжинида ҳансираб, бўйин шилқ этиб тушиб, букчайиб қолди. Норбуви шиддат ва нафрат билан сўради:

- Сўзларимни эшитишга кучинг етадими?

Мели бурун букчайганча, қалтираб ётарди.

- Сендан сўраяпман, сассиқ кўнгиз, сўзларимни эшитишга кучинг етадими?

Бу пайтда Мели буруннинг кичик кўзлари очилиб-юмилиб, эчки соқолидан томчи-томчи тер оқиб тушарди. У зўрға: “Ҳа-а...” деди.

Шу дамда Норбувининг бугдойранг чехраси бир ҳовуч чўққа айланган, катта-катта кўй кўзларида нафрат... фақат нафрат олови порлар, узун-узун киприқлари қилт этмасди. У ўнг кўли билан милтиқни Мели буруннинг пешонасига тираб туриб, чап кўли билан бошидаги маймунғози рўмолини ечди. Норбувининг бошидаги қоп-қора сочлари алам ва нафратдан кўтарилиб тушаётгандай ва бу сочлар ўз соҳибасининг ичидаги зилзилалардан силкинаётгандай туюларди. Норбуви рўмолини ҳамон кўрқувдан титраб, ерга ёпишиб бораётган Мели буруннинг бошига ёпди ва чап кўли билан белига боғланган белбоғни бир тортиб қўйди. У милтиқ оғзини бошига рўмол ёпиниб, ўлик-тириклигини билмай ётган Мелининг пешонасига қаттиқроқ тиради-да, овози титраб хитоб қилди:

- Кўрқма, дириллама, бу ўқ сенга аталмаган. Бу ўқнинг ўз ўлжаси бор. Лекин менинг гапларимни харом ҳамтовоқларинга оқизмай-томизмай етказ! Мен саёқ юрган итга тегарман, мен кўтир босган эшакка тегарман, лекин, Қора качалдай булғанч, ўз тўлини ўзи ейдиган, харом, исқирт ўргимчакка тегмайман. У итдан паст, эшакдан тубан. Менинг шу гапларимни ўша харомига бориб айт!

Норбуви шундай деб милтиқни Мели буруннинг пешонасидан олди-да, унинг бошидаги рўмолни тортиб, силқиб олди ва газаб билан шивирлаб, “Йўқол...” деди. Унинг бу шивирли Мелининг қулоғига момақалдироқ гумбурлашидай эшитилди. Мели бурун аввал эмаклаб, кейин гандираклаб оёққа туриб, супадан тушди. Сўнг тўкиллаб югуриб, ҳовлидан чиқиб кетди. Норбуви бу ишларни ҳайратланиб кузатиб турган кўшни аёлнинг қошига бориб, кўксига бошини ташлади-да, ўкраб-ўкраб йиғлаб, тўлиб кетган юрагини бўшатди. Кўшни аёл Норбувининг елкаларини меҳр билан силаб: “Худога шукур, худо сизни сақлади, бир ҳаромнинг товоғига қоласизми, деб кўрққан эдим...” деб кўзига ёш олди.

Мели бурун шу куни азбаройи, довдираганидан: “Бундан кейин совчилик қилсам, азиз авлиёлар урсин!» деб қасам ичиб юборди. Лекин унга қасам сув ичишдай бир гап эди. Қолаверса, эл орасида качалдан бошқа ҳеч ким ундан совчилик тугул, бировга дуойи саломини етказиб қўйишни ҳам сўрамасди.

Қора качал эса, газабланиб: “Мени ҳақоратлаган бўлса, қараб турсин! Кейинги ҳафтада кўрасида тиррик улоғи ҳам қолмайди. Бир кечада молларини ўғрилаб, Ангорнинг даллаларига хузурини кўрсатаман” деб яна паст кетди.

Бироқ Қора качалнинг ўзидан ҳам паст нияти амалга ошмай қолди. Норбувининг номуси хўрлангандан сўнг роппа-роса етти кун ўтгач, тўбанинг этагида галати воқеа рўй берди. Айни шом пайти Қора качал тўбани айланиб ўтадиган йўлдан Қорабайир отини чоптириб келарди. У қаёққадир шошилганидан отга аямай қамчи босарди. От худди ўша жойга етиб келганида, нимадандир хуркиб кетди ва Қора качал эгардан учиб тушди. Баҳадир туёқ унинг ўнг қиринидан зарб билан босиб, жигарини эзиб юборди. Хуркиб кетган Қора байир қочиш ўрнига қаттиқ кишнаб турган жойида депсиниб, сапчий бошлади. У туёқлари остида типирчилаётган эгасини яна қаттиқ тепкилади. Қора качалнинг оғзидан қоп-қора қон келди.

Норбуви качалнинг ўлганини, жасади тўбанинг ёнида эрталабгача қолиб кетганини эшитиб, бир оз тинчланди. Лекин уни ҳамон қасос ҳисси қийнарди. Унингча, Қора качални ўзининг оти теккилаб эмас, балки Норбуви отиб ўлдириганида адолатли бўларди.

Қора качалнинг еттисини беришаётганда, қабристон қоровули, милтиқ кўтариб, гўрларни оралаб юрган Норбувини кўриб қолди. У аёлга етиб олиб, нима учун гўрхонада милтиқ кўтариб юрганини сўради. Норбуви чолнинг юзига тик қаролмай:

- Менга качалнинг гўрини кўрсатинг, - деди.

Кичик жуссали қотмадан келган, оппоқ соқоли кўксига тушган, юзларини қават-қават ажин босган чол аёлнинг ниятини тушуниб:

- Мундай қилма, қизим. Ёмон жазосини олди. Мундай қилма... - деди.

Норбуви кўзлари билан ер сингалаган кўйи деди:

- Кўрсатмасангиз ўзим топаман. Яхшиси, кўрсатинг, бобо.

- Сира ҳам бундай қилолмайман. Гуноҳга ботишингни истамайман, - дея чол саллала бошини сарак-сарак қилди.

Норбуви шахт билан олдинга кетди. У қабристон оралаб... юриб эмас, учиб бораётгандай туюларди. Ниҳоят, у ҳали тупроғи хилвираб турган янги бир гўр бошида тўхтади. Сўнг халатининг кенг чўнтагидан ўқларини олиб ерга териб қўйди.

Биринчи ўқни милтиққа жойлаб, бир муддат хаёл суриб туриб қолди. Сўнг юм-юм йиғлади. Унинг кўзларидан топталган номуси ҳақи аёл юраги сим-сим оқиб тушарди.

Бу пайтда чол лапанглаб етиб келди.

- Нима қилмоқчисан қизим? - гўранди чол.

Норбуви рўмолининг учи билан кўз ёшларини артиб:

- Менга индаманг, бобо, мени қайтарманг. Барибир билганимни қиламан. Одам ҳамма нарсга, йўқчиликка ҳам, ўлимга ҳам чидар экан, бобо, лекин, хўрликка чидай олмас экан. Бугун качалнинг еттиси... Мең унинг еттисига етгита чалпак атаганман. Сиз фақат тўғрисини айтинг, янглишсангиз, икковимиз ҳам гуноҳга ботамиз. Тўғрисини айтсангиз, бас. Бу качалнинг гўрими? - дея қабрини милтиқ билан нуқиб кўрсатди.

Чол кўриб кечирган, оғир-вазмин, оқил одам эди. Шунинг учун у панд-насиҳат бекор эканлигини англади:

- Ҳа, качалнинг гўри шу, - деди-да четга ўтди.

Норбуви қабрнинг қорнига қаратиб биринчи ўқни узди. Кейин иккинчи ўқни милтиққа жойлаб, қабр бошига отди. Сўнг учинчи... тўртинчи... бешинчи... олтинчи... ва ниҳоят ўқни қабрнинг қоқ белига отди:

- Мана сенинг еттигга аталган еттигга чалпак! - деди.

У ҳар бир ўқни узганида милтиқ оғзидан отилаётган олов билан бирга, унинг кўзларидан ҳам ўт чақнаб кетди. Гуё бу ўқлар милтиқдан эмас, унинг кўзларидан отилди.

Норбуви бир муддат жим қолди. Чол унинг ёнига келиб, қўлидан милтиқни олди-да:

- Юрагинг яхладими, қизим? - деб сўради.

- Жуда чанқаган эдим, бобо. Томоқларим қақраб, куйиб кетган эди. Ҳозир муздай сув ичдим - дея Норбувининг кўзларига гилт-гилт ёш келди. Чол қабрга қараб, ўйлиниб туриб деди:

- Гуноҳга ботмадикмикан, қизим, мен қараб турдим, сен отдинг. Худонинг ҳаҳри келмасин, ишқилиб.

- Бу ишни худонинг ўзи кўнглимга солди. Худога бизнинг ор-номусимиз керак. Кимки, качалнинг гўрига бир ўқ узиб ўтса, савобга қолади.

- Ҳай, майли, юрагинг яхлаган бўлса бўпти-да, қизим.

- Шу хароми мени хўрлагандан бери яшай олмаётган эдим. Энди яшайман. Болаларим билан насибамизни терамиз. Энди яшасам бўлади, бобо.

Шундан сўнг чол билан Норбуви қабристон оралаб овулга қайтишди. Йўлда улар бир-бирига бир оғиз ҳам сўз дейишмади”.

## МЎБАҲИЖТ СИРИ

Тирамоҳнинг рангпар қуёши ўтов чангароғининг бир буржидан мўралади. Ичкарига кирган бир тутам нур ўтов ичида кўз илғамай сузётган губорларни тўзгитиб юборди. Ўтов ичи чароғон тус олди. Сандиқ устидаги оҳори тўқилмаган кўрпалар, керагага осилган сўзаналар, увуқларга тирмишган нафис тўқилган гулдор зардеворлар, келинқош ва чиройли тикилган қурлар уйга оқиб кирган нур тўлқинида кўзини қамаштириб, ярақларди.

Бешиқда бола бигиллади. Ойсут бешиқнинг бахмал ёпинчигининг бош томонини очиб, тилини атай соқовлантириб, боласини эркалаб, нималардир деб алқиди. Лекин бола қуруқ таваллога кўнмай тамшаниб, йиғлайвергач, Ойсут бағрини бешиқка босиб, уни эмиза бошлади, гўдак тинчланди.

- Болангга аллани кўпроқ айт, - деди Турдихол момо келинига. Аллани кўп эшитган боланинг тили ўткир, юраги катта бўлади.

Кампир ўрнидан турди-да, бешиқдаги каттакон салласини икки кўли билан ечиб олиб, йиғилган юк устига қўйди. Ўзиям, саллам салла-да, нақ лайлакнинг уясидай келади. Авваллари кампирлар ва ёши ўтган аёлларга салла ўраш удум бўлган. Салла ўрашининг ҳам бутун боши тафсилоти бор. Олдин бошга тўпи кийилади. Тўпи бу ички дўппи дегани! Унинг орқа қисмида кифтигача тушиб турадиган бир қарич узунликда тўпигичи бўлади. Тўпининг устидан уч-тўртта турли рангли қийиқлар боғланади. Қийиқлар устидан етти-саккиз газ келадиган узун мато энгага икки-уч букланиб, маромига етказиб, ўралади. Мато ўралаётганда пешона устидан қават-қават бир текис нақш чиқарилади. Қат-қат ўралган мато устидан яна турли рангдаги қийиқлар чийилади. Сўнг аёлнинг бошидан икки баравар катталикдаги салла тайёр бўлади. Бошга ўралган салла устидан катта оқ дастор, оқ дасторнинг устидан эса, ўн беш-ўн олти чоракли катта рўмол ёйилади. Бурунги замонларда ўрта ёш аёллар алвон рангли, кекса кампирлар оқ рангли матодан салла ўрашган. Бурунги замонларда аёллар салласини ўтовнинг рамзи деб билишган.

Турдихол момо катта гулдор рўмолини салласи устидан олиб, яланг бошига ташлаб қўйиш учун уч бурчак қилиб икки буклади. Ойсут қайнонасининг сочига қаради. Бир толаям қораси қолмабди. Оппоқ, Бу дунёнинг иши - тимқора сочларининг оққа бўяб қўзатиб қўйишдан иборат.

Кампир рўмолини бошига ташлади-да, орбонглаб келиб яна жойига ўтирди. Бешиқка суяниб, қайнонасини зимдан кузатаётган Ойсут гап қўшди:

- Битта тўбада шунча гап бор экан. Биз бўлса, ҳар ўтганда, ҳа шундайчикни тўба-да деб, ўтамиз-кетамиз. Сизлар тўбанинг туядай чўкиб, ғариблашиб, мунғайиб қолганини кўрдинглар, - дея кўйлагининг узун енглари қайтариб, Турдихол момо бир неча сония ўйга толиб қолди. Балки, у шу зумда тўба атрофида ўйнаб-кулаб ўтган болалик йилларини, қизлик фасллари, чимилдиқдаги чиллалик даврларини эслаб кетгандир...

- Бир пайтлар тўбанинг ҳайбатидан от хурқар эди. Бурунги замонларда бу жой бир шаҳарнинг кўрғони бўлган, дейишади. Ҳозир ҳам кавласанг одам суякларига суринасан. Куйиб кул бўлиб кетган этак-этак буғдой дейсанми, оғзи анқиллаган бўм-бўш кўзалар дейсанми, ҳозирам тўбадан портилаб чиқаверади.

Кейинги қирқ йилда тўба ўз-ўзидан чўкди.

Ойсут кўрқув ва умид аралаш:

- Барибир, мен кеча кўрган сирнинг сирнинг маъносини

айтмадингиз, - деб сўради.

- Сен кўрган сирнинг маъноси шу: кеча тўбадан дунё кўчиб кетган. Элнинг насибаси осмонга эмас, ерга сочилган бўлади. Дунёни давлат тупроққа беркинади. Замон бузилапти-да, болам, дунё оёқ-ости бўлишни истамаган. Бир кечада кўчган-да кетган. Насиба — улуг нарсаси. Эгалари келган-да, дунёни от ва туяларга ортиб, карвон билан обкетган. Энди бу ердан барака учадиганга ўхшайди. Назаркарда тўба бир сирни сенга кўрсатибди. Энди бу ёғига пешонада борини кўраверамиз. Ишқилиб, ойлар ўнг тугсинда.

Турдихол момо гапни тугатиб улгурмасдан ташқарида от дупури эшитилади.

- Биров келди, сен болангга қара. Эшикка ўзим қарайман, - деб кампир ўрнидан кўзғолди. У ўтова остонасига етганда, қия очик, эшикдан Хуррам чекани кўрди. Турдихол момо азройилни кўргандай қўлини ёқасига олиб бориб, қўйлагининг кўкрак бурмасидан тортиб, уч марта ичига туфлаб қўйди.

Шундан кейин кўп йиллар мобайнида бу элнинг бошида ойлар ўнг туғмадилар. Тонглар қорайиб, кунлар кўкариб, кечалар торайиб бораверди. Покдомон юрт ўғлонларини ўзга тупроқларга хор-зорлик, сарсон-саргардонлик ботқоқларига бирма-бир отаверди.

Ойсут қариндош-уруғлари, эри ва қайноғалари қатогонга учрагандан кейин дунёнинг кўчиши ҳақидаги ҳикматни англади.

### ОЙСУТ МОМО БЎЛТАНДА

Ойсут момо кўп галати қариди. У кексайиб қолганда ҳам молларни сизлаб гапирадиган бўлиб қолди. У сигир, қўй, от каби ҳалол жониворлар каби итларни ҳам, ҳатто эшакларни ҳам “сиз”лаб гапирарди. Биров — ярим кулди. Биров — ярим, ҳа ўзи ҳокисор кампир-да, деди. Кейинчалик уни жуда иримчи бўлиб қолибди, деб айибситишди. Чунки, Ойсут момо тандирни, ўчоқни, белни, кетмонни, ҳатто, урчуқни ҳам азиз тутарди.

Бир кун болақайлардан бирови ип йигириб қўйилган урчуқнинг устидан хатлаб ўтганида, у қаттиқ ранжиб, кўз билан қўл меҳрининг устидан хатламанглар, деб уришди.

Бел ё кетмоннинг хор бўлиб, оёқ остида ётганини кўрса, уларни ердан олиб тавоб қилар, бобо деҳқон хафа бўлади, деб бир чеккага, оёқ босмас ерга олиб кўярди. Бел билан кетмон — ернинг калити, деҳқоннинг қўли, деб айтарди у. Лекин, белни зинҳор уйга суятмас эди.

Ойсут момонинг овсини вафот этганида, марҳуманинг эртасига эрталаб чиқарадиган бўлишди. Гўркорлар қабрни кечкурун тайёрлаб қўйишди. Шунда кампир қабр ичига бел ё кетмон қўйиб келишга қариндошларини мажбур қилди. У, бел ё кетмон қабрга қўриқчилик қилади, йўқса, қабрни тунаб кетишади, деб туриб олди.

Бир қарашда унинг гаплари ва ҳатти-ҳаракатлари гайриоддий бўлиб кўринса-да, бу уринишларда ҳикмат бор эди.

Ундан, “нимага ҳайвонларни сизлайсиз?” деб сўрашганида, “уларнинг бизда ҳаққи кўп” деб жавоб берарди, унга “шу эшакни сизламасангиз бўлмайди” деб ҳазиллашса, у эса, “Хуррам чекага ўхшаганларни сизлаганимизда, эшакни сенлайман” деб қўйди. Ойсут момо бу гапни йиғламади айтди. Атрофдагилар унинг алами ва нафратини тушунишмай, яна кулиб қўйишди.

Аслида у иримчи ҳам эмасди. Ниҳоятда таъсирчан, ниҳоятда сезги ва кўнгли бўш эди. Шунинг учун ҳам гоҳо бошқаларга байрам бўлиб кўринган нарсалар унга фожеадай бўлиб туюларди.

У умрининг охиригача йигитлигида қатагон қилинган эрини кутиб яшади. Тўнғич ўғли отаси уйдан кетган пайтлардаги ёшдан ўтиб, қирчиллама йигит бўлганда ҳам у куттаверди. Ўзи қариб, мункиллаб қолганда эрини ҳам қаригандир деб ўйланди. Лекин, қанча уринса ҳам эрининг қандай қариганигини ҳеч тасаввур қилолмади. У ўз хотирасида йигирма саккиз ёшли қарсиллаган йигит бўлиб қолиб кетган эрини гоҳо оппоқ соқоли, гоҳо саллалаи суратда хаёл қилиб кўрди, лекин аниқ бир сурат тасаввурда гавдаланмади. Ту-

манли таассуротлар орасидан яна ўша йигирма саккиз ёшли қотмадан келган, узун бўйли, қора мағиз, кўзлари каттакатта, қошлари қалин, ёноқлари туртиб чиққан йигит юзга қалқиб чиқаверди.

Йўқ, “у киши” қаримай, ўтизга ҳам етмай, Ойсут ҳамон тасаввур қиладиган ўша кўринишда оламдан ўтиб кетган эди. У эрининг ўлдириб юборилганини умрининг охириларига бориб сезди. Агар “у киши” тирик бўлганида, кампири уни қари чол кўринишида тасаввур қила оларди. Унинг хаёлидан ҳамон ёш бўлиб кўриниши бежиз эмас.

Тақдири бутун қўшилганларнинг вужудлари ҳам, кўнгиллари ҳам, хаёллари ҳам бирга қарийди.

“...Энди нариги дунёда у киши билан дийдорлашамиз...”

Ойсут момо бирдан хижолат тортиб кетди. Худди келинлик даврларидагидай ийманди: «Ахир, “у киши” нариги дунёда йигирма саккиз ёшли йигит қиёфасида юрган бўлса, мен қариб-чуриб, мункиллаб қошига борсам... Бу қандай бўлар экан?...»

У ўз ўйларидан қуйманиб турди-да, яна бўлажак учрашувга тайёрлана бошлади.

“Майли, қандай бўлмасин, бир кўрсам бўлди. Айтилмай қолган гапларимни айтсам. Икки ўғил билан кечирган қора кунларимни бирма-бир сўйласам... Не кунларни кўрмадик, не қонларни ютмадик. Йўқ... йўқ... у кишига торган азобларимни айтиб ўтирмай... Ҳаммаси ўтди-кетди.

Соғинчимни айтаман, эллик йиллик орзуларимни, хаёлларимни, умидларимни айтаман. Овулимиз ҳақида, одамларимиз ҳақида, дала-дашларимиз ҳақида қизиқ-қизиқ гапларни айтаман. У киши кетгандан бери олам қанча ўзгарди.

Йўқ... мен у кишини кўрсам, тортиниб, ийманиб яна ҳеч нарсаси деёлмай қолсам керак. Эллик йил аввал ҳам у киши карвон ҳайдаб сафарга хатлаб кетганларида, ичим гапга тўлиб кетарди. Келса ундай дейман, келса мундай дейман, деб айтадиган гапларимни кўнглимга тўлдириб ўтирардим. У киши келарди, лекин бир сўз деёлмасидим. Нариги дунёда ҳам шундай ийманиб, тилим айланмай қолса керак. Майли, аввал у киши чехрамга қарайди-да, айтадиган ҳамма гапларимни билиб олади.

Биз қандай учрашар эканмиз.

Э худоийм, нима бўлгандаям, у кишига мени ёмон қилиб кўрсатма. У киши келмади, энди ўзим бораман!»

Ойсут момо шу каби хаёлларга фарқ бўлиб ўтирган бир кеча, бутун овул уйқуга кирган паллада тўба томондан олаговур, шовқин-сурон эшитилди. Отлар кишнаши, туялар қийқириши, одамларнинг бақир-чақирси ҳамма-ҳаммаси унинг қулоқларига таниш эди.

Бу пайт уй ичиди унинг икки набираси дарё тошса ошиғига чиқмай, дунё беҳабар пишиллаб, ухлаб ётарди.

Ойсут момо нималарнидир пичирлаб, дуо қилди. Тўбада бўлаётган сир аён эди. У шу дамда эл-юрти билан юзма-юз тургандай шивирлади:

- Кўчган дунё юртга қайтибди-да, давлатинг кутлуг бўлсин, эй юрт.

Сўнг пишиллаб ухлаб ётган набираларига қараб, меҳри ийиб айтди:

- Эй, ўша бўй қиз билан бўз йигитнинг авлодлари, давлатингиз, насибангиз юртга қайтди. Биз келганда кўчган дунё, кетар чоғимизда юртга қайтди. Насибангиз кутлуг бўлсин. Энди бу ёғи сизларга ҳавола.

Набиралар эса безовта-безовта тўлғониб, донг қотиб ухлашарди.

\* Ўтов - икки хил бўлади: олтмиш бошли ва тўқсон бошли, яъни олтмишта увуқли ўтов олтмиш бошли дейилади.

\*\* Келинқошлар - бир неча метр келадиган, бармоқ энлигида, жундан юпка қилиб тўқилган нақшли тасма

\*\*\* Тўрликбоб, отмабоб, чарақайбоғиш, қурбоғиш, попукли тизма - буларнинг ҳаммаси жун, ипак ва пахтадан энсиз ва юпка тўқилган бир-биридан тўқилиши ва нақш услуби билан фарқланадиган ва ўтовни тутиб туришда маълум вазифани ўтайдиган безакли нарсалардир.





Садоқат УРДУШЕВА

### ШИРОҚНИК СЎНАТТИ СЎЗИ

Қиру адирларда,  
Қўшиқлар айтиб,  
Юрмоқлик кимга ҳам туюлмас тотлик  
Аввал икки қулоқ,  
Сўнгра бурунни  
Майли, қурбон этай сенга, Озодлик.

Нечук кўзингизда  
ёш она халқим,  
ва ё кўрдингизми кўзда ёшимни  
Сиз учун ўкинманг  
ҳа, ҳа сиз учун,  
Керак бўлса, ҳада қилгум бошимни.

...Ана, ниятимга етдим  
душманнинг  
Рангида қон йўқдир, руҳи хору хас,  
Менга ўлим нима  
Фақат, она юрт  
Тупроғи ёғийга топталмаса бас.

### ЎЗБЕК

Оёқлари толса ҳам, сўзсиз,  
Зўрға нафас олса ҳам сўзсиз,  
Тухматларда қолса ҳам, сўзсиз,  
Бир эл яшар менинг ёнимда,  
Кони оқар жисму жонимда.

Пешонаси теридан шўр энг,  
Муруввати бағридайин кенг.  
Қўй оғзидан чўп олмаган денг,  
Бир эл яшар менинг ёнимда,  
Кони оқар жисму жонимда.

Андишадан юраги қуюк,  
Лек эътиқод, иймони буюк,  
Боболари жаҳонга суюк,  
Бир эл яшар менинг ёнимда,  
Кони оқар жисму жонимда.

Авайлагум чўпдан, кўздек у,  
Онадайин тансиқ сўздек у,  
Ўз юртига содиқ ўзбек у,  
Бир эл яшар менинг қалбимда,  
Кони оқар жисму жонида.

Жизах тумани.

### ГУЛИМ ТАЪРИФИ

Гул сайлига келгандим,  
Гулзордан гул тергандим.  
Яширмайман, жўралар,  
Гулга кўнгил бергандим.

Раъно унинг юзларида,  
Аъло эрур сўзлари.  
Юрагима ўқ санчган -  
Ўшал жоду кўзлари.

Баҳор эмас аслида,  
У шоҳ ҳусн қасрида.  
Айб этмангиз ёқтирсам -  
Умримнинг ишқ фаслида.

Гулимга таъриф ожиз,  
Улдек гўзалмас ҳеч қиз.  
Ёнимдан ёниб ўтса -  
Вужудим этар "жиз-жиз"!

Насиб этсин, илойим,  
Менга шу - оппоқойим.  
Жонима ўтлар қалар -  
Сўз қотиши мулойим.

Гарки, олсам суҳбатин,  
Ёт бўлмай укубатим.  
Балки, шудир менинг ҳам -  
БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ!

### КЕРАКМИДИ...

Даҳрда бор эрур бир БУЮК туйғу,  
Инон, у ўлмагай ҳеч қачон гулим.  
Ўша бизнинг - севги - покиза инжу -  
Саробга соврулган хўп осон, гулим.

Умримда шам янглиғ бир ёниб ўчдинг,  
Бошқа қайтмас бўлиб, айт, қайга учдинг,  
Наҳот, суймагanning бўйнидан қучдинг,  
Курашмоқдан кўрққан нолавон гулим.

Наҳот тақдиримиз йиғлоқи шунча,  
Наҳот кўзлар шодмас, ғамгиндир тунча,  
Наҳот ўхшаб қолдик ой ила кунга,  
Ҳаттоки, ёв бизга ер-осмон, гулим.

Менинг кулбачамга аталган қуёш,



Бугун олисларда... таққан тиллақош.  
Қалб беролмас сенсиз яшамоққа дош,  
Қилмасанг, юракни бунча қон, гулим?

Биламан, бошқадир йўлимиз энди,  
Тутолмас бахт жомин қўлимиз энди,  
Фақат армон ўнгу сўлимиз энди -  
Керакмиди, бизга, айт, ҳижрон, гулим?

Паркент



Ҳамид ЗИЁ

Узоқ хасталикдан соғайиб,  
Салқин садо билан келди куз.  
Юрагимда кетди сарғайиб, -  
Жоним, сенга айтилмаган сўз.

Сен турган тоғ бирам сервиқор,  
Чўққисида қуёш шуъласи.  
Юрагингга талпиниб оқар,  
Юрагимда севги жилғаси.

Турфа ранг тилсими-олам,  
Кўзим қаросин кетмас ташлаб.  
Демак, сени қилгани ҳамдам,  
Айтилмаган сўз келар бошлаб.

\* \* \*

Оҳ, қўшиқлар - жаннатий қушлар,  
Дил ичра кезинар чарх уриб.  
Қанотлари уйғоқ тушлар,  
Дунё баҳор тўзимдан туриб.

Ҳатто бармоқларим ҳавасманд,  
Найзалар-да боқар қўшилиб.  
Кўришмас, қайтишар беписанд,  
Дарё шовқинида бўғилиб.

Шамолнинг ҳам овози тинар,  
Ухлар кўзим четида ётиб.  
Фақат дунё кетолмай турар, -  
Қорачуғим ичида боқиб.

Эллиққалъа тумани.



Фарида  
БОБОЖОНОВА

### БЕВАҚО ЁР

Қиров бўлиб қароғимда қолиб кетдинг,  
Муҳаббатим олисларга олиб кетдинг.  
Бошгинамга не савдолар солиб кетдинг?!  
Бевафо ёр, қай манзилга бориб етдинг?!

Қолсанг агар ёнгинангда турмасмидим,  
Садоқатдан кошоналар қурмасмидим,  
Сенинг бирла давру даврон сурмасмидим.  
Бошгинамга не кунларни солиб кетдинг?  
Вафосизим, қай манзилга бориб етдинг?!

Булутлардан болиш ясаб берар эдим,  
Чинорлардан умр сўраб берар эдим,  
Саболардан сабр тилаб берар эдим,  
Фақирингни не кўйларга солиб кетдинг?!  
Бесаботим, қай манзилга бориб етдинг?!

Уммонларга айланди-ку тўккан ёшим,  
Дунёларга сиғмай қолди ғариб бошим,  
Армонларга тўлиб қолди ичар ошим,  
Юрагимда соғинч бўлиб қолиб кетдинг?!  
Бемеҳирим, қай манзилга бориб етдинг?!

Мендан жуда олис эрур маконларинг,  
Боролмасман, товон тешур тиконларинг,  
Қайтмоқликка сенинг ҳам йўқ имконларинг,  
Кўнгил қушим қафасларга солиб кетдинг!  
Айтгил энди, қай манзилга бориб етдинг?

### СИЗ БИЛМАССИЗ...

Сиз билмассиз мен-чун қанчалар оғир,  
Ишқингиз қалбимдан буткул ўчирмоқ.  
Шодлигим, қувончим эдингиз, ахир,  
Билмам сизсиз қандай умр кечирмоқ?

Сезмассиз ҳар сўзим, ҳар бир нигоҳим,  
Оташ муҳаббатим айлар ошқора.  
Аммо, қалбингизга етмайди оҳим,  
Унда менинг учун жой йўқ, на чора.

Энди йўқолмасман гул боғингизга,  
Асира этмишдир мени ҳижронлар.  
Соғинч бўлиб ботай қароғингизга,  
Кўзингиз нуридан топай маконлар.

Тошкент

ELIM DEB, TURTIM DEB YONIB YASHASH KERAKI



МУАСССАФ:  
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,  
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**

Allanazar ABDIYEV

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol Odilov

Yo'ldosh SULAYMON

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

Sirojiddin SAYYID

**Bosh muharrir**

Sobir O'NAR

**Bosh muharrir o'rinbosari**

Luqmon BO'RIXON

**Mas'ul kotib**

Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Abdul G'ani JUMAYEV

Vafo FAYZULLO

Yo'ldosh ESHBEK

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali 1982 yil-  
dan chiqib boshlagan.

© "Yoshlik" № 4 (191) 2003 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining  
kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

**MUNDARIJA****IJTIMOIJY HAYOT**

Minhojiddin MIRZO.

Kelajak bugundan boshlanadi ..... 1

**ZULFIYAXONIM OIZLARI**

BENAZIR. Vatan ..... 14

Gulruh DONIYOROVA.

Ko'nglim oyga bog'lanar ..... 30

**NAZM**

Muhtarama TURKOY. Ishq dardi gulladi ..... 18

Ikrom ISKANDAR.

Tog'larning ko'ksiga suyanadi ko'k ..... 23

Qambar OTA.

Umringa navolar istayman ..... 35

Jalol HASANBOEV.

Vatandan ayri tushmasman ..... 36

Ibodot RAJABOVA. Kuz ..... 36

**NASR**

To'lepbergen QAIPBERGENOV.

XXI asrdagi adashimga xat. Asardan parcha ..... 4

Muhammad ISMOIL.

Yulduzlari kuygan tun. Qissa. .... 6

Rasul JUMAYEV.

Eshdavlatning davlati. Hikoya. .... 20

Abdulla VAXSHIVORIY.

Ot ishq. Hikoya. .... 31

Eshqobil SHUKUR.

Dunyoning ko'chishi. Hikoya. .... 40

**XXI ASR AVLODLARI**

Eleonora KOTLIBULATOVA.

Musiqah sehri ..... 19

Umidjon AHMEDOV.

Umid polvon ..... 29

Akrom MURODOV.

Ranglarda yurt madhi ..... 39

Ilhom SHARIPOV.

Yangi asrning yangi texnologiyasi ..... 24

**BIR ROMAN TAHLILI**

Abdug'afur RASULOV.

Ahmad yassaviy abadiyati ..... 25

**JAJI TADOIQOOT**

Nargis MAMATQULOVA.

Modern - she'riyatda yangicha talqin ..... 28

Muhayyo YO'LDOSHEVA.

She'r muhimmi, shoir? ..... 37

**BIRINCHI UCHRASHUV**

Marhabo XOLBOZOROVA.

O'zim bo'lay ..... 38

Jurnalimizning muqovasida fotojurnalist No'monjon  
MUHAMMADJONOV suratlaridan foydalanildi.

Manzilmiz: 700000, Toshkent, Javoharlari 1 Neru, 1-uy,  
Telefon: 133-40-83

Bosishga 20. 08. 2003 yilda berildi.

Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.

Indeks 822 ISSN 0207-9137 Buyurtma № 100

Jurnalidan ko'chirib bosilganda "Yoshlik"dan olindi deb  
izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomli O'zbekiston Milliy kutubxonah  
bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi 33-uy.